

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАРИХИ ВА ГРАММАТИКАСИ КАФЕДРАСИ

Инглиз тили тарихи фанидан

Маърузалар матни



Тузувчилар : доц. Усмонов Ў.У., ўқит. Мирсанов Ғ. Қ.

Кириш

1. Курснинг мақсади ва вазифалари. Инглиз тилининг даврларга бўлиниши.

Режа

1. Курснинг мақсади ва вазифалари.
2. Герман тиллари тугрисида умумий маълумот.
3. Қадимги герман тиллари, уларнинг таснифи ва ёзма ёдгорликлари.
4. Қадимги герман тилларининг фонетик системаси.
5. Инглиз тилини даврларга бўлиш.

Таянч иборалар

Фонетика, грамматик тузилиш, гот тили, Гримм қонуни, рун ёзуви, тўлиқ қўшимчалар даври, қўшимчаларнинг тенг даври, қўшимчаларнинг йўқолган даври.

Инглиз тили тарихининг илмий фан сифатидаги мавзуси (предмети) унинг энг қадимги даврдан бизнинг давримизгача мавжудлиги, тилнинг ривожланишининг систематик моҳияти ҳисобланади.

Тил тарихини ўрганиш замонавий инглиз тилини чуқур англаб етишга, турли факторлар билан алоқадорлиги, ривожланишнинг мураккаб жараёнининг натижаси ва бошқа тиллар ўртасидаги ўрнини тушиниш имкониятини беради.

Шу билан бирга инглиз тили тарихи фани Англия ва инглиз адабиёти тарихини ўрганишда кўмакчи фан сифатида амал қилиши мумкин.

Инглиз тили тарихи курсининг мақсад ва вазифалари фақатгина бериладиган фактларни келтириш эмас, балким тил ривожланиши қонуниятларини аниқлаш ҳамдир.

Тилдаги ўзгаришлар халқнинг нутқ фаолиятини англаб тушиниш ва ҳаётнинг турли тарафлари билан алоқадорликда бўлишини билиш ҳисобланади. Шу билан бирга, бу алоқадорликнинг ўта мураккаб ва турли туманлилик ҳамда тилнинг турли шароитларда турлича намоён бўлишини ҳисобга олиш керак. Шунингдек тил тараққиётининг ривожланиш жараёнининг бир маромда эмаслиги ва бу жараённинг ривожланиш кучини аниқлаш ҳамма ҳолатларда ҳам енгил эмаслигини тан олиш керак. Мисол учун оладиган бўлсак, лўғат таркибининг ривожланиши қиёсан фонетик тизимдан енгилроқ ҳисобланади. Фонетик тизм анча қийин муаммоли масалаларга эга. Бу соҳада ҳал этилмаган масалалар ҳали етарлича ҳисобланади.

Ҳозирги замон инглиз тилини ўқиган вақтимизда унинг лўғат таркибида фонетик, грамматик, таркибида кўпгина муаммоларга дуч келишимиз мумкин ва шу ҳодисаларни тушиниш биз учун қийинчилик туғдиради.

Масалан: 1) Нима учун **night, fight, thought** ва шунга ўхшаш сўзларда ҳеч қанақа товушларни ифодаламайдиган харфлар ёзилади. 2) Нима учун "ea" харф бирикмаси турли товушларни ифодалайди: **speak, bear, heard, heart**. 3) Нима учун [ʌ] товуши **sun, butter, cut** сўзларида 'u' харфи билан, **love, son, brother** сўзларида 'o' харфи билан ифодаланади? Ёки феълларни олайлик. Кўпгина феълларнинг ўзаги кўплик сонда ўзгаради. Шунга ўхшаш ҳодисаларни грамматик тузулишда ҳам учратишимиз мумкин. 1) Нима учун 'sheep', 'deer' отлари бирликда ҳам кўпликда ҳам бир хил шаклда ёзилади? 2) Нима учун 'man', 'foot', 'goose' отларининг кўплик шаклини ясаиши умумий қоидага бўйсунмасдан ўзакдаги унли ўзгариши орқали кўплик шакли ясалади? Шунга ўхшаш куп мисолларни келтириш мумкин. Шу муаммоларни фақатгина инглиз тилини тарихини билгандан кейин тушуниш мумкин.

Инглиз тили тарихининг эрта давларида, инглиз тили феъл системасининг анча камбағаллиги кўзга ташланади: яъни дарак майлининг фақатгина иккита замон шакли мавжуд бўлган, булар Ҳозирги ва ўтган замон шакллари, замонавий инглиз тилидаги The Present Indefinite Tense ва The Past Indefinite Tense шакллариининг прототипи ҳисобланади. Аммо вақт ўтиши билан инглиз феъл системаси янги

аналитик шакллар билан The Future Indefinite Tense ҳамда The Continuous, The Perfect шакллари билан бойиди. Бу шаклларнинг ривожланиши умуман бошқа феъл системасига ўзгарди, яъни, янги шакл ва семантик оппозицияларни олди. Ушбу аналитик шаклларнинг ҳосил бўлиши, олдинги иккала (Ҳозирги ва Ўтган) замон шаклларига ҳам таъсир этди. Улар билдирган (давомийлик, бўлажак) ҳаракат маънолари, янги аналитик шакллар билан ифодалана бошланди.

XVI-XVII асрларга келиб фонетик системада ҳам бир қанча ўзгаришлар юз берди. Жумладан, сонор [r] товуши [ə]га ўзгариши натижасида янги [iə], [eə], [uə] дифтонглари пайдо бўлиб, унлилар системасидаги сезиларли ўзгаришларга олиб келди: care, beer, dear, poor ва б.қ.

Маълумки, тилдаги ўзгаришлар секинлик билан амалга ошади. Бу жараённинг боришини киши сезмайди. Хусусан инглиз тили системасидаги ўзгаришларни кузатадиган бўлсак, бу турли даврларда турлича тус олган. Баъзи тарихий даврларда инглиз тилидаги ўзгаришларнинг суръати тезлашган, баъзи даврларда эса секинлашган.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, тилни билиш учун унинг тарихини ҳамда тарихий жараёнларнинг тил ривожланиши билан боғлиқлигини билиш керак деган хулосага келиш мумкин.

Инглиз тили тарихи курси илмий фан сифатида, ушбу тилнинг энг қадимги даври, ривожланиши ва ҳозирги кунгача бўлган тарихини системалаштирилган ҳолда ўрганади. Тил тарихини ўрганиш, замонавий инглиз тилини чуқурроқ тушинишга, унинг даврлар мобайнида, турли факторлар билан ўзаро алоқада бўлганлиги ва бошқа тиллар орасидаги ўрнини аниқлашга, англашга ёрдам беради.

Ушбу курснинг вазифаларидан яна бири тилнинг ривожланишини, фонетик, грамматик ва лексик қатламларининг ўзгаришини ўрганиш ва ушбу тилининг қонуний тараққиётини аниқлашдир. Инглиз тили тарихи бошқа илмий фанлар билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. У инглиз халқи ҳаётидаги аниқ тарихий шароитда инглиз тилининг ривожланиши билан ҳам алоқадор бўлганлиги учун Англия тарихига суянади. Инглиз тили тарихи замонавий инглиз тили ўрганадиган назарий фонетика, грамматика, лексикология фанлари билан узвий боғлиқдир. Бу фонетик, лексик, грамматик ҳодисаларни ривожланиш жараёнини кўрсатади ва замонавий тил системасининг ривожланиш йўлини белгилайди. Тил тарихи, замонавий тил системасидаги фонетик, лексик, грамматик ҳодисаларининг келиб чиқиши, ривожланишини аниқлайди. Шунингдек, ушбу курсда шунга ўхшаш кўпгина масалалар кўриб чиқилади.

Герман тиллари тўғрисида умумий маълумот, таснифи ва ёзма ёдгорликлари

Умуман қадимги германлар тўғрисидаги маълумотлар антик грек ва рим ёзувчиларининг далолатларига асосланган. Энг аввалги авторлардан бири эрампиздан аввалги IV асрда яшаган грек саёҳатчиси ва астрономи Пифей (ёки Питеас, Pytheas) бўлиб, у ўз кемасида Европанинг ғарбий қирғоқлари ва ламанш буғозларига саёҳат қилган. Лекин унинг маълумотлари сақланмаган. Фақатгина географ Страбон (Strabo) (эрампиздан аввалги 63 эрампизнинг 20 йиллари) томонидан келтирилган парчалар сақланиб қолingan.

Тўлароқ маълумотни Рим ҳуқумдори, саркардаси ва ёзувчи Юлий Цезар (100-44 эрампиздан аввалги) қолдирган. У ўзнинг «Галлар билан уруш хотиралари»да Рейн дарёси бўйларида урушган герман қабилаларига бағишлаган. Цезарнинг қимматбаҳо маълумотларидан бири, германлар қабила бўлиб яшаганликлари тўғрисида ҳисобланади. Цезарнинг маълумотларидан германлар кўчманчи ҳаёт тарзини кечирганликларини билиб оламиз.

Цезардан сўнг қарийиб 100 йилдан кейин Плиней каттаси ўзининг «Табиий тарих» (Naturalis Historia) асарида герман қабилаларининг қуйидаги таснифини келтиради.

1. Виндиллар (Уларга гот ва бургундлар кирган). Улар герман қабилаларига тегишли ҳудуднинг шарқида яшашган.
2. Ингевонлар (ёки ингвеонлар). Улар германлар ҳудудининг шимоли-ғарбида, Шимолий денгиз қирғоқларида ва замонавий Голландия ҳудудларида яшашган. Ингевонларга Британияни босиб олган қабилалар кирган.
3. Истевонлар (ёки искевонлар). Улар германларга тегишли ҳудуднинг ғарбий ҳудудларида, Рейна дарёси қирғоқларида яшаган. Истевонларга франклар мансуб бўлиб, улар оқибатда Галлия ҳудудини эгаллашган.
4. Гермиеонлар (ёки гермионлар). Улар герман қабилалари ҳудудининг жанубида, ҳозирги жанубий Германия ҳудудида яшашган.
5. Певкинлар ва бастранлар. Ҳозирги Руминия ҳудудида яшашган.
6. Гиллевионлар. Скандинавия ҳудудида яшашган.

Инглиз тили герман тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, ўз навбатида ҳинд-европа тиллари деб аталадиган каттароқ гуруҳга киради. Ҳинд-европа тилларига герман тилларидан ташқари словян, роман, грек, эрон, ҳинд ва бошқа бир қанча тиллар киради.

Замонавий герман тиллари ҳам иккита кичик гуруҳга бўлинади; а) Ғарбий герман тиллари. б) Шимолий герман тиллари.

Ғарбий герман тилларига инглиз, немис, голланд, фриз, тиллари кирса, шимолий герман тилларига швед, норвег, исланд, дания тиллари киради.

Герман тилларининг ёзма ёдгорликларни ўрганиб чиқилиши натижасида қуйидаги уч кичик гуруҳга бўлинади; 1) Шарқий герман тиллари (гот тили). 2) Шимолий герман тиллари (скандинав тиллари). 3) Ғарбий герман тиллари.

Герман тиллари ёзуви ва ёзма ёдгорликлари

Шарқий герман тилларига Бургунд, Вандаль, Гот тиллари кирган бўлиб, фақатгина Гот тилида ёзилган “Кумуш нома” (Codex Argenteus) ёзма ёдгорлиги бўлиб, бу тўртта евангелинанинг латин тилидан гот тилига таржимаси ҳисобланади. Бу ёзув тўқ қизил пергаментга гот алфавитида кумуш ҳарфлар билан ёзилган. Ушбу евангелиналарнинг таржимаси ва гот алфавитининг яратилиши гот епископи Вульфилга тегишли деб ҳисобланади. Бу ёзма ёдгорлик IV-асрга тегишли бўлиб 187 варақдан иборат бўлган ва ҳозирги кунда Швециянинг Упасла шаҳар унверситетининг кутубхонасида сақланмоқда.

Шимолий герман тилларига скандинав тиллари кирган бўлиб, уни рун ёзувлари тили ҳам деб аташади. Ушбу тилга тегишли ёзма ёдгорликлар эрамининг II-IX асрларига мансуб бўлиб 150га яқин ёзувдан иборат. Қадимги швед тилига тегишли рун алфавитидаги ёзма ёдгорликлар IX- асрга бориб тақалади. Шулардан Вестеръетландда (Швеция) топилган ва ҳозирги кунгача маълум бўлган рун ёзувининг энг кўпи 750 дан ортиқ ёзувга эга бўлган тош ҳисобланади.

Қадимги дания тили ёдгорликларидаги рун ёзуви IX-аср бошларига мансуб бўлиб, 400га яқин ёзма ёдгорликлари маълум.

Қадимги исланд тилида кўпроқ бадий адабиётлар сақланган. Ушбу ёдгорликлар рун ёзувида эмас балки латин алфавитида бўлиб, шеърлар, эпик қўшиқлар, сагалар ёзилган.

Ғарбий герман тилларига, қадимги юкори немис, қуйи немис, франк, саксон, фриз тиллари кирган. Юкори немис тили ёзма ёдгорликлари VIII- асрга бориб тақалади. Ушбу ёзма ёдгорликларни асосан латин текистларидаги лўғатлар, латин текстларининг немис тилига таржималари, шунингдек X-XI асрларда қилинган классик, диний таржималар, ”Мускилли” поэмаси (IX-аср), ”Людовик ҳақида қўшиқ”(IX-асрда французлар устидан ғалаба қозонган Людовиг III га бағишланган), ”Мерзебург жодуси”(X-аср) ва бошқалар киради.

Қуйи немис тилларига 6000 шеърдан иборат “Хелианд” поэмаси мансуб бўлиб, бу библиянинг шеърий қайта таржимаси ҳисобланади. Франк тили кўпгина шевалардан иборат бўлган: 1) VIII-асрда испан епископи Исидора томонидан ёзилган диний тракт,

2) II-асрда Тациан томонидан тузилган евангелинанинг IX-асрда шарқий франк шевасига таржимаси, 3) IX-асрда монах Отфрид томонидан жанубий рейнфранк шевасида ёзилган евангелина шеърлари; 4) IX-асрда қуйи франк шевасида ёзилган псалмлар таржимаси, каби ёдгорликларни санаб ўтишимиз мумкин. Қадимги фриз тили шимолий денгиз қирғоқларида тарқалган бўлиб, XIII-асрдаги ёдгорликлари билан маълум. Қадимги фриз тили, қадимги инглиз тилига жуда яқин бўлган.

Герман тиллари фонетикаси

Қадимги герман тилларидаги унлилар системаси қисқа ва чўзиқ унли товушлардан ташкил топган. Қисқа ва чўзиқ унлиларнинг фарқланиши Герман тиллари гуруҳининг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Қисқа ва чўзиқ унлилар турлича ўзгарган. Чўзқ унлилар дифтонгларга яқинлашган бўлса, қисқа унлилар очик унлиларга ўтган. Қадимги ҳинд европа [o] товуши герман тилларида очик [a] га ўзгарган. Қадимги Ҳиндөвропа тилларидаги чўзиқ [a:] чўзиқ [o:] унлисига ўтган.

Қ.Ҳев	Қ.Гер	Герман бўлмаган	Герман тиллари	
			Қадимги	Замонавий
o	a	L nox, Ir nochd, R ночь R мочь	Gt nahts, OHG naht Gt magan, OE maȝan	Sw natt, G nacht Sw ma, NE may
a:	o:	L mater, R мать O Ind bhrāta, L frater	OE mōdor Gt broþar, OE brōðor	Sw moder, NE mother Sw broder, NE brother

Қ.Ҳев	Қ.Гер	Герман бўлмаган	Герман тиллари	
			Қадимги	Замонавий
e	e,i	L ventus, R ветер L edere, R есть	Gt winds, OE wind OHG izit, OE etan	Sw vind, NE wind G essen, NE eat
u	u,o	L sunus, R сын Celt hurnan	O Icel sunr, OE sunu O Icel, OE horn	Sw son, NE son Sw horn, NE horn

Ушбу ўзгаришлардан сўнг қадимги герман тилларидаги унлилар системаси қуйидагича кўриниш олди:

Қисқа унлилар i e a o u

Чўзиқ унлилар i: e: a: o: u:

Герман тилларида ва шунингдек бошқа ҳиндовропа тилларидаги баъзи ундош товушларни қиёслар эканмиз, улардаги баъзи ўхшашликни кузатамиз. Бу ўхшашликлар XIX-асрнинг бошларида даниялик олим Расмус Раск ва кейинчалик немис олими Якоб Гримм томонидан ўрганиб чиқилган (Гримм қонуни шундан келиб чиққан). Гримм томонидан ”акт” деб аталган ундошларнинг биринчи силжиш қонуни уч этапдан иборат бўлган.

1. Ҳиндовропа тилларидаги жарангли портловчи (**b, d, g**) герман тилларидаги жарангсиз портловчи (**p, t, k**) га мос бўлган.
2. Ҳиндовропа тилларидаги жарангсиз портловчи (**p, t, k**) герман тилларидаги жарангсиз сирғалувчи (**f, þ, h**) га мос бўлган.
3. Ҳиндовропа тилларидаги жарангли портловчи нафас товуши (**bh, dh, gh**) герман тилларидаги жарангли портловчи (**b, d, h**) га мос бўлган.

Ҳиндов.	Герман.	Ҳиндов.	Герман.
P	>	f	лат. Pater
t	>	þ	лат. trēs
k	>	h	лот. noctem
b	>	p	гот. slēpan
d	>	t	лот. duo
			инг. father гот. fadar
			инг. three гот. þreis
			инг. nahts нем. Nacht
			гот. slēpan инг. sleep
			инг. two гот. twai

g	>	k	лот. iugum	гот. juk	инг. yoke
bh	>	b	санск. bhrātar	инг. brōþar	инг. brother
dh	>	d	санск. madhu	инг. medu	
gh	>	g	лот. hostis	гот. Gasts	

Демак ундошларнинг биринчи силжиши қонунида, герман ундошлари ҳиндовропа тилларидан ажралиб чиқиши билан боғлиқ.

Вернер қонуни.

Даниялик лингвист Карл Вернер (1877) ундошларнинг биринчи силжиши қонунига қуйидагича қўшимчалар киритган. t >[θ]га ўтишидан ташқари қадимги инглиз тилида [ð]га ҳам ўтган.

Лот. Frater > қ.инг. brōðor

Лот. Māter > қ.инг. mōðor

Шунингдек [t] [ð]товушини эмас балки [d] товушини ифодалашини ҳам аниқлаган.

Pāter > fæder

К. Вернернинг аниқлик киритишича, ушбу фарқлар бугундаги унлига урғу берилса, биринчи актдаги ундошлар силжиши қонуни асосида жарангсиз сирғалувчи[f], [θ] [x], [s] > [v], [ð] , [ɣ], [z]га ўтган.

Герман тиллари грамматик тузулишининг умумий хусусиятлари

Қадимги герман тиллари тарихи, шу тилларнинг асоси бўлган, ва бизгача сақланиб келинган ёзма ёдгорликларнинг кўп қисмини ташкил қилган Гот тилига таққосланиб ўрганилади. Қадимги герман тиллари бошқа Ҳинд-европа тиллари қатори синтетик грамматик структурага эга бўлган. Яъни гап бўлаклар ўртасидаги алоқа сўзларнинг жойлашиши эмас балким, сўзларнинг шакли билан боғлиқ бўлган.

Герман тилларидаги от тузулиши бошқа ҳиндевропа тилларидаги каби уч элементдан иборат бўлган: 1) ўзак, 2) негиз ясовчи қўшимча, 3) келишик қўшимчаси. Маълумки ўзак отнинг лексик маъносини билдиради. Келишик қўшимчаси эса отнинг грамматик функциясини ифодалайди. Аммо негиз ясовчи қўшимчанинг маъносини аниқлаш мураккаблик туғдиради ва бу ҳақда аниқ исбот келтириш қийин. Жумладан, гот тилидаги бир неча тур отларининг жўналиш келишик кўплик шаклида негиз ясовчи суффикслар кўзга ташланади: киёслаб кўрамиз: dagam (кундуз куни), gibōm (текин), gastim (меҳмонларга), sunum (ўғилларига). Келтирилган сўзлар уч элементдан иборат. Dag, gib, gast, sun ўзак ва a, ð, i, u негиз ясовчи қўшимча бўлса m келишик флекция(товуш, грамматик ўзгаришлар)си ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ҳолат тушум келишигида ҳам кўзга ташланади. Масалан: dagans, gibōs, gastins, sunus. Аммо

бош келишида негиз ясовчи қўшимчалар қатнашмайди: dags, giba, gasts, лекин sunus оти негиз ясовчи қўшимча олмайди.

Шундай қилиб, қадимги Герман тилларидаги а, õ, i, u негиз ясовчи унлилари қўшилиши орқали турланадиган отларни кучли турланишли отлар деб аташ қабул қилинган. Негизи n (s,r) ундош билан қатнашган отларни кучсиз турланиш деб таш қабул қилинган. Қадимги герман тилларида маълум гуруҳ отлар мавжуд бўлган бўлиб, улар келишикларда ўзак ўзгариши орқали турланган. Бу каби отлар ўзак-негизли турланиш деб ном олган.

СИФАТ

Қадимги Герман тилларидаги сифатларнинг турланиши иккига ажратилади: 1. Ҳар бир сифат отлардагидек кучли ва кучсиз турланишга эга бўлган. Агарда сифат олдидан кўрсатиш олмоши ёки аниқ артикл келса кучсиз турланиш шаклини олган. Қолган ҳолатларда кучли турланиш шаклида қўлланилган. 2. Баъзан сифатларнинг кучли турланиши отларнинг кучли турланишига мос тушмаган. Бу ҳолатда баъзи келишиклар олмошларнинг турланишига мос келган, яъни сифатларнинг кучли турланиши олмошлар билан бирикиб келишига боғлиқ бўлган.

ФЕЪЛ

Қадимги герман тилларининг феъл тузулиши турли элементлардан иборат бўлган. Феълларнинг кўп қисмини кучли феъллар ташкил қилган. Кучли феълларнинг ўткан замон ва сифатдош икки шакллари аблаут (унлилар алмашинуви) орқали ҳосил бўлган. Кучсиз феълларнинг ушбу шакллари тилолди (-d, -t) дентал суффикслари орқали ҳосил бўлган.

Кучли феъллар

Қадимги Герман тилларида замон эмас балким феълнинг тус шакли ҳаракат оқими хусусиятларининг замон (вақт) жараёнида бир-биридан фарқ қилиши муҳим ўрин тутган. Тус асосан учга бўлинган: давомий, лаҳзалик, натижавийлик. Давомий тус ҳаракатнинг ўз оқимидалигини ифодалаган. Лаҳзалик тус эса тугалланганлик ёки тугал нуқтага интилганликни билдирган. Натижавий тус эса натижага олиб келган тугалланганликни билдирган. Шу учала тусдан герман тилларидаги кучли феълларнинг замон шакллари ҳосил бўлган. Давомли тусдан ҳозирги замон, лаҳзалик тусдан ўтган замон ҳосил бўлган. Натижавий тусни билдирган кучли феъллар ўтган замон ва претрито-презент феъллар феъллари гуруҳида эса ҳозирги замонга ўзгарган.

Герман тилларидаги кучли феъллар тўрт шаклга эга бўлган: 1. инфинитив, 2. ўтган замон бирлик, 3. ўтган замон кўплик, 4. сифатдош II.

Барча кучли феъллар унлиларнинг алмашинувига қараб 7 синфга ажратилган. Қуйида гот тилидаги кучли феълларининг тусланиши келтирилган.

	инфинитив	Ўткан замон бирлик	Ўтган замон кўплик	Сифатдош II	таржима
I	reisan (i:)	rais (ai)	rasum (i)	risans (i)	турмоқ
II	kiusan (iu)	kaus (au)	kusum (u)	kusans (u)	танламоқ
III	bindan (i)	band (a)	bundum (u)	bundans (u)	боғламоқ
IV	stilan (i)	stal (a)	stēlum (ē)	stulans (u)	бўямоқ
V	giban (i)	gaf (a)	gēbum (ē)	gibans (i)	бермоқ
VI	faran (a)	fōr (ō)	fōrum (ō)	farans (a)	бормоқ

Гот тили 7 синф феъллари икки хил йўл билан тусланган: а) унлилар алмашинуви йўқ, б) чўзиқ унлилардаги алмашинув натижасида ҳосил бўлаган.

VII	a) haitan b) lētan	haihait lailōt	haihaitum lailōtum	haitans lētans	чақирмоқ қолдирмоқ
-----	-----------------------	-------------------	-----------------------	-------------------	-----------------------

Кучсиз феъллар

Кучсиз феъллар, ўтган замон ва сифатдош икки шаклига қўшимчалар қўшиш орқали ясалган.

Гот тилидан ташқари барча герман тилларида кучсиз феълларнинг негиз ясовчи қўшимчаларда бирбиридан фарқ қиладиган учта синф мавжуд бўлган. Гот тилида эса ушбу учта синфдан ташқари яна қўшимча бир синф бор бўлган.

	инфинитив	Ўтк.з. бирлик	Ўтк. з.кўплик	Сифатдош II	
I	hausjan	hausida	hasidēdum	hausiþs	эшитмоқ
II	salbōn	salbōda	solbōdēdum	salbōþs	суртмоқ
III	haban	hababida	habaidēdum	habaiþs	бор бўлмоқ
IV	fullnan	fullnōda	fullnōdēdum	-	тўлдирмоқ

Мисоллардан кўриниб турибдики, биринчи синфдаги негиз ясовчи қўшимча –j-, иккинчи синфда-ō-, учинчи синфда-ai-, ва тўртинчи синфда -(n)ō-.

Инглиз тилининг келиб чиқиш тарихи

Инглиз тили деганимизда биз V асрнинг ўрталарида Британияга хужум қила бошлаган герман қабилаларининг тилини тушунишимиз керак. Герман қабилалари маҳаллий келт халқини босиб олиб маҳаллий келт халқини мамлакат шимоли ва ғарб томонларига сиқиб чиқарадилар ва Британия ҳудудини кўп қисмини эаллайди. Ушбу Британия ҳудудига келган Герман қабилалари шевалари асосида Инглиз тили ривожланади.

Кўп асрлар мобайнида инглиз тилида ҳар бир тилдаги каби, анча ўзгаришлар юз берди. Инглиз халқи тарихини баъзи воқеалари шу процессларни тезлаштиради. Шунга асосланиб инглиз тили тарихини учта даврга бўлиб ўрганамиз:

1. Қадимги инглиз тили даври. а) Энг қадимги давр- Бу давр эраизмнинг биринчи асридан VII-VIII асрларини ўз ичига олади. Бу даврда инглиз халқининг асоси бўлган қадимги инглиз қабилаларининг мавжуд бўлганлиги билан изоҳланади. Ушбу қабилаларни бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлари билан аниқлашимиз мумкин. б) Қадимги инглиз (англ-сакс)-Бу давр VII-IX асрларни ўз ичига олади. Бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу давр инглиз тили ўзининг сифатий белгиларига эга бўла бошлаган.
2. Ўрта инглиз даври- XI-XV асрларни ўз ичига олади.
3. Янги инглиз даври- Бу давр XV- асрдан ҳозирги кунгача бўлган вақтни ўз ичига олиб, ўз навбатида икки даврга бўлинади; а) бошланғич янги инглиз тили даври. Инглиз миллий тилининг тил нормаларининг ҳосил бўлиши: б) сўнги янги инглиз тили даври. Инглиз тили тил нормаларининг ҳосил бўлган даври.

Бу даврларга тахминан қуйидаги хронологик босқичлар тўғри келади. Қадимги инглиз (ёки англ-сакс) V-асрнинг ярмидан, яъни Герман қабилаларининг кўчишидан то 1100 йилгача. Ўрта инглиз даври 1100 йилдан то 1500 йилгача ва янги инглиз даври 1500 дан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Янги инглиз даври 1500 йилдан ҳозирги давргача бўлган даврни ўз ичига олиб, янги инглиз тили даври ҳам иккига бўлинади. Бу эрта-янги инглиз даври бўлиб, ўз ичига 1500-1660 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда Стюартларнинг қироллик династияси қайтадан тикланган давргача бўлган даврдир.

Қадимги инглиз ва ўрта инглиз даврларни ажратадиган рақам яъни 1066 йилги тарихий ҳодиса билан боғлиқдир.

Ўрта ва янги инглиз даврларининг ўртаси эса феодализмнинг йўқ бўлиши ва капитализмнинг бошланиши , яъни Англиянинг норманлар томонидан босиб олиниши даврига тўғри келади. Ўрта инглиз ва янги инглиз даврларининг ўртаси эса феодализмнинг йўқ бўлиши ва Тюдорларнинг абсолют монархиясининг пайдо бўлишига боғлиқ бўлди. Биз ҳозир инглиз тилини даврларга тарихий принципларга асосланиб бўлдик. Тарихий принциплардан ташқари фонетик морфологик принциплар ҳам мавжуддир.

Инглиз тилшуноси Генрих Суит бу даврларга қуйидагича характеристика беради.

1. Қадимги инглиз даври; **-the period of full endings** (тўлиқ қўшимчалар даври).

Бу даврда урғусиз бўғинларга ҳамма унли товушлар туриши мумкин эди.

Масалан; **sunu, tella**

2. Ўрта инглиз даври- **the period of levelled endings** (тенглашган (бараварлашган) қўшимчалар даври)

Ҳамма урғусиз унлилар (ə) товушига ўтган эди. Ёзилишида эса “e” ҳарфи орқали ифода этилади.

Sune, tellen

3. Янги инглиз даври;- **the period of lost endings** (қўшимчаларнинг йўқолган даври.)

Қўшимчалардаги кучсиз унли товуш йўқолади. **Son, tell.**

Мавзуга оид саволлар.

1. Инглиз тили тарихининг ўрганишнинг асосий мақсади нимада?
2. Ундошларнинг силжиш қонуни неча этапдан иборат эди?
3. Ундошларнинг силжиш қонуни кимлар томонидан ишлаб чиқилган?
4. Инглиз тили тарихи неча даврга бўлиб ўрганилади?
5. Инглиз тили тарихини даврларга бўлиш нималарга асосланади?

Маъруза 2

I Тема. Инглиз тили(тарихининг бошланиши) ҳақида умумий тарихий очерк

1. Қадимги инглиз даврининг тарихий очерки.

Англиянинг римликлар томонидан босиб олинishi.

1. Британияда римликлар ҳукумронлиги.
2. Герман қабилаларининг британия ҳудудига кўчиши ва англо саксон давлатининг вужудга келиши.
3. Скандинавияликларнинг англосаксонлар билан кураши.
4. Қадимги давр инглиз тили ёзма ёдгорликлари ва шевалари, ёзуви.

Таянч иборалар.

Рун ёзуви, ютлар, англлар, гептархия, нортумбрия, скандинавлар.

Эрамизгача бўлган 55 йилда римликлар Юлий Цезар бошчилигида биринчи маротаба Британияга бостириб кирдилар. Аммо Цезарнинг биринчи ҳужуми жуда қисқа эди, чунки унинг флоти бўрон вақтида жуда катта зарарланди. Цезарнинг иккинчи ҳужуми эрамиздан олдин 54 йилда бўлиб ўтди. Бу босқин даврида Цезар Темза дарёсигача етган эди, лекин бу сафар ҳам римликларнинг Британияга ҳужуми қисқа бўлган эди.

Британиянинг римликлар томонидан ҳақиқий босиб олинishi Рим императори Клавдий вақтида 43 йилда бошланган эди, ҳамда икки асрдан кўпроқ вақт давом этди. Бу забот қилиш натижасида Британиянинг асосий қисми римликларнинг қўлига ўтди.

Римликлар даврида жуда катта кўприklar (кўтармалар)қурилди. Адриан (Рим) кўприги 120 йилда ва янги ерларни босиб олгандан сўнг 140-143 йиллар орасида Антониин Вали кўприklари (кўтармалари) қурилди.

Рим империяси даврида келтлар томонидан кўпгина кўзғолонлар бўлиб турди. Рим ҳокимиятига бўлган биринчи катта зарба Каледорияликлар томонидан 196 йилда берилди.

330 йилдан кейин британияликларнинг ҳужуми яна кучайди.

367-368 йилларда римликларга айна бир вақтда шимолдан Пиктлар, Ирландиядан скоттлар, ҳамда сакслар қирғоқ тарафдан ҳужум қилдилар.

Бунинг натижасида Рим ҳокимиятига, халқи маданиятига жуда катта зарар етган эди.

Лекин Феодосий ҳокимиятга келгач Рим ҳокимияти яна кучайди, аммо 383 йилда Магнус Максим рим армиясининг асосий қисмини Британиядан олиб чиқди.

Рим ҳокимияти Британия ҳудудида 400 йилга яқин давом этди. Бу давр ичида кўпгина янги шаҳарлар, йўллар қурилган эди. Бу қурилишлар, айниқса йўл қурилишлари Британиянинг тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлган, чунки келтлар

кўпинча фақат тепаликларда яшаб ўша ерларда фақат истехкомлар курган эдилар. Шунини айтиш керакки келтлар шаҳарлар курган бўлсалар ҳам лекин уларнинг сони жуда кам эди.

Ўша даврда латин тили армияда, шаҳарларда, ҳамда ҳукумат муассасаларида кенг тарқалган эди. Аммо Рим ҳокимияти ағдарилгандан сўнг ушбу тил ҳам эсдан чиқа бошлади.

Римликлар ўзлари билан христиан динини ҳам олиб келган эди, аммо христиан обидалари жуда кам эди. Ҳозиргача Британияда христиан черковларининг озгинаси сақланиб қолган.

Ҳозир ҳам кўп шаҳар харобаларини далаларда кўриш мумкин. Ҳозирги даврда ҳам кўпгина шаҳарлар Рим қишлоқларининг ўрнида турибди.

Шаҳарларнинг кўплари қисман римча номлар билан номланган бўлиб баъзилари ҳалигача сақланиб қолган; масалан, Портчестер (Portus Adurni), Лондон (Londinium), Линкольн (Lindum) ва бошқалар.

Шунини айтиш мумкинки, маҳаллий халқни, айниқса унинг юқори табақаларини римлаштириш процесси жадаллик билан олиб борилган. Рим аскарларининг 407 йилда тўсатдан чиқариб олингандан сўнг, шу процесс пасая бошлади.

2. Герман қабилаларининг кўчиши.

Кўп ўтмай римликларнинг кетиши билан бешинчи асрнинг ярмида Британияга германларнинг ҳужуми бошланди. Улар ютлар, сакслар ҳамда англлар эдилар. Кейинчалик шу қабилалардан инглиз миллати ташкил топди.

Аввало бу қабилалар континентда (китъада) яшар эдилар. Сакслар Эльба дарёсининг пастки оқимида, ҳозирги Швеция ҳудудида ва жанубий Данияда (англлар) ҳамда Рэйн дарёсининг пастки оқимида эса ютлар яшарди. Баъзи авторлар ютларни Даниянинг шимолида бўлган Ютландиядан келиб чиққан дейишади, аммо бу нотўғри қарашдир.

Юқорида айтиб ўтилган қабилалар бир бирига яқин бўлган диалектларда гаплашишар эдилар. Улар ҳали ижтимоий ривожланишнинг жуда паст босқичида турган бўлиб, улар типик уруғ жамоалардан иборат эдилар.

Германларнинг кўчиши ҳақидаги маълумотларни ҳар хил тарихий манбалардан топиш мумкин. Бундан ташқари герман қабилаларининг кўчиши ҳақидаги маълумот Британиялик черков ёзувчиси Гильдас асарларида учратиш мумкин. Гильдас куйидагича ёзган эди.

Бритлар Рим қўшини бошлиғи Аэцийга ёрдам сўраб мурожат қилдилар. Кейинчалик бритларнинг шоҳи мамлакатни пиктлардан ғимоя қилиш учун сакслардан ёрдам сўради. Аммо сакслар халоскаорлардан кўра босқинчиларга айландилар. Сакслар аста-секин Британияни босиб олдилар. Бошқа бир черков ёзувчиси Беданинг ёзишича, сакслар биринчи маротаба Британияга 449 йилда келишган. Бундан ташқари Ушбу сана тарихий асарларда ҳам учрайди.

Беданинг ёзишига қараганда, германларга ёрдам учун мурожат қилган Вортирген эди. У бритларнинг шоҳи эди. Германларнинг йўлбошчилари ака-ука Хенгест ва Хорса эдилар.

Герман қабилаларининг қўшилиши балки шу йилда бошланган бўлиши мумкин. Шу қўшилиш 150 йилдан ошиқ давом этди. Бритлар Герман қабилалари босқинига қаттиқ қаршилик кўрсатишган эдилар. Уларни раҳбари Артур ҳақида жуда кўпгина афсоналар яратилган.

Биринчи бўлиб Британияга ют қабилалари келган эди. Улар V аср ярмида Уайт оролини, Кент ярим оролини, ҳамда Саутгемптон деган шаҳар ҳудудини бир қисмини босиб олади.

Ютлардан кейин оз ўтмасдан сакслар кела бошлади. Улар маҳаллий қабилаларни вайрон қилиб Темза дарёсининг шимоли ва жанубидаги кўпгина ерларни босиб олдилар. Охирги бўлиб V асрнинг охирида Британияда англлар пайдо бўлишди.

Улар аста секин Хамбер дарёсининг қуйилишидан Фёрт оф Форт қўлтиғигача бўлган кўпгина ерларни босиб олдилар. V асрдаги шу кўчишдан кейин инглиз тилининг тарихи бошланди.

VI аср давомида германлар ва келтлар ўртасида жуда кескин курашлар бўлиб ўтди.

Буларнинг натижасида германлар ғалаба қозондилар.

Келтлар (бритлар) эса фақатгина мамлакатнинг ғарб ва шимолий ғарб районларида сақланиб қолдилар; Корну элди ярим ороли, Уэлсда ва Камберлендда.

VI асрнинг охирида Британиядаги германлар босиб олган ерларда бир неча қиролликлар пайдо бўлди. Уларнинг сони ўзгариб турди, аммо аср охирида уларнинг сони еттига етди. Шунинг учун VII-IX асрлар даврини Англия тарихида гептархия даври деб атайти. Гептархия етти қироллик демакдир; Дейра, Берришия, кейинчалик бу иккита давлат Нортумбрияга айланди, Шарқий Англия, Мерсия, Эссекс, Уэссекс, Суссекс, Кент.

VI-VII аср даври уруғдошлик жамиятидан феодал жамоага ўтиш даври бўлган деб ҳам аташ мумкин.

Келтлар ва германлар ўртасида алоқалар аввало жуда ёмон эди. Келтларнинг иқтисодий муносабатлари германларни унчалик ҳам қизиқтирмас ва уларга фарқ қилмас эди.

Христианликни эса, германлар Келтлар томонидан эмас, балки Рим ва ирланд миссионерлари томонидан ўрганган эдилар. Шунинг учун ҳам қадимги инглиз тилида жуда оз келт сўзларини учратиш мумкин эди. Кўпинча бу сўзлар шаҳарлар, қишлоқлар номи эди.

Аммо кейинчалик англосакслар ва келтлараро алоқалар мустаҳкамланиб борди. Келт ва англосакс шаҳарлари ҳар хил иттифоқларни ташкил этдилар. Рим маданиятининг таъсири келт маданиятига қараганда кучлироқ эди, чунки Британияда кўпгина рим маданияти ҳамда латин тили сақланиб қолган эди. Аввало англосакслар шаҳарларда кучли эдилар. Римликлар англосакс деҳқонларини шаҳардан четлатар эди, аммо кейинчалик эса шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди ва шунинг учун қадимги инглиз тилида кўпгина латин тилидаги сўзларни учратиш мумкин.

Бу сўзлар кўпунча товар(буюм-нарс)ларни, ҳарбий номларни ифода этган эди. Масалан қадимги инглиз тилидаги *dix*, латин тилида *discus*-тавоқ, қадимги инглизча *pipor*, латинча *pipor*- қалампир, қадимги инглизча *pipert* – латинча, *monetu*- танга ва бошқалар.

Диалектлар ва қадимги инглиз тилининг ёзма ёдгорликлари.

Гухман , Гот тили уч диалекти

Инглиз тилининг яратилиши биланок унда асосан учта тил шеваси пайдо бўлди: Нортумбрияда Нортумб диалекти, Мерсияда Мерс диалекти, Жанубий Англияда Уэссекс ёки ғарбий сакс диалекти ҳамда тўртинчи унча муҳим бўлмаган Кент диалекти яъни ютларнинг тилини кўрсатиш мумкин.

Кўрсатилган диалектлар кўп асрлар давомида ўзгараборди, аммо уларнинг асосий умумий хусусиятлари сақланиб қолди. Шунинг учун биз бу диалектларни умумий инглиз тилининг асоси бўлаолади дея оламиз.

Қадимги инглиз тилининг энг қадимги ёзма ёдгорликлари қадимги герман алфавитида рунлар билан ёзилган эди. Булардан энг қадимгиси “рун қутичаси” эди. Бу ёдгорлик VII аср ярмига тегишли бўлиб бу қутичада ёзилган текстлар нортумбр диалектида эди. Иккинчи бир рун ёзувининг ёдгорлиги “Рутвел”хочи эди. Бу катта тош хоч бўлиб, Англия ва шотландия чегарасидаги Рутвел (Ruthwell) қишлоғида турибди. Рутвел хочи тексти Нортумб диалектида ёзилган бўлиб, қадимги инглиз шоири Кюневульфга тегишли бўлган диний шеър рун ёзувида ёзилган. Шунингдек Нортумбрия шевасига

тегишли лотин алфавитида ёзилган ёдгорликларга қуйидагилар киради; а) “Бэданинг ўлимидан олдинги қўшиғи” поэмаси. “Англларнинг черков тарихи” (*Historia Ecclesiastica gentis Anglorum*) асарлари лотин тилида ёзилган бўлиб, қадимги англосакс қабилаларининг тарихи ҳақида ноёб манба ҳисобланади. б) Тарихчи Бэданинг таъкидлашича VII-асрга тегишли Кэдмон қўшиқлари тўққиз қатордан иборат бўлиб, библия темасига тегишли бўлган. Кэдмон Йоркширда яшаган чўпон бўлган.

Англо сакслар рим маданиятига эришгандан кейин рун ёзувини ўрнига лотин алфавити кириб келди. Аммо лотин алфавити ҳамма қадимги инглиз тилининг товушларини ақс эттираолмади. Шунинг учун лотин алфавитига рун ёзувидаги бир неча ҳарфлар киритилган эди. Шулардан руно *ƿ* олдинга сирғаловчи ундош товушни ифодалаган (яъни *ð*). Шунингдек *W* товушини ифодалаш учун алоҳида бир рунига эга бўлишган, бундан ташқари битта лотин ҳарфи бир нечта товушни ифодалаган, масалан, *C* ҳамда *3*.

Уэссекс диалекти; Қирол Альфреднинг асарлари;

1. лотин тилидан таржима қилинган “Пасторнинг ғами”.
2. лотин тилидан таржима қилинган “Бутун дунё тарихи”. Шунини айтиб ўтиш жоизки Шоҳ Альфред “Бутун дунё тарихи”га ўзи яратган Охтхер ва Вульстанларнинг саргузаштлари ҳақида ҳикояни ҳам киритган эди.
3. Рим философи Боэцийнинг “Фалсафанинг овутишлари”нинг таржимаси. “Англо сакс хроникасининг” қадимги қисми. Аббат Эльфрикнинг ёзганлари, Вульфастнинг хутобалари Уэссекс диалектида ёзилган асарлардир.

Мерс шевасида VIII-асрга тегишли Веспамана псалмъ (Vespasian Psalter) деб номланувчи глосса(текстлар изоҳи)лар лотин тилида ёзилган гимнлар ва псалтирнинг таржимаси тегишли.

Кент шевасида эса IX-асрнинг биринчи ярмига тегишли псалм(диний қўшиқ)лар, юридик ҳужжатлар бизгача етиб келган.

Юқорида номлари келтирилган асарларни кўздан кечирганимизда Уэссекс шевасида яратилган асарларнинг сони бошқа шеваларга қараганда анча кўплигини кўришимиз мумкин. Бу асарлар Уэссекс шеваси ҳақида жуда катта маълумот беради ва муҳим аҳамиятга эгадир, чунки қадимги инглиз даврида Уэссекс шеваси инглиз халқининг энди ривожланиб келаётган инглиз тилининг асосий шеваси эди.

Ушбу шеванинг бадий ривожланишига Қирол Альфреднинг (849-901) таржималари катта ҳисса қўшган. Ушбу шевага тегишли энг катта ёдгорликлардан бири “Англосакс хроникаси” ҳисобланиб, бизгача бир неча қўл ёзмаларда етиб келган. Булардан ташқари Альфред бошчилигида лотин тилидан таржима қилинган Григорий I нинг (549-604) “пастир бурчи” (*cura pastoralis*) асари таржимаси, V асрдаги испан монахи Орозий шеърларидан (540-604) «Тилчиларнинг тарихига қарши етти китоб» (*Historiarum adversus paganos libri septem*) асарларида ўша даврда маълум бўлган дунё тарихи ва географияси тасвирланади. Рим файласуфи Боэций (470-524)нинг “Фалсафанинг юпанчиғи” (*De Consolatione Philosophie*) тракти таржимаси, X-асрга тегишли Этельвольд ва унинг мактабининг “Бенедикт ордени қоидалари” (*Blickling Homilies*) таржималари сақланган. Биз юқорида фақат проза ҳақида гапирган эдик, аммо прозадан ташқари ўша даврда поэзия ҳам яратилган эди. Булар “Беовульф”, “Юдифь”, “Юлиана” поэмалари Кюневульф томонидан яратилган эди. Бу поэмаларда уэссекс шакллари билан бир қаторда англ шакллари ҳам учрайди. Балки шу поэмалар аввало англ шевасида ёзилган бўлиб, кейинчалик уэссекс шеваси асосий бўлиб қолганда бу поэмаларга кўчирувчилар томонидан англ сўзларининг ўрнига уэссекс шакллари киритилган бўлиши ҳам мумкин. Уэссекс шеваси энди яратилиб келаётган инглиз тилининг асосий шеваси деб ҳам ҳисоблашимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам бизгача етган ёзма ёдгорликларда ҳар хил диалектларнинг элементларини учратишимиз мумкин.

Мавзуга доир саволлар

1. Қадимги рун ёзувидаги ёдгорликлар асосан қайси шеваларга тегишли бўлган?
2. Рим ҳукумронлиги Британия ҳудудида қанча давом этди?
3. Қадимги герман қабилаларига қайси қабилалар кирган?
4. Герман қабилаларининг истилоси неча аср давом этди?
5. Скандинавлар истилоси қадимги инглиз тилига қандай таъсир этган?

Инглиз тилининг (тарихий) қадимги фонетикаси

Маъруза 3

Қадимги давр инглиз тили фонетикаси

1. Қадимги давр инглиз тили алфавити.
2. Қадимги инглиз тили ундош фонемалари.
3. Қадимги давр инглиз тилининг асосий фонетик ходисалари; а) синиш, б) палатализация (юмшоқланиш), в) умлаут, г) монофтонглашув, д) унлиларнинг қисқариши, е) унлиларнинг чўзилиши.
4. Қадимги давр инглиз тили унли ва ундошларининг гот тили унли ва ундошлари билан мослиги.

Таянч иборалар

Палатализация, умлаут, монофтонглашув, синиш, қисқа дифтонг, чўзиқ дифтонг.

Фонема ҳақида тушунча.

Фонема деганимизда биз сўз маъноларини ажратувчи айрим нутқ товушларни тушунамиз. Тилшуносликда фонемалар ва уларнинг вариантлари аҳамиятга эга. Фонеманинг вариантлари деганимизда биз инсон нутқининг шундай товушларини тушунамизки, шу товушлар сўзнинг маъносини ўзгартирмасдан, балки айрим одамларнинг талаффузида ҳар хил эшитилишини тушунамиз.

Масалан: инглиз тилида **'house'** сўзининг [haus] стандарт талаффузи билан бир қаторда [hæus] деган деалектал талаффузни ҳам эшитиш мумкин. Шу мисолда кўрганимиздек [æu] товуши бир янги сўзнинг қисми эмас, балки [au] фонеманинг бир туридир.

Ҳар бир тилнинг фонемалари ва фонемаларининг вариантлари ўзаро маълум муносабатларга эга ва ўша тилнинг ҳар бир даври учун турғун фонемалар системасини вужудга келтиради.

Тилнинг фонема системаси, грамматик қурилиши ва асосий луғат фонди кўп асрлар давомида сақланиб қолади. Тилнинг бошқа томонлари каби фонема системаси ҳам аста-секин ўзгаради. Бундай пайт ўша тилнинг ўзига хос грамматик тузилиши ва луғат состави вужудга келтирган сифат ўзгаришлар каби фонема ҳам ўз сифат ўзгаришларини яратиб беради. Бу ҳол ўша тилнинг ўзига жуда яқин бўлган қариндош тилга ҳам ўхшамайдиган томонини ташкил қилади.

Ушбу тил фонемаларининг ўзгариши, қатъий систематик характерга эгадир. Биринчидан, маълум бир товуш ҳамма жойда, ҳамма сўзларда ўзгаради.

Бу товуш фақат унинг ўзгаришига тўсқинлик қилувчи ёки унинг бошқа томонга йўналтирувчи шароитдагина ўзгармайди. Масалан; [i] чўзиқ унли товуши барча имконият туғилган пайтларда [ai] дифтонгига айланган.

Иккинчидан маълум бир товушнинг ўзгариши унга боғланган бошқа товушларининг ўзгаришига таъсир этади. Бу фонема системасида қуйидаги ўзгаришларга олиб келади.

Тилининг фонемалар системаси, шу тилнинг маълум бир давр тарихида ўзаро алоқада бўлган ўзининг алоҳида фонемалари тараққиётининг маҳсулидир. Шунинг учун инглиз тилининг мавжуд фонемалар системасини тушуниш учун, унинг орфографиясидаги муносабатларини аниқлаш учун инглиз тили тарихи давомида товушларда вужудга келган қонуний ўзгаришлар билан танишмоқ зарур.

Қадимги инглиз тили алфавитида 23 та ҳарф мавжуд бўлган.

1. а, 2. æ. 3. b. 4. c [k] [k']. 5. d 6. e, 7. f [f], [v]. 8. Ʒ [g],[g'],[ɣ],[j]. 9. h [x],[x'],[h]. 10. i. 11. l.

12. m. 13. n [n],[ŋ]. 14. o. 15. p. 16. r. 17. s. [s],[z] 18. t. 19. þ [θ],[ð]. 20. u. 21. w. 22. x. [ks]. 23. y. [y],[w] Bücher.

Ʒ-[g] тил орқа унлисидан олдин Ʒān.

[j] тил олди унлисидан олдин Ʒeār ва сўз охирида dæƷ

[ɣ] орқа унлилар ўртасида daƷas.(ўзбек тилидаги ғ товушига яқин)

[g'] с–дан кейин secƷan [gg].

h- [x] ундош олдида тāhte, hnutu.

[x'] тил олди унлиларидан сўнг ɣyht.

Қадимги инглиз тилида ундош фонемалар қуйидагича бўлган:

Лаб фонемалари; p[p] pund, b[b] bēodan (таклиф этмоқ),uu[w] ҳозирги қўлланмаларда w берилади. Wif –(хотин), m[m]-mōna (ой).

Лаб-тиш фонемалари; f[f] fæder ота f [v]-унли ва жарангли ундош ўртасида, drīfan [dri:vən], hæfde[hævde]-эга бўлмоқ.

Тил олди фонемалари; 1) тиш ўрта товуши, þ ёки ð[θ] þu, [ðu],[θu]-сен. þ,ð[ð]унлилар ўртасида sweþan[kweðan]-айтмоқ, baðian [baðian]-сотиб олмоқ. 2) тиш фонемалари; t[t] tōþ –тиш, d[d] dōn-қилмоқ, n[n] naма-исм, s[s]sēon-кўрмоқ, s[z] унлилар ва унли ҳамда жарангли ундош ўртасида. risan–кўтарилмақ, bōsm-кўкрак, r[ɾ] ɣyht-тўғри, l[l] ceald-совуқ.

Тил ўрта фонемалари; c[k]-cild-бола

сƷ [g']-bryсƷ- кўприк

Ʒ[j]-Ʒeard- ховли

h[x']-ɣyht- тўғри.

Тил орқа фонемалари; c[k] cumīn- келмоқ

с[g]сōd- яхши

с[ɣ] draƷan- тортмоқ.

Инглиз ундошларининг ривожланиши

Қадимги инглиз тилида ундош товушдаги ўзгаришлар .

Қадимги инглиз тилида ундош товушида бир қанча ўзгаришлар бўлиб ўтган эди . Аммо шуларнинг ичида иккитаси энг муҳим эди .

I Вернер конуни бўйича жарангсиз товушларнинг жаранглиларга айланиши

Бу ҳодиса натижасида жарангсиз сирғалувчи [f] [p] [s] ва [h] товушлари урғули унли товушдан олдин келсалар ва шу жарангсиз товушлардан олдин урғусиз унли турган бўлса [v] [ð] [r] ва [ʁ] жарангли сирғалувчи товушларга айланадилар .

Бу ҳодиса биринчи маротаба даниялик олим Вернер томонидан очилганлиги учун Вернер конуни деб аталган эди. Вернер конуни бўйича вужудга келган [ð]кейинчалик [d] га ўтган.

Масалан sweðan> swædon, sweden.

Жарангли [s] эса унли товушлар ўртасида >[r] га ўтган (ротацизм) .

Жарангли [v] эса сўзнинг охирида қадимги инглиз даврининг охирида жаранглашга ўтган эди.

Шундай қилиб Вернер конуни бўйича ундошлар қуйидагича ўзгарган эди.

[f]>[v]>[f] h>[ʁ] ёки тушиб қолган.

[p]>[ð]>[d] [s]>[z]>[r] ёки тушиб қолган.

Вернер конунининг натижасини ҳозир ҳам кўришимиз мумкин.

was-were (қ.инг wæs-wæron)

2.Сирғалувчи ундошларнинг пайдо бўлиши .

Қадимги инглиз тилида аввало сирғаловчи ундош товушлар йўқ эди. XI асрда эса шу ундошлар вужудга келди.

[k] [g] [sk] >[tʃ]

Тил олди унлилар олдидан тил ўрта ундошлар турган натижаси.

cild>child

stide>stith ва бошқалар.

Янги фонеманинг вужудга келиши орфографияда ҳам акс эттирилади. XIII асрдан янги товуш ”ch” орқали ифодаланган бўлди.

[g]>[dʒ]

қ.инг ecʒ>edge

қ.ун bryeʒ>bridge

Бу товуш учун dge киритилган эди.

[sk] >[sf]>[ʃ]

қ.инг sceadu>shadow

sceorte >shirt

skip>ship

Бу товуш учун sh ҳарф бирикмаси киритилган эди. Шундай қилиб қадимги инглиз даврининг охирида инглиз тили учта янги товуш билан бойиди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки f,s ҳарфлари унлилар ўртасида ҳамда жарангсиз унлидан[v] ва [z] талаффуз этилган. Þ,ð ҳарфлари ҳам унлилар ўртасида ва жарангсиз ундошдан олдин [ð] талаффуз этилган.

Ofer [over], selfa [selva]

I. Қадимги инглиз тили унли товушлар системаси

Инглиз тили қадимги даврдаёқ ўзига хос бўлган маълум бир унли товушлар системасига эга эди. Б. А. Илиёш таърифича унли товушларнинг системаси қуйидагича эди:

Қисқа унлилар: a; æ;e, i, o, u, y, ā

Чўзиқ унлилар: ā, æ, ē, ī, ō, ū, ŷ

Дифтонглар: Қисқа; ea, eo, ie, io

Чўзиқ: ēā, ēō, īē, īō

Шуни айтиб ўтиш жоизки, чўзиқ дифтонглар азалдан бўлиб келган, қисқа дифтонглар эса кейинчалик тилда бўлиб ўтган ҳар хил жараёнлар натижасида вужудга келган.

æ:- икки хил бўлган бўлиши мумкин.

æ:-примарный (энг қадимги), азалдан бўлиб келган ва æ- секундарный кейинчалик умлаут натижасида пайдо бўлган.

Satjan > sættan

В. Д. Аракиннинг таърифи эса бироқ бошқача:

Қисқа унли фонемалар: i, e, u, o, a

Чўзиқ унли фонемалар: ī, ē, ū, ō, ā,

Чўзиқ дифтонглар: īō, ēō, æ:ā қисқа дифтонглар: eo, æa

Агар Ильиш ва Аракин классификациялари таққослаб кўрилса, Аракин [æ] ва [a] товушларини битта фонеманинг вариантлари деб ҳисоблайди. В. А. Ильиш эса [æ] ва [a] товушларини бошқа- бошқа фонемалар деб ҳисоблайди.

Аракин ҳам Ильиш ҳам а унлисини а фонемасининг варианты деб ҳисоблайди. о товуши ҳам а товуши ҳам фақат п ва т товушлари олдида учраб туришини айтишади ва ёзувда белгиланмайди деб ҳисоблашади. Mann, monn, land, lond.

Қадимги инглиз ёзма ёдгорликларда чўзиқ унли (-) ёки (:) белгилари билан белгиланар эди. Белги эса ҳарфнинг тепасида кўйилар эди.

Кейинги нашрларда эса чўзиқ унли ҳарфлар горизантал чизикча билан белгиланади.

Қисқа унлилар эса (~) белгиси билан ифодаланади.

Қадимги инглиз тилида юқорида таъкидлаганимиздек, асосий диалект Уэссэкс диалекти бўлган.

Қадимги инглиз унли товушларининг асосий ўзгаришлари.

Қадимги инглиз тилида синиш.(breaking)

Қадимги давр инглиз тили унли товушлар системасининг ўзгаришини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин: 1. Синиш. 2. Умлаут. 3. Палатализация. 4. Унлиларнинг қисқариши. 5. Унлиларнинг чўзилиши. 6. Монофтанглашув.

1. Синиш ҳодисаси.

Ушбу жараён натижасида қисқа унлилар айрим ундош бирикмалар олдида дифтонгларга айланган.

Ушбу жараён æ ва e унли товушларига тарқалган эди;

г+ундош, l+ундош, h+ундош ва сўз охирида h товуш олдида æ>ea га ўтган:

fællan> feallan

mæht> meahht

næht> neahht

ærm> earm

sæh> seah

e> eo га ўтган г+ ундош, lc, lh, h+ ундош ва сўз охирида.

Sterno> steorra

Elh> eolh

Feh> feoh

Fehtan> feohtan

Melcan > meolcan

В. Д. Аракин фақат қисқа унлилар эмас, балки чўзиқ унлилар ҳам шу процессга кирази деган фикрда.

Масалан: [æ]>[æā] næh> nēah

Синиш процессии VI асрнинг биринчи яримида булиб ўтган ва у фақат Уэссекс диалектида учраган эди. Бошқа шеваларда, масалан, мерс шевасида кўп ҳолатларда синиш бўлмаган, Масалан, æ унли товуши кейинчалик а унлисига айланган: шунинг натижасида arm, ald, ahta, sah, формалари келиб чиққан.

Палатализация(Юмшоқланиш)

Қадимги инглиз тилида унли товушлар шунингдек сўз бошида келувчи юмшоқ ундош товушнинг таъсирида ўзгаришга учрайди. Бундай ундошлар қаторига ʒ, с товушлари ва sc товушларининг бирикмаси киради. Шунингдек ʒ ва с товушлари олдинги қатордаги ундошларгагина таъсир қилади, аммо sc товушлари бирикмаси эса, барча унлиларга таъсир этади. Натижада унлилар дифтонглашади

e>ie	ʒefan>ʒiefan	`бермоқ`
æ>ea	ʒat>zeat	`дарвоза`
ǣ:>ē	ʒǣ:t>ʒēat	`йил`
a>ea	scacan>sceacan	`силтамоқ`
o>eo	scort>sceort	`қиска`

Шуни ҳам қайд қилиш керакки ʒiefan, ʒieldan типидagi ёзишлар бошқача талкин этилиши ҳам мумкин.

Илгари "i" ҳарфи ʒiefan сўзида ва шунга ўхшаш пайтларда, унли товушни эмас, балки олдинги ундошнинг юмшатирилган(палатал) артикуляциясини кўрсатади деган фикрлар ҳам бўлган эди. Бу масала ҳозиргача ҳам ҳал бўлмаган. Масалан, zeat формаси ва унга ўхшаш формалари билан бир қаторда дифтонглашмаган ʒæt формаси ҳам учрайди.

Палатализация (юмшоқланиш) ходисаси умумий процесс эмас, бу ходиса кўпинча уэссекс диалектида учрайди, у қисман кент ва нортумб диалектларида ҳам бор. Шунинг учун ҳам дифтонгланиш жараёни тилнинг кейинги тараққиётида кам учрайди.

Перегласовка ёки Умлаут

Ўзидан сўнгги ундошларнинг қисман ассимиляцияси таъсирида унли товушда вужудга келган ўзгаришга перегласовка дейилади. Илмий адабиётларда бу ходиса учун умлаут термини ҳам ишлатилади. Перегласовканинг энг кўп тарқалган тури қуйидаги бўғинларда "i" унлиси (ёки j ундоши) тушиши туфайли вужудга келган перегласовкадир.

Герман тилларида i (ёки j)нинг олдиндан бўлган артикуляцияси ўзидан олдин келган товушлар сифатини бутунлай ўзгартириб юборади ва бир фонемани бошқаси билан алмаштириб юборади.

Шунинг учун ҳам герман тилларида умлаут (перегласовка)нинг аҳамияти жуда катта. Қадимги инглиз тилида i-умлаути деярли ҳамма товушларни ўзига жалб этган эди. Фақат `i` ва `e` унлиларига i- умлаути тарқалмаган эди, чунки, бу товушларга бундан олдин ҳам бошқа унлилар таъсир этган эди.

Перегласовка (i-умлаут) натижасида қуйидаги ўзгаришлар келиб чиққан:

a>e	harjis >here (қўшин)
æ>e	tælian>tellan
ā>ǣ	brádi>brǣde
o>e	dohtri>dehter
ō>ē	fōti>fēt
u>y	huggiejan>hyngnan
ū>ý	brūtis>brýd "келин"

Дифтонглар

ea>ie hleahian>hliehlan
ēā>īē hēāhire>hīēra
ea>ie 3eorn>3iernan "охотна"
ēō>īē 3etrēōur>3etrīēur "верный"

Орқа перегласовка (Back Umlaut)

Орқа перегласовкаси u, o, a орқа унлилари натижасида бўлган. Орқа перегласовканинг моҳияти шундаки, қўйидаги унлиларнинг орқа артикуляцияси олдинги унлида олдидадан бўлади, шунинг натижасида олдинги унли дифтонгга айланади.

Масалан:

i>io hira>hiora "уларнинг"
e>eo hefon>heofon "осмон"
a>ea saru>searn "қурол яроғ "

Стяжение(Унлиларнинг тушиб қолиши)

Агар сўзда иккита унли товуш учраса ва ўша икки унли товуш ўртасида ундош товуш учраса, ўша пайтда икки унли битта чўзиқ унли товушга айланади.

1. "h" ҳарфи тушиб қолиши натижасида

slahan>sleahan>slēōn
sehan>seohan>sēōn- "кўрмоқ"

2. eo<eh+унли

3. ō<oh+унли

fohan>fōn "ушламоқ"

4. sǣe>sǣ - "денгиз"

Тил тарихини ўрганишнинг муҳим масалаларидан яна бири, ушбу тилга қардош бўлган тиллар ўртасидаги алоқаларни ўрганишдир. Бундай ўрганишнинг воситаларидан бири, ушбу тиларидаги фонетик система ва грамматик қурулмаларни қиёслаб ўрганишдир.

Инглиз тили тарихини ўрганиш давомида, умумгерман тиллари асоси бўлган гот тили ва қадимги инглиз тили товушларини мослигини билиш жуда муҳимдир. Ушбу қиёсий тарихий метод, қадимги давр инглиз тили фонетик ҳодисаларини тиклашга ёрдам беради.

1. Гот тилидаги [a] қадимги инглиз тили ёпиқ [æ] товушига мос келади.

Гот dags = қадимги инглиз dǣ3- кун

Гот hwā = қадимги инглиз hwǣt- нима

Гот pata = қадимги инглиз ƿǣt- бу, ушбу

Ушбу келтирилган мисоллардан қадимги инглиз [æ] товуши гот [a] товушидан келиб чиққан.

2. Гот тилидаги [a] товуши қадимги инглиз тили очик буғундаги [a]га мос келган.

Гот dagos = қадимги инглиз dazas- кунлар

Гот faran = қадимги инглиз faran- бормоқ

3. Гот тилидаги [e:] қадимги инглиз тилидаги [æ:] ёки [ea:] га синиш ҳодисаси натижасида вужудга келган [æ:] га мос тушади.

Гот slēpan = қадимги инглиз slæpan- ухламоқ

Гот lētan = қадимги инглиз lætan – қолдирмоқ

Гот jēr = қадимги инглиз zēar- йил

4. Гот тилидаги [ai] қадимги инглиз тилидаги [a:] га мос бўлган.

Гот ains = қадимги инглиз ān- бир

Гот stains = қадимги инглиз stān- тош

5. Гот тилидаги [au] қадимги инглиз тилидаги [ea:] га мос бўлган

Унли товушларнинг чўзилиши

IX асрда nd, ld, mb ҳарф бириликлари олдидан унли товушлар чўзилиши.

climban>clīmban

findan>fīndan

cild>cīld

а, о, е қисқа унли товушлар очик буғунларда чўзилган. Tālu

Ушбу гуруҳда учинчи ундош турган бўлса, унлилардаги чўзилиш юз бермаган. Масалан: chidru (болалар).

Урғу

Қадимги инглиз тилида урғу сўзнинг биринчи буғунига тушган, масалан: ‘ēadizga (бахтлироқ), ‘norþewearðum (шимолга). Мустасно ҳолатлар ажралмас префиксли сўзларда учрайди. Бу сўзларда урғу ўзакка тушади, масалан: under’fōn (олдини олмоқ), on’zinnan, (бошламоқ) ze’rēode (тил).

Лексика

Қадимги инглиз тили лексик тузилиши умум герман тиллари лексикаси билан бир хил. Сўзлар асосан умум ҳинд европа тилларига мансуб бўлган:

А) отлар: fæder, mōdor, nama, tunze, fōt, ва бошқалар.

Б) сифатлар: neowe, riht, lonz/

В) феъллар: sittan, beran, teran.

Сўз ясалиши.

Қадимги инглиз тилида сўзлар асосан қуйидаги уч йўл орқали ясалган:

1. Морфологик сўз ясалиши.

2. Синтактик сўз ясалиши.

3. Семантик сўз ясалиши.

Отларни ясовчи суффикслари.

Қуйидаги суффикслар отларга ёки феълларга қўшилиши орқали от ясаган. Бу суффикслар отларни родларга бўлишга хизмат қилган, ҳар бир суффикс бирор бир род билан боғлиқ бўлган.

-ere-муж роддаги отнинг бажарувчи шахсни ифодалаш учун қўлланилган: wrītere-ёзувчи, fiscere-балиқчи. Бу суффикс гот тилидаги –areis суффиксига мос келган.

-estre суффикси жен роддаги шу маънони ифодалаш учун қўлланилган: bæcestre-ошпаз аёл.

-nd отлашган феъл қўшимчаси бўлиб, муж роддаги отларни яшаш учун қўлланилган: frēond-дўст, dēmend-судья.

-in³ сифатга қўшилиш орқали шахснинг характерини ифодалаш учун қўшилган: earin³-камбағал, шунингдек келиб чиқишни ифодалаш учун отларга қўшилган: sunin³-қирол, æðelin³-дворян ўғли.

-lin³ от, сифат, феълларга қўшилиб эркалаш маъносини англатган: dēorlin³- азизам -nes, -nis суффикслари сифатларга қўшилиш орқали от ясаган: ʒōdnis-яхшилик.

-uþ, -oþ юқоридагидек эркалаш маъносини ифодалашга қўлланилади: ʒeoʒuþ-ёшлик, huntōþ-ов.

-dōm dōm ‘такдир’ отидан келиб чиққан бўлиб wīsdōm-донолик, frēodōm-озодлик, каби отларни ясашга қўлланилган.

-scipe scierraþ-яратмоқ феълидан келиб чиққан бўлиб, қуйидаги отларда учрайди: frēondscipe-дўстлик, ʒebēorscipe-байрам нишонлаш.

Сифат ясовчи суффикслар

-ede отга қўшилиш орқали сифат ясаган: hōcede-қайишган, hēalede-синган.

-ihte отга қўшилиш орқали сифат ясаган: stānuhte-тошлоқ.

-iʒ отларга қўшилиш орқали сифат ясаган: hāliʒ-святой, mōdiʒ-ғурурли, mistiʒ-туманли.

-en нарсага оид сифатларни ясаган: ʒylden-олтин, wyllen-жунли.

-isc миллатга тегишлиликни ифодаловчи сифатларни яасш учун қўлланилган: Frencisc- француз.

-sum феъл ва отга қўшилиш орқали сифат ясаган: sibbsum-тинч, lanʒum-зерикарли.

-feald феълга қўшилиш орқали сифат ясаган: seofonfeald- етти мартаба.

-full отларга қўшилиш орқали сифат ясаган: sorʒfull- хафа бўлган.

-lēas отларга ва феълларга қўшилиш орқали инкор сифатни ясаган: slæplēas-уйқусиз.

-lic сифат ва отларга қўшилиш орқали сифат ясаган: luflic-суюкли, frēondlic-дўстона.

Феъл ясовчи суффикслар

-læc баъзи феълларни ясаган: nēealæcan-яқинлашмоқ.

-ett феъл яасш учун хизмат қилган: bliccettan-ялтирамоқ, cohhettan-йўталмоқ.

Префикслар

Қадимги инглиз тилида -ā- олд қўшимчаси феълларга қўшилиб, чиқиш келишиги маъносини билдирган ārīsan –‘турмоқ’, āwasan- ‘ўйғонмоқ’.

Шунингдек -ā- олд қўшимчаси сўроқни ифодаладиган олмош ва равишларга қўшилиб тасдиқ маъносини билдирган, масалан: hwæ:r- ‘қаерда’- āhwæ:r- ‘ҳар жойда’, hwæfer- ‘қайси бири’- āhwæfer- ‘ҳар бири’.

be- олд қўшимчаси от ва феълларга қўшилиб, баъзи ҳолатларда “атрофида” маъносини билдирса bezān-‘атрофда юрмоқ’, баъзан ўзбек тилидаги “кўрмоқ” кўмакчи феълига яқин маънони билдирган, beþencan- ‘ўйлаб кўрмоқ’.

For- олд қўшимчаси ҳам феълларга қўшилиб “парчаланиш”, “тарк этиш” маъноларига яқин маънони билдирган, масалан: fordōn-‘бузмоқ’, forweorþan- ‘ўлмоқ’.

ʒe- олд қўшимчаси отларга қўшилганда “ҳамкорлик” маъносини билдирса ʒefēra- ‘ҳамроҳ’, феълларга қўшилганда “тугалланганлик” маъносини ифодалаган, ʒesēon- ‘кўрмоқ, кўрган бўлмоқ’.

mis- олд қўшимчаси инкор маънони билдирган mislīcian- ‘ёқмаслик’.

of- олд қўшимчаси кучайтириш маъносини билдирган, oftēon- ‘тортиб олмоқ’.

un, wan- олд қўшимчалари инкор маънони билдирган, uncuþ- ‘нотаниш’, wanhāl- ‘носоғлом’

Мавзуга доир саволлар

1. Қадимги инглиз тилида нечта унли фонемалар мавжуд бўлган?
2. Синиш ҳодисаси қай ҳолатларда юз берган?
3. Умлаут ҳодисаси деб қанақанги ҳодиса аталади?
4. Қадимги инглиз тили даврининг қайси унлилари гот унли товушларига мос келган?
5. Қадимги давр инглиз тили ундошларининг қайсилари гот ундошларига мос келган?

Маъруза 4

Қадимги инглиз тили грамматик тузилиши.

Режа:

1. Морфология. Сўз туркумлар муаммоси.
2. От ва отнинг грамматик категориялари.
3. Отларнинг турланиши.

Таянч иборалар.

Отларнинг кучли турланиши, отларнинг кучсиз турланиши, ўзак-негизли турланиш, морфология, грамматика, категория, бош, жўналиш, тушум, келишик.

1. Маълумки, морфология грамматиканинг бир қисми бўлиб, сўз шакли ўзгариши, сўз туркумлари ва бошқаларни ўрганади.

Қадимги инглиз тилида қуйидаги сўз туркумлари мавжуд бўлган: от, сифат, олмош, сон, феъл, равиш, предлог, боғловчи, юклама.

Замонавий инглиз тилини қадимги давр инглиз тили билан қиёслаб шуни айтиш мумкинки, қадимги инглиз тилини синтетик тил сифатида характерлаш мумкин. Қадимги инглиз тили грамматик тузилишида бирор бир сўз, мисол учун от, сифат, феъл, гапдаги бошқа сўзлар билан муносабатда бўлиш учун турли аффикслар қўшилган. Шунинг учун, қадимги инглиз тили гап структураси аниқ сўз тартибига эга бўлмаган.

2. Қадимги герман тилларида, шунингдек қадимги инглиз тилида ҳам от категориясида қуйидаги грамматик категориялар бўлган. а) келишик категорияси. Қадимги инглиз тилининг от тузулишида тўртта грамматик келишик категорияси, бош келишик, қаратқич келишик, жўналиш келишик ва тушум келишиклари бўлган. б) Сон категорияси. Қадимги инглиз тили сон категориясида бирлик ва кўплик шакллари мавжуд бўлган. в) Отнинг грамматик род категорияси. Қадимги инглиз тили учта родга бўлинган: мужской род, женский род, средний род.

Қадимги инлиз тилида род категорияси лексик грамматик тузулишга эга бўлган. Ҳар бир от ўз шакли мазмуни жиҳатдан бирор-бир родга тегишли бўлган. Отнинг грамматик роди кўп ҳолатларда унинг лексик маъноси билан аниқланган. Мисол учун: **mann**-киши, **fæder**-ота, **sunu**-ўғил, **secg**-жангчи, отлари мужской родга тегишли бўлган бўлса **mōdor**- она, **cwēn**- қиролича, **dohtor**-қиз отлари женский родга тегишли бўлган. Аммо кўп ҳолатларда отнинг род категорияси лексик маъно билан боғлиқ бўлмаган; масалан мужской родга **fōt**- оёқ, **ende**-яқун, **nama**-исм, женский родга **ziefu**-қобият, **tunze**-тил, средний родга **scip**-кема, **ēazē**-кўз, отлари кирган.

Кўпгина ҳолатларда отнинг грамматик род категорияси лексик маънога қарама-қарши бўлган. Масалан: **wīf**-хотин, средний родга, **wīfman**-аёл мужский родга тегишли бўлган.

Отнинг род категорияси рус тилидагидек шаклий хусусиятга эга бўлмаган ва ушбу отларнинг роди бирикиб келган сифат ёки олмош билан аниқланган.

3. Қадимги инглиз тилида аввалги негиз ясовчи аффиксга боғлиқ ҳолда. Отларни негизларга бўлиш ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Шу сабаб билан қадимги инглиз тилида отлар учта гуруҳга бўлинган.

Келишиклар категорияси .

Қадимги инглиз тилида 4 келишик, яъни бош келишик, қаратқич келишик, жўналиш келишик ва тушум келишиги бор эди.

Учта тип турланиш бор эди.

Кучли турланиш (Сильное склонения) (Strong declention)

Кучли турланиш отларининг негиз ясайдиган суффикси унли товушлар эди.

4 асосий негиз ясайдиган суффикслар бор эди.

1. негизи «а» отлар

2. _____ «о»

3. _____ «i»

4. _____ «u»

Қадимги инглиз тилида “а” негизли отларга мужской ва средний родда бир ёки икки ундош билан тугайдиган отлар кирган.

1. “а” билан негиз

Stān –тош, scip- кема

Wulf- бўри word- сўз

Hrin3- узук bān- суяк

Mūð- оғиз dēor- кийик

Агар ўзак ва негиз ясовчи аффикс ўртасида –i- турган бўлса, негизи –‘ja’-ли деб аталади, чунки –‘i’- кейинчалик –‘e’-га ўтган.

М.Р.

Ср.Р.

Here- кўшин wite- жазо

Ende- ниҳоя, якун rice- ҳукумат

Sec3- ҳарбий sunn- род.

Шунингдек ушбу негизли отларга –nn, –с3 ундошалари билан тугаган отлар ҳам кирган .

Агар ўзак ва негиз ясовчи аффикс ўртасида урғусиз “u”, “w” турган бўлса негизи “wa” бўлаган отлар деб аталади. Ушбу тур отларига бош келишикда мужской ва средний роддаги w, u, o билан тугаган отлар кирган.

М.Р.

Ср.Р.

Snāw- қор meolu- ун

Dēaw- шабнам, шудринг trēo(w)- дарахт

Beagu- дарахтзор snēo(w)- тизза

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки муж. Род. ва ср.роддаги негизи “а” бўлган отларга қуйидагилар кирган;

1) негизи “а” бўлган отлар.

2) негизи “ja” бўлган отлар

3) негизи “wa” бўлган отлар

Қуйида ушбу отларнинг келишикларда турланиши берилган.

k-k	М. Р	М.Р	Ср.Р	Ср.Р
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик

Б.к	--	-as	--	-u
Қ.к	-es	-a	-es	-a
Ж.к	--	-um	-e	-um
Т.к	--	-as	--	-u

son	k.k	M.P	M.P	M.P	Cp.P	Cp.P	Cp.P
		-a- негизли	-ja- негизли	-wa- негизли	-a- негизли	-ja- негизли	-wa- негизли
бирлик	Б.К Қ.к Ж.к Т.к	hrinʒ hrinʒes hrinʒe hrinʒ	Here Her(i)es Her(i)e here	Bearu Berawes Bearwe bearu	Scip Scippes Scipe scip	Rīce Rīces Rīce rīce	Trēo(w) Trēwes Trēowe Trēo(w)
кўплик	Б.к Қ.к Ж.к Т.к	Hrinʒas Hrinʒa Hrinʒum hrinʒas	Her(i)as Her(i)a Her(i)um Her(i)as	Bearwas Bearwa Bearum Bearwas	Scipu Scipa Scipum Scipu	Rīc(i)u Rīc(e)a Rīc(i)um Rīc(i)u	Trēow Trēowa Trēowum Trēow

Бирлик

М.р		Ср.под
Бош	stān	reced
Қарат	stānes	recedes
Жўнал	stāne	recede
Тушум	stān	resed

Кўплик

М.р		Ср.под
Бош	stānas	reced
Қарат	stānu	recede
Жўнал	stānum	recedum
Тушум	stānas	resed

Негизи ǫ

-ǫ- negizli turlanish

Qadimgi ingliz tilida -ǫ- negizli otlarga Jen. Roddagi -u- yoki undosh bilan tugaydigan otlar kirgan. Agar o'zak va negiz yasovchi affiks orasida urg'usiz -i- turgan bo'lsa bu turlanish -jo- negizli deb atalgan. Bu turlanishga ham Jenskiy roddagi otlar kirgan.

Ushbu otlarda -ǫ- turlanishda ham bosh kelishikdagi negiz yasovchi affiks tushib qolgan. Agar o'zak va negiz yasovchi affiks o'rtasida -u- orfografik belgisi yoki -w- bo'lsa, bu turlanish -wo- turlanish deb ataladi.

Jenskiy roddagi negizi -ǫ- bo'lgan otlarga quyidagilar kirgan.

- 1) negizi -ǫ- bo'lgan otlar
- 2) negizi -jǫ- bo'lgan otlar
- 3) negizi -wǫ- bo'lgan otlar

	Jenskiy rod	jenskiy rod
k.k	birlik	Ko'plik

B.k	-u	-a
Q.k	-e	-a
J.k	-e	-um
T.k	-e	-a

Бу тилга фақат женсий род сўзлари киради :

	Birlik	ko'plik	birlik	ko'plik
Бош	fōr	fōra	swipir	swapa
Қарат	fōre	fōra	swape	swapa
Жўнал	fōre	fōrum	swape	swarum
Тушум	fōre	fōra	swape	swapa

Негизи “i”

Қадимги давр инглиз тили негизи –i- отларга учала роддаги отлар кирган. Аммо тилнинг тарихий ривожланиши жараёнида –i- негизли отлар бошқа негизли отларнинг келишиқ кўшимчаларини олабошлаган. Яъни –i- негизли мужской ва средний роддаги отлар –ja- негизли Муж. ва Ср. родга ўтган, -i- негизли Жен. Род отлари –jō- негизли отларга ўтган.

	Бирлик		
	Муж	Сред	Жен
Бош	hyll	hilt	hyd
Қар	hyless	hiltes	hyde
Жўн	hyll	hilde	hyde
Туш	hyll	hilt	hyd
	Кўплик		
	Муж	Сред	Жен
Бош	hyllas	hilt	hyde(a)
Қар	hyla	hilta	hyda
Жўн	hyllum	hiltum	hydyem
Туш	hyllas	hilt	hyde(a)

Негизи «u»

Қадимги инглиз тилида –u- негизли отларга –u- ёки битта ва кўпироқ ундош билан тугаган Муж ва Жен роддаги отлар кирган. Негизи –u- бўлган отларга қуйидаги отларни киритиш мумкин: Муж.роддаги отларга sunu-ўғил, wudu- дарахт, feld- дала Жен.роддаги отларга duru-эшиқ, nosu-бурун, hand-қўл, frōg-пол

	Бирлик	
	Муж	Жен
Бош	sunu (u)	duru (u)
Қар	sunu (a)	dura (a)
Жўн	sunu (a)	dura (a)
Туш	sunu (u)	duru (u)
	Кўплик сон	
	Муж	Жен
Бош	sunu (a)	dura (a)
Қар	sunu (a)	dura (a)
Жўн	sunum (um)	durum (um)
Туш	suma (a)	dura (um)

Кучсиз турланиш

Қадимги инглиз тили даври ундош негизли турланиш отлари ҳам ўз навбатида бир неча гуруҳга бўлинган.

1. –en- негизли отлар
2. –r- негизли отлар
3. –s- негизли отлар

(Негизи «n»)

-n- негизли отларга қадимги даврда барча роддаги отлар кирган

Муж. род	Жен. род.	Сред. род.
Nama - исм	sunne - кўёш	ēaze- кўз
Guma -эркак	swealwe –қалдирғоч	ēare- кулоқ
Steorra- юлдуз	tunge- тил	

Муж род сўзлари бирлик сон бош келишигида ”а” келишигини олади, теен ва ср.род сўзлари ”е”. Ср.родда тушум келишиги бош келишиг билан бир ҳил, қолган бошқа келишикларда 3-роднинг турланишлари бир бирадан фарқ қилмайдилар.

son	k-k	Муж род	Жен род	Сред рож
бирлик	B.k	-a	-e	-e
	Q.k	-an	-an	-an
	Ж.k	-an	-an	-an
	T.k	-an	-an	-e
кўплик	B.k	-an	-an	-an
	Q.k	-ena	-ena	-ena
	Ж.k	-um	-um	-um
	T.k	-an	-an	-an

Бирлик сон

Муж	Сред	Жен
Бош nama	swene “тенц”	ēaze
Қар nama	swenan	ēazan
Жўн nama	swenan	ēazan
Туш nama	swenan	ēaze

Кўплик сон

Муж	Сред	Жен
Бош nama	swenan	ēazan
Қар namena	swenena	ēazena
Жўн namum	swenum	ēazum
Туш nama	swenan	ēazan

Отларнинг -r- негизли турланиши.

Қадимги инглиз тилида –r- негизли отларга қариндошликни ифодаловчи отлар кирган;

Муж род	Жен род
Fæder	mōðor
Brōðer	dohtor

r” негизлар.

Турланишнинг бу типига қариндошликни ифодаладиган муж ва жен. роднинг бир нечта сўзлари кириди.

Бирлик

Муж.род	Жен.род
Бош fæder	dohtor

Қар	fæder (es)	dohtor
Жўн	fæder	dohtor
Тушум	fæder	dohtor
	Кўплик	
fæderas		dohtor –tra -tru
fædera		dohtra
fæderum		dohtrum
fæderas		dohtor –tra –tru

Ўзак келишиклари

Ўзак негизли турланишли отларга асосан қуйидаги отлар кирган

Жен род	Муж род
Ās дуб дарахти	fōt oёқ
zāt эчки	tōp
Hnutu ёнғоқ	monn

Турланишнинг учинчи гуруҳда негиз ясайдиган суффикси йўқ, шунинг учун кўшимчалар ўзакка қўшилади.

Муж.род

	Бирлик	Кўплик
Бош	fōt	fēt
Қар	fōtes	fōta
Жўн	fēt	fōtum
Тушум	fōt	fēt

3-келишикларда ўзакдаги унли ўзгаради бу перегласовка(умлаут)нинг натижасидир.

Жен.род

	Бирлик	Кўплик
Бош	fōc	fēc
Қар	fōtce	fōca
Жўн	fēc	fōcum
Тушум	fōc	fēc

Мавзуга оид саволлар

1. Қадимги давр инглиз тилида от қанақанги грамматик категорияларга эга бўлган?
2. Замонавий инглиз тили от тузилиши қадимгисидан қанақанги сифатлари билан фарқ қилган?
3. Қадимги даврда отлар неча хил турланишга эга бўлган?
4. Қанақанги отлар кучли турланишли отлар деб аталган ?
5. Қанақанги отлар кучсиз турланишли отлар деб аталган?

Маъруза 5

Сифат. Равиш. Олмош. Сон.

Режа.

1. Қадимги давр инглиз тили сифат системаси.
2. Қадимги давр инглиз тили сифат даражалари.
3. Равиш системаси
4. Олмош системаси
5. Сон системаси

Таянч иборалар:

Олмош , артикл, суфикс, соноқ сон, тартиб сон.

Қадимги инглиз тили сифати род, сон ва келишикларда белгиланган. Сифатларнинг род категорияси соф грамматик категория сифатида родларда ўзгарган. Сифатлар ҳам ўз навбатида кучли ва кучсиз турланишларга эга бўлган.

Агар сифатлар умумий маънода олинган отларни аниқласа, шу тарзда улар ноаниқ эди Муж ва ср.род ноаниқ сифатлари “ă” негизли отлар каби турланар эди. Жен.род сифатлари эса “ō” негизли жен.род сўзлари каби турланар эди, ҳамда уч род сифатлари ҳам баъзи бир келишикларда 3 шахс олмошларини қўшимчаларини олган, шунинг учун ноаниқ турланиш олмошли турланиш деб ҳам аталади.

Агарда сифатлар аниқ предметлар ва ҳодисаларни ифодаладиган отларни аниқласа, шу пайтда улар аниқ сифатлар эди. Шундай отларнинг олдида sē, sēo ва þæt олмошлари ҳам бор эди. Аниқ сифатлар “n” негизли отлар каби турлананар эди. Бу турланишга уч род сифатлари ҳам кирар эди.

Сифатларнинг Кучли (сильное) турланиши

Муж род			Сред.род	
	Бирлик сон	Кўплик сон	Бирлик сон	Кўплик сон
Бош	blæc stān	blæce stānas	blæc fæt	blacu fatu
Қар	blæces stānes	blacra stāna	blæces fætes	blacra fata
Жўн	Blæcum stāne	blacum stānum	blæcum fæte	blacum fatum
Тушум	blæcne stān	blæce stānas	blæc fæt	blacu fatu
Биргал	blæce		blæce	

Юқоридаги турланиш жадвалдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади.

1. Умуман олганда сифатларинг ноаниқ турланиши отларнинг кучли турланиши билан мос келади .
2. Аммо баъзи бир келишикларда сифатларининг келишиклари олмош келишикларига мос келади. Шунинг учун ҳам бу турланишни олмошли турланиш деб атайти. Олмошли қўшимчаларнинг тагига чизилган.

Женский род		
	Бирлик	Кўплик
Бош	swētu	swēta
Қар	swētre	swētra
Жўн	swētre	swētum
Тушум	swēte	swēta

Жен род сифатларинг кўплик сон қаратқич келишик қўшимчаси ҳам га (олмошли) бирлик сон қаратқич ва жўналиш келишик қўшимчалари г олмошли бўлган.

“ǣ” ва “ō” негизли сифатлардан ташқари “jǣ”, “jo” ва “wu” – “wǣ” wō негизли сифатлар ҳам бор эди .

“jǣ” ва “jō” негизли сўзлар (перегласовкага) умлаутга учраган эди.

grōnja> grōni> grēne>green

swōtja> swōti> swēte>sweet

“j” таъсирида ō>ē га ўтган эди. “ǣ” ва “ō” редукция таъсирида тушиб қолган эди. “j” > “i” га ўтиб кейинчалик тушиб қолди.

“wǣ” ва “wō” негизли сифатларнинг сони жуда оз эди.

Кўплик сон бош келишикда “u” қўшимчага эга эди. neagu (тор), zeolu (сарик)

Бошқа формаларида келишик қўшимчаси олдида [w] тулар эди: zeagwe, zeagwes.

Сифатларнинг кучсиз (слабое) турланиши.

Бирлик сон			
	Муж род	Средн род	Жен род
Бош	zōda nama	zōde ēaze	zōde cwene
Қар	zōdan naman	zōdan ēazan	zōdan cwenan
Жўн	zōdan naman	zōdan ēazan	zōdan cwenan
Тушум	zōdan naman	zōde ēaze	zōdan cwenan

Кўплик сон			
	Муж род	Средн род	Жен род
Бош	zōdan namab	zōdan ēazan	zōdan cwenan
Қар	zōdra namena	zōdra ēazena	zōdra cwenena
Жўн	zōdum namum	zōdum ēazenum	zōdum cwenum
Тушум	zōdan naman	zōdan ēazan	zōdan cwenan

Бу ерда биз кўрганимиздай фақат кўплик сон Қаратқич келишигида “га” олмошли қўшимча учрайди қолган бошқа келишиклар от келишиклари билан мос келган.

Сифатнинг (киёс) чоғиштириш даражалари.

Ҳамма қадимги герман тилларида ҳам сифатлар учта даражага эга эди : оддий даража, чоғиштира даража, орттима даражага.

Қадимги инглиз чоғиштира (қиёсий) даражаси “ira” суффиксининг қўшилиши билан вужудга келади. Кейинчалик “i” тушиб қолади ва “ira”>ra

Орттирма даражаси эса оддий даражага “ist” қўшилиши билан ҳосил бўлади. “ist” сўнгра “est” га ўтган эди.

[i] товуши тил олди умлаут (перегласовкага) олиб келган эди.

earn	earnra	earmost
glæd	glædra	gladost
eald	ieldra (ealdira)	ieldest (ealdist)
lang	lengra (langira)	lengest (langist)

“ira” ва “ist” суффикслари билан бир қаторда “ora” ва “ost” суффикслари ҳам ишлатилар эди. Қадимги инглиз тилида улар “ra” “ost” га ўтган эди.

Қадимги инглиз тили сифат даражалари ясалиши уч хил шаклда амалга оширилган.

ясалиши	оддий	қиёсий	орттирма	Зам.инг
Суффикс қўшиш орқали	soft wēriʒ	softra wēriʒra	softost wēriʒost	soft weary
Суффикс + ўзакдаги унли ўзгариши орқали	ʒlæd lonʒ eald	ʒlædra lenʒra ealdra (ieldra)	ʒladost lenʒest ealdost (ieldest)	glad long old
супплетив	ʒōd lytel micel	bettra læ:ssa māra	betest læ:st mæ:st	good little much

Ўрта инглиз даврида ra > re га ўтади ва урғусиз “e” тушиб қолади, аммо “r” олдидан “e” пайдо бўлади. ra>re>r>er.

“ost” эса > est

Ўрта инглиз даврида баъзи бир сифатлар тил олди умлаут (перегласовка)ни сақлаб қолган эди.

Old – elder – eldest

Long – lenger – lengest

Stron – strengener – strengest

Янги инглиз даврида эса ўзакдаги унлилари текисланган эди.

Long – longer – longest

Аммо ҳозиргача ҳам “умлаут (перегласовка)нинг” таъсири сақланган

Old – elder – elderst

Old – older – olderst

Қадимги инглиз даврида “суплитив” форма ҳам бор эди.

ʒōd , betera – betst

lytel – læssa – lsest

micel – māra – mæst, māst

Ўрта инглиз даврида

gōd – better – best

litel, lutel – lesse – lest

Янги инглиз даврида эса суплитив сифатлари қуйидагича:

Good – better – best

Bad – worse – worst

Much(many) – more – most

Ўрта инглиз даврида кўп – бўғинли сифатлар пайдо бўлди. Энди янги форма вужудга келиши керак эди, чунки “es” “est” ни қўшма сўз жуда узун бўлиб кетган эди. Шунинг учун кўмакчи сўзлардан фойдаланиш керак эди. (mose, most)
Шундай қилиб ҳозир инглиз тилида иккита усул бор: синтетик (er, est), аналитик (more, most, less, least)

Равиш

Қадимги давр инглиз тилида равишлар содда ва ясама бўлган. Содда равишлар; hwær- where, þær-there, hwanne- when, þa-then, -soon.

Р қадимги давр инглиз тилида суффикслар қўшиш орқали ясалган.

1. Сифатга –е қўшиш орқали

Wīd- wide

Sweotul—sweotule

2. отга –lice қўшиш орқали

frēond- frēondlice

3. Мужской роддаги –а- негизли отларнинг қаратқич келишигига –es қўшиш орқали

dæg- dægес

willa- willes

Равишларнинг қиёсий даражасига -or, орттирма даражасига -ost, суффиксларини қўшиш орқали равиш даражалари ясалган.

Wīde wīdor wīdost

Олмош

Олмошлари системаси.

Қадимги инглиз тилида бир нечта разряд олмошлар бор эди; яъни кишилиқ олмоши, эгалиқ олмоши, сўроқ олмоши, кўрсатқич олмоши ва бўлишсиз олмоши.

Эгалиқ (кишилиқ) олмошларининг тараққиёти.

Қадимги инглиз тилида бир ва икки шахс олмошлари уч шахс олмошларидан тамоман фарқ қилар эди. Шунинг учун бизлар уларни алоҳида текшираемиз. Бир ва икки шахс олмошлари уч сонга эга эди: бирлик иккилама ва кўплиқ сон, ҳамда турланишда тўрт келишиқга эга эди.

бирлик

К-к	1-шахс	2-шахс	3-шахс		
			Муж. род	Жен. род	Сред. род
Б.к	Ich	þū	hē	hēo	hit
Қ.к	mīn	þīn	his	hire	his
Ж.к	mē	þē	him	hire	him
Т.к	mē, mec	þē, þec	hine	hīe	hit

Иккилик олмоши

	1- шахс	2-шахс
Б.к	Wit- биз иккимиз	3it- сиз иккинғиз
Қ.к	uncer- биз иккимизни	incer- сиз иккинғизни
Ж.к	unc- биз иккимизга	inc- сиз иккинғизга
Т.к	unc, uncit- бизни иккимиз	inc- сизни иккинғиз

Кўплиқ

К-к	1-шахс	2-шахс	3-шахс
Б.к	Wē	3ē	Hīe(hī)
Қ.к	Ūre	ēower	Hīora (heora, hiera, hyra)
Ж.к	Ūs	ēow	Him
Т.к	Ūs, ūsic	ēow	hīe

Кўрсатиш олмошлари.

Қадимги инглиз тилида бош маъноси “ўша”, “у” бўлган –sē кўрсатиш олмоши кучсизланиб аниқ артиклга айланган.

Sē mann (the man), sē sæ (the sea) Pæt lond (the land)

Sē-кўрсатиш олмошининг турланиши қуйидагича.

К.к	Бирлик			Кўплик
	Муж. род	Жен. род	Сред. род	Барча родларга
Б.к	Sē	Sēo	Pæt	Pā
Қ.к	Pæs	Pære	Pæs	Pāra
Ж.к	Pæm	Pære	Pæm	Pæm
Т.к	Pone	Pā	Pæt	Pā
Бир.к	Pȳ, Pīs, Pisse	Pære	Pȳ, Pon	Pæm

Pās-кўрсатиш олмошининг турланиши

К.к	Бирлик			кўплик
	Муж. род	Жен.род	Сред. род	Барча родларга
Б.к	Pās	Pēos	Pās	Pās
Қ.к	Pisses	Pisse	Pisses	Pissa
Ж.к	Pissum	Pisse	Pissum	Pissum
Т.к	Pisne	Pās	Pisne	Pās
Бир.к	Pys, Pīs, Pisse	Pisse	Pys, Pīs, Pisse	Pissum

Сон

Тартиб сон.

Қадимги давр инглиз тилида санок сонлар 1дан 3гача родларда турланган. Қолган сонлар турланмаган.

1- ān кучли сифатлар сингари турланган.

2. сони қуйидагича турланган.

	Муж. род	Сред. род	Жен. род
Б.к	tweȝen	Tū, twā	Twā
Қ.к		twēȝea, twēȝra	
Ж.к		twæm, twām	
Т.к	tweȝen	Tū, twā	twā

3-сони қуйидагича турланган

	Муж. род	Сред. род	Жен. род
Б.к	Þrīe, Þrī, Þry	Þrīo, Þrēo	Þrīo, Þrēo
Қ.к		Þrīora, Þrēora	
Ж.к		Þrīm	
Т.к	Þrīe, Þrī, Þry	Þrīo, Þrēo	Þrīo, Þrēo

4- fēower

5- fīf

6- siex, six

7- seofon, siofon

8- eahta

9- niȝon

16- siextīene

17- siofontīene

18- eahtatīene

19-niȝontīene

20- twentiȝ

30- Þrītiȝ

10- tīen, tȳn, tēn
 11- endlefan
 12- twelf
 13- þrīotīene
 14- fēowertīene
 15- fiftīene
 100- hundtēontiȝ
 110- hundælleftiȝ
 120-hundtwelftiȝ
 200- tū hund
 300- þrēo hund
 1000- þūsend
 2000- tū þūsendu.

40- fēowertiȝ
 50- fiftiȝ
 60-siextiȝ, sixtiȝ
 70- hundsiofontiȝ
 80- hundeahtatiȝ
 90- hundniȝontiȝ

Тартиб сон

1- forma, fyrsta
 2- öðer, æterra
 3- Þrida, Þirda
 4- fēorða
 5- fifta
 6- siexta, sixta
 7- siofoða
 8- eahtoða
 9- niȝða
 10- tēoða
 11- endlefta
 12- twelfta

Кейинги 13дан 20гача ва ўнлик сонларнинг тартиби да кўшимчасини қўшиш орқали ясалган.

Мавзуга оид саволлар

1. Қадимги давр инглиз тили сифат қанақанги грамматик категорияларга эга бўлган?
2. Қадимги давр сифатлари қанақанги турланишларга эга бўлган?
3. Қадимги давр инглиз тилида кишилиқ олмошлари қанақанги шаклларга эга бўлган?
4. Қадимги давр инглиз тили кишилиқ олмошлари қанақанги грамматик категорияларга эга бўлган?
5. Қадимги давр инглиз тили кўрсатиш олмошлари қанақанги грамматик категорияларга эга бўлган?

Маъруза 6

Режа

1. Қадимги давр инглиз тилининг феъл системаси.
 2. Кучли феъллар
 3. Кучсиз феъллар
 4. Претрито-презент феъллари
 5. Супплетив феъллари
 6. Синтаксис. Сўз тартиби.
- Таянч иборалар;

Кучли феъл, кучсиз феъл, претрито-презент феъллари, дентал суффикс, супплетив феъл

Феъл системаси .

Қадимги инглиз феъл системаси қуйидаги категорияларга эга эди :

- 1) сон- кўплик, бирлик
- 2) шахс – 1,2,3
- 3) майл-аниқлик, буйруқ, шарт (феъл)
- 4) замон – ҳозирги, ўтган
- 5) тус – тугалланмаган тус , тугалланган тус
- 6) феълнинг шахсиз шакллари, инфинитив, сифатдош 1,2

Қадимги инглиз тилида феълнинг ушбу хусусиятларидан ташқари, яна бир хусусиятга эга бўлган, яъни барча феъллар, феълнинг ўтган замон шакли ва сифатдош 2 шаклини яшаш учун турли грамматик воситалардан фойдаланишга қараб икки гуруҳга бўлинган.

1) Ўзакдаги унлининг ўзгариши натижасида ҳосил бўладиган феъллар (кучли феъллар): 2) Феълга суффикслар қўшиш орқали ясаладиган феъллар (кучсиз феъллар).

1 гуруҳ феъллари ўтган замонни ўзакдаги унлининг ўзгариши билан ҳосил бўлади,

2 гуруҳ феъллари эса ўтган замонда суффикслар ёрдами билан вужудга келган, яъни [d] [t]

Шунингдек қадимги инглиз тилида кичик гуруҳда претрито-презент ва супплетив феъллари ҳам мавжуд эди.

Кучли феълларнинг таракқиёти .

Унлиларнинг алмашинуви билан феъллар суффикслар билан феълларга қараганда қадимгироқ ҳисобланади.

Масалан: eþan (овқатланмоқ) drincan, sprecan ва қадимги инглиз давридаёқ бу усул унумсиз эди, чунки янги феъллар суффикслар ёрдами билан ўтган замон шаклини ҳосил қилар эди.

Қадимги инглиз тилида феъллардаги унлиларнинг алмашинуви билан феъллар 7 разрядга бўлинар эди, яъни 7 синфга.

Унлиларнинг алмашинувининг моҳияти, уларнинг тил олди унлилар, тил орқа унлилари ўзгарарди ва баъзи вақтларда тушиб қолар эди.

I синф феъллари

I синфда алмашинувли унлига қадимги инглиз даврларда “i” унлиси кирган эди ва ўзакга кириб шу синф учун умуман характерли бўлиб қолган .

Биринчи ўзакда яъни инфинитив ва ҳозирги замонда алмашинувли i унлиси ва кейин қўшилган “ i ” чўзиқ i га ўтган .

Иккинчи негизда (ўтган замон бирлик сони) алмашинувли a унлиси i билан “ai”га ўтган эди ва кейинчалик унлилар узайиши натижасида “ā” га ўтган эди . Ўтган замон кўплигида ва сифатдош II да қадимги даврларда алмашинувли унли йўқ эди , шунинг учун бу ерда фақат қисқа “ i ” катнашар эди.

Йўқорида айтилганни таблицада кўрсатиш мумкин .

Инфинитив ва қадимги замон	Ўтган замон бирлик	Ўтган замон кўплик	Сифатдош ўтган замон	
i+i>i	a+i>ai>ā	нуль+i>i	нуль+i>i	
wriþan	wrāt	writan	writen	ёзмок
rīsen	rās	rison	risen	турмок
rīdan	rād	ridon	riden	

II синф феъллари

II синфда алмашинувли унли [u] га ўтган эди . Биринчи ўзакда e+u>eu га ўтган эди ва en қадимги инглиз даврида ēō га ўтган эди. Бу негиздада алмашинувли унли a ва u > an дифтонгини берган эди ва кейин [a] > [æ] паллалашгандан кейин ва иккинчи

элементи кучсизлангандан кейин [æā] га ўтган эди ва ёзувда “ēā” орқали ифодаланар эди.

Учинчи ва тўртинчи негизларда алмашинувли унли цўк эди ва ўзакда фақат ў қолар эди .

Тўртинчи негизда бу унли урғусиз бўлиб қолиб “ō” га ўтган эди . Учинчи негизда эса урғусиз “ū” сақланиб қолган эди, чунки кўплик сон суффикси ёрдам берган эди.

Ile+u>en>ēo	a+u=au>ēā	нуль+u>u	Нуль+ wu>o	
bēōdan	bēād	būdon	bōden	таклиф қилмоқ
cēōsan	cēās	cūron	cōren	сайлаб олмоқ
scēōtan	scēāt	scūton	scōten	отмоқ

For – lēōsan for-lēās for-lūron for-lāren йўқотмоқ

[z]>[r] ўтиши Вернер қонунидир.

Иккинчи синфда битта гуруҳ мавжуд бўлиб, у биринчи ўзакда [ēō] нинг ўрнига [ū] унлисига эга эди.

I	II	III	IV	
būzan	bēāz	būzon	bōzen	Изгибать
lūcan	lēāc	lūcon	lōcen	Кўпламоқ

III синф феъллари.

III синф феълларининг моҳияти шунда эдики, улар алмашинувли унлидан кейин [ʌ], [m], [n], [r] сонор ундошлари ва яна битта ўзакни ёпадиган ундош турар эди. Сонор ундошларнинг олдида унлилар ҳар хил ривожланганлиги натижасида IV синф феъллари III кичик синфга бўлинар эди.

I кичик синф

Бу груҳда ўзакдаги унлидан кейин [m] ва [n] турар эди. Инфинитив ва ҳозирги замонда яъни биринчи негизда бу феъллар “i” унлисига эга эди, чунки [m] ва [n] сонор товушлар торайишига олиб келган эди. Иккинчи негизда (яъни ўтган замон бирликда) a>ō га торайган эди. III ва IV негизларда унли умуман йўқ эди ва бўгин ясовчи сонор товушларга айланди. Бўгинли сонорлар герман тилларида оддий ҳол бўлиб қолди ва уларнинг олдида [u] пайдо бўлган эди.

I основа	II основа	III основа	IV основа	
I+бурунли унд+ ундош I+m[r]+унд	a+бурунли ун+ ундал ō+m(n)+унд	Нуль+бур унд+ун> u+m(n)+унд	Нуль + бур ун + ун> u+m(n)+ун	Маъно
bindan	band	Bundon	bunden	боғламоқ чикмоқ куйламоқ топмоқ
climbau	clamb	clumbon	clumben	
sinzan	san3	sunzon	sunzen	
findan	fand	fundon	funden	

2 кичик синф

Бу феълларда алмашинувли унлидан кейин [1] сонор товуши келар эди. Инфинитив ва ҳозирги замон формасида бу феъллар [e] товушига эга бўлган. Иккинчи негизда, яъни ўтган замон бирликда [ǣ] преломления (синиш)натижасида [æā] еа орқали ифода этиладиган дифтонга ўтди. Учинчи негизда, яъни ҳам “u” товуши киритилган бўлиб, сифатдошнинг ўтган замонида [o] га ўтган эди.

helpan	healf	hulpon	holpen	
meltan	mealt	multon	molten	эримоқ
sweltan	sweall	swellon	swollen	шишмоқ

3 кичик синф

Бу феълларда ўзакдаги унлидан кейин [r] сонор товуши бор эди. Инфинитив ва ҳозирги замонда улар [e] унлисига эга эди. [e] унлиси қадимги инглиз даврида кейинги [r] таъсири натижасида [eo] дифтонгига ўтган эди.

Иккинчи негизда эса [a] унлиси [æ] га паллаталлашган эди ва синиш натижасида [æa] га ўтган ва ёзилишида “ea” орқали ифода этилар эди. 3 ва 4 ўзакларда, яъни “u” ривожланган эди ва 4 ўзакда урғусиз позицияда [o] га ўтган эди.

e+r+ундош	a+r+ундош	нуль+r+ундош	нуль + r+унл>	Маъно
eo+r+ундош	ea+r+ундош	u+r+ундош	o+r+унд	
ceofan	cearf	curfon	corfen	Кесмоқ
beorcan	bearc	burcon	borcen	Хурмоқ
steorfan	stearf	sturfon	storfen	Ўлмоқ

IV синф феъллари

IV синфда алмашинувли унлидан кейин фақаткина сонорли ундош бор эди, сонорли ундошдан кейин бошқа ҳеч қанақа ундош турмас эди.

Инфинитив ва ҳозирги замонда бу синф феъллари [l] ва [r] олдида [e] унлисига эга эди, ва [m], [n] олдида эса [i] га эга эди. Иккинчи основада умумий герман [a]>[æ] га ўтган эди. Учинчи (ўзак) основада яъни ā>æ га ўтган эди, ва бундан ташқари ð га эга эди. IV (ўзак) основада эса [u] киритилган эди ва [r] [l] олдида [o] га ўтган эди.

e+сонор>	a+сонор>	a+сонор>	Нуль+сонор>	Маъно
e+1	æ+r	æ+l	o+1	
e+r	æ+1	æ+r	o+1	
i+m	ā+m	ō+m	u+m	
cwelan	cwæl	swælon	cwolen	Ўлмоқ
stelan	stæl	stælon	stolen	Ўғирламоқ
niman	nām	nōmon	numen	олмоқ

V синф феъллари

V синф феъллари IV синф феълларидай унлисини алмаштиради, аммо фарқи, уларда унлидан кейин сонор ундош эмас, балким бошқа ундош келар эди.

Инфинитив ва ҳозирги замонда бу феъллар [e] га эга эди. Иккинчи основада [a]>[æ] га бу паллаталашган эди. Учинчи основада [æ] эди. Тўртинчи основада нуль, яъни унили йўқ эди ва кейинчалик [e] пайдо бўлган эди.

ě+унд>	ǣ+унд>	ā+унд>	нуль+унд>	Маъно
ě+унд	ǣ+унд	æ+унд	e+унд	
cnedan	cnæd	cnædon	cnedon	қасос олмоқ
wesan	wæs	wæron	Йўқ	бўлоқ
cwæðan	cwæð	cwædon	cweden	

[o] >[d] ва [s]>[r] ўтиши Вернер қонуни бўйича ва [ð] >[d] га.

VI синф феъллари.

Бу синф феъллари биринчи ва тўртинчи негизларда қисқа [a] га эга эди.

Иккинчи ва учинчи негизларда эса ўзакдаги унли [ō] эди.

ō>ǣ I	ō II	ō III	ō>ǣ IV	
baçan	bōc	bōcon	bacen	пиширмоқ
draçan	drōç	drōzon	draçen	олиб юрмоқ

VII синф феъллари.

Қадимги инглиз даврида 7 синфни ташкил қилган феъллар ўтган замон формаларида негизли редупликациялаштирар эди ва унлиларни алмаштирар эди. Қадимги инглиз

даврида редупликация кўпинча йўқолган эди ва икки марта такрорланган негизлар [ē] ёки [ēō] га қўшилган.

I	II	III	IV	
blendan	blēnd	blēndon	blēnden	аралаштирмақ
feallan	fēöll	fēöllon	feallen	тушмоқ

7-синфнинг баъзи феълларигина ўтган замон формаларида редупликацияни (яъни негизнинг икки маротаба такрорланишини учратамиз). Аммо бу феълларда ҳам редупликация битта ундош ҳарфи такрорланади. Аммо кейинчалик бу ундош ҳам тушиб қолади ва ўзакдаги унли узаяди.

lācan	leols	ўйнамоқ
rædan	reord>rēd	маслаҳат бермоқ
hāton	heht>hēt	чақирмоқ

Баъзи феълларда юқорида кўрсатилган шакллардан четга чиқиш кўринади: Бу қоидага риоя қилмасликни 4 груҳга бўлиш мумкин.

- 1.Сўзнинг бошида паллатал ундош таъсиридаги ўзгаришлар;
- 2.Инфинитивда “” таъсирида синиш ёки умлаут;
- 3.Унлиларнинг стяжение натижасида ўзгаришлар;
- 4.Бошқа ўзгаришлар;

1)Сўзнинг бошида паллатал ундош таъсирида ўзгаришлар III ва V синф феълларида учрайди;

III ʒieldan (платить) ʒeald ʒuldon ʒolden

V ʒiefan (давать) ʒeaf ʒēāfon ʒiefan

2) Синиш ёки умлаут V ва VI синфнинг баъзи феълларида учрайди.

V	biddan (просить)	bæd	bædon	beden
	sittan	sæt	sætton	seten
VI	swerian	swōr	swōron	sworen
	hebban	hōf	hōfon	hafen

3)Агар “h” ундоши инфинитивда тушиб қолса унлиларда унлиларнинг тушиши ходисаси таъсирида бўлади. (I,II,V,VI,VII)

Кучсиз феълларининг таракқиёти.

Қадимги инглиз тилида ҳамма кучсиз феъллар ясама феъллар эди, ва кучли феълларга нисбатан янгироқ деб ҳисобланади. Қадимги инглиз тилида кучсиз феълларнинг ўтган замон ва сифатдош II шакллари дентал суффикс –d ёки –t қўйиш орқали ясалган.

Бизгача етиб келган қадимги инглиз ёзув ёдгорликларда фақатгина негиз ясайдиган суффиксларгина сақланиб қолган, аммо шунга ҳам қараб, қадимги инглиз тўғри феълларининг турланиш системасини асли ҳолига келтиришимиз мумкин. Қадимги инглиз кучсиз феъллари 3 синфга бўлинар эди.

I синфнинг негиз ясайдиган суффикси “ian” ёки”an” эди . Шу суффикс ёрдами билан от, сифатлардан феъллар ясалар эди. Отлардан қуйидаги феъллар ясалган.

Dēman <dōm-i+an < dōm

Tellan < tal+i+an < **talyu**

Сифатлардан

Fyllan < full-i+an < full

Brædan <brād+i+an <brād

Феълли негизлардан каузатив феъллари (?) ясалган.

Settan < sat+i+an

Lædan <lād-i+an

“i” негиз ясайдиган суффикс ёзув бўлмаган давргача тил олди умлаутига ва агар ўзакдаги унли қисқа бўлса ундош иккиланишига олиб келди. Ҳарфнинг ўзи эса тушиб қолди .

“i” суффикси бўғинсиз эди, агар ундан кейинги суффикс унлидан бошланган “an” ағ, “i” бўғинли эди, агар ундан кейинги суффикс ундош товушдан бошланса “de”-“te” , “do”

Агар de, don \ суффикслари жарангсиз ундошдан кейин турса, бу ҳолатда улар жарангсиз бўлиб қолади яъни te ,ton –t. Бу ҳам ўрта инглиз тилига ўтиш даврда бўлган. Тўғри феълларни ўтган замон бирлик ҳамда кўплик формалари фарқ қилмайди, фарқи фақат кўшимчаларда 1 шахс de – te 2 шахс des(t) – tes(t) 3 шахс **ðhs**

Кўплик don (ton)

Биринчи синфнинг бир нечта феълларини олиб кўрайлик .

Инфинитив ва ҳозирги замон	Ўтган зам (1ва3 шахс) формалари	Сифатдош ўтган замон негизи	
cēpan	cēpte	Cēpes, cēpt	держать
fyllan	fyllde	fylled	
hīēran	hīērde	hīēred	
nerian	nerede	nered	спасать

1 негизда, негиз ясайдиган суффикс “neġian” дан ташқари қолган ҳамма феълларда тушиб қолган , чунки бу феъллар ўзакда чўзиқ унлига эга, агар ўзакда унли чўзиқ бўлса “i” тушиб қолади , агар ўзакдаги қисқа қисқа бўлса шу пайтда сақланади аммо ёки урғусиз “i” ёки “e” га айланади.

Ўзакдаги унли ҳамма феълларда тил олди ҳисобланади, бу эса перегласовканинг натижасидир. Ўтган замон шаклларида негизлардагидек “i” перегласовкага олиб келган, ўзакдаги ундан ташқари ундошдан икки марта ортирган ва чўзиқ унлилардан кейин тушиб қолган.

Қисқа бўғинда “r” дан кейин “e” га ўтган. Жарангсиз ундошлардан кейин “de” > “te” га ўтган . Икки сонор товушлар учинчи ундош олдидан **осонлаштирди** яъни, fyllde>fylde clynnde>clynnde

Сифатдошнинг ўтган замонида “i” худди шундай ўзгаришларга олиб келади, аммо кўпинча у “e” га ўтиб сақланади.

Мас ; hīġred ва ҳоқозо.

II синф феъллари

Ўзак	Инф х дан	Ўтган замон бирлик	Сифат ўтган замон	Маъно
andswar	andswar+i+an	andswar+o+de	andswar+o+d	
hāt	hāt+i+an	hāt+o+de	hāt+o+d	ненавидеть
luf	luf+i+an	luf+o+de	luf+o-d	любить
wundor	windr+i+an	windr+o+de	windr+o+d	удивл

Юқорида кўриб чиқганимиздек ўзак ҳамма шаклларда ҳам ўзгармаган, “негиз ясайдиган ” “i” суффикси инфинитив ва ҳозирги замонда сақланган. III шаклда ва a негизларда эса “o”га қтган. Бу II синф I дан фарқ қилади.

III синф феъллар.

haf	haffan	hæfde	hæf-d	иметь
lif	liffan	lifde	lif-d	жить
saʒ	secʒan	sæʒde	sæʒ-d	сидить

Ўзакдаги ундошлар икки марта ортирилди (i) эса тушиб қолди. Ўтган замон шаклларида “i” йўқолган эди.

Претритр-презент феъллари

Қадимги инглиз тилида кучли, кучсиз феъллардан ташқари претритро-презент (Past present) деб номланувчи феъллар ҳам мавжуд бўлган. Ушбу феълларнинг асосий хусусияти шунда эдики, улар олдинги бўлиб ўтган ҳаракатнинг натижасини англатиб, ҳозирги замонда деб тушинилади. Претритро-презент шакллари куйидаги таблицада кўришимиз мумкин.

синф	Инф.	Ҳозирги замон		Ўтган зам.	СифатдошII	маъно
		бирлик	кўплик			
I	Wītan āzan	Wāt āz	Witan āzon	Wisse,wiste āhte	Witen āzen	билмоқ бор бўлмоқ
II	dūzan	dēaz	duzon	-	-	ярамоқ
III	Unnan Cunnan þurfan durran	Ann Cann þearf dearr	Unnon Cunnon þurfon durren	Uðe Cūðe þorfte dorste	Unnen Cūð - -	совғақилмоқ билмоқ муҳтож б-қ журат этмоқ
IV	Sculan munan	Sceal man	Sculon munon	Sceolde munde	- munen	бурчли эсламоқ
V	mazan -	meaz zeneah	mazon zenuzon	Meahte zenohte	- -	қила олмоқ ушламоқ
VI	-	mōt	mōton	mōste	-	қила олмоқ

Супплетив феъллар

Қадимги инглиз тилида, шунингдек грамматик шакл ўзакдаги турли ўзгаришлар орқали ясаладиган супплетив феъллар ҳам мавжуд бўлган.

Ушбу феъллар гуруҳига bēon- to be, zān- to go, dōn- to do, willon- to want ва бошқалари кирган.

Веон феълнинг тусланишига этиборимизни қаратамиз.

Аниқлик майли

	Ҳозирги замон	Ўтган замон
бирлик	I –ш eom, bēo II-ш eart, bist III-ш is, bið	Wæs Wære wæs
кўплик	I-ш sint II-ш sindon III-ш bēoþ	Wæron Wæron wæron

Итак майли

	Ҳозирги замон	Ўтган замон
Бирлик (I,II,III)	Sīe, bēo	wære
Кўплик (I,II,III)	Sīen, bēon	wæren

Феъл туслари ва замонлари.

Қадимги инглиз даврида фақат иккита замон бор эди, яъни: ҳозирги ва ўтган .

Ўтган замон формаларининг хусусияти шунда эдиким улар фақат замонни белгиласдан балким феълнинг турини ҳам кўрсатади.

Қадимги инглиз тилида феълларнинг замон ва нисбатларда тусланиши куйидагича бўлган.

	Кучли феъллар	Кучсиз феъллар
Инфинитив	Findan beran (N.E find) (N.E bear)	Dēman lōcian (N.E deem) (N.E look)

Ҳозирги замон	Аниклик майли			
Бирлик	Finde	bere	Dēme	lōcie
	Fintst	bir(e)st	Dēmst	lōcast
	Fint (deð)	bireþ	dēmaþ	lōcaþ
Кўплик	findaþ	beraþ	dēmaþ	lōciaþ
Истак майли				
Бирлик	Finde	bere	Dēme	lōcie
Кўплик	Finden	beren	Dēmen	lōcien
Буйруқ майли				
Бирлик	Find	ber	Dēm	lōca
Кўплик	findaþ	beraþ	dēmaþ	lōciaþ
Ўтган замон	Аниклик майли			
Бирлик	Fond	bær	Dēmdē	lōcode
	Funde	bære	Dēmdēst	lōcodest
	Fond	bær	Dēmdē	lōcode
Кўплик	Fundon	bæron	Dēmdon	lōcodon
Истак майли				
Бирлик	Funde	bære	Dēmdē	lōcode
кўплик	Funden	bæren	Dēmden	lōcoden
Сифатдош 1	Findende	berende	Dēmdēde	lōciende
Сифатдош 2	(3e)fundon	(3e)boren	(3e)dēmed	(3e)lōcod

Ушбу схемада кўрсатилганидек феъл кесим гапда эга билан шахс, сонда мослашган.

Hē bindeþ - he binds

Brinȝaþ mē hider þā - Bring me those loaves.

Қадимги инглиз тилида Present Tense ҳам ҳозирги ҳам келаси замонни ифодалаш учун қўлланилган.

Ponne þū þā in brinȝst, hē ytt and blētsaþ þe- when you bring them, he will eat and bless you.

The past tense ўткан замонда бўдиб ўткан турли воқеликларни ифодалаш учун қўлланилган . (ҳозирги Past cont. past perf. Ва бошқаларини ҳам ўз ичига олган)

Ond þæs ofer Ēastron ȝefōr Ælþerēd cyningȝ: ond hē ricsode fīf ȝēar- and then after Easter died king Althered, and he had reigned five years.

Қадимги инглиз тилида тус маъносини акс эттириш учун бир неча усуллар бор эди. Биринчи усул – бу феълнинг аспект характери (тус хусусияти) эди.

Қадимги инглиз феъллари аспект хусусиятига кўра учта груҳга бўлинар эди.

- 1) чегараланган характерли феъллар ўтган замон формасини ҳаракати туггаланганлигини акс эттирган.
- 2) Чегараланмаган характерли феъллар ўтган замон характерини туггаланмаган процессини акс эттирар эди.

Beon - to be

Billan – to live

Slæpan – to sleep

III Иккилама тус характерли феъллар write seon киритиш мумкин. Бу феъллар ҳаракатни ҳам акс эттиради. Бу феълларни тус маъноси контексни синтаксис шароитига боғлиқ эди. Агар отда тўлдирувчи ёки равиш ва бошқа иккинчи даражали гап бўлаклари турса шу пайтда 1 – усул грамматик, яъни феълнинг тус характери бўлган.

Бундан ташқари қадимги инглиз тилида феълнинг турланишини ифодалаш учун грамматик усул ҳам бор эди. Тугалланган тусни қадимги инглиз тилида қўшимчалар

акс эттириши мумкин эди. Аммо ҳамма кўшимчалар бу функцияни бажараолмас эди. Шунинг учун ҳам кўшимчалар: 2 груҳга бўлинади.

1) be , on , **þurh** , for , fore , to ва бк. Юқоридаги кўшимчалар ўзини лексик маъносини сақлаб қолган ва уларнинг асосий функцияси сўз ясаш эди.

Аммо шу приставкалар феълни маъносини ҳам ўзгартириши мумкин эди. Баъзи пайтларда эса феълни маъноси бутунлай ўзгради:

Seon (кўрмоқ) forseon (**нафрат**)

Баъзи кўшимчалар феълни маъносини аниқлар эди.

Bresan (синтирмоқ) **þurbresan** (**уриб синдирмоқ**)

Бу кўшимчалар баъзи пайтларда сўзнинг маъносини ўзгартириш билан айна бир вақтда феълнинг тус маъносини ҳам ўзгартиради яъни шу феълга тугалланган тус маъносини беради. Шундай қилиб шу груҳанинг кўшимчасини тус маъносини акс эттириш учун лексик-грамматик усул эди.

“зе” ва “а” приставкалар форма ва сўз ясайди.

Грамматик воситалар лексик - грамматик воситага боғлиқ эди. Биринчи груҳнинг кўшимчалари фақат чегараланмаган характерли феъллар билан ишлатилар эди.

Ond **þu** zēare nāmon Westseaxe frīp wīp **þone** here -ўша йили уэссексликлар дания кўшинлари билан тинчлик сулҳи тузишди.

Чегараланган ҳаракат феъллари билан биринчи груҳ феъллари жуда оз ишлатилган ва фақат бирон бир ҳаракати бошланиши тугалланганлигини кўрсатар эди, аммо процесс давом этарди.

He on eaþan engelice life zelifde –у англия ерларида яшар эди.

Чегараланган ҳаракат феъллар билан 1 груҳ кўшимчалари оз ишлатилади ва тугалланганлик ва такрорланишни кўрсатар эди.

Hū bændon hergedon aslagon from sæ of sæ- улар узоқ вақт талончилик қилишди, ўлдириб яшашди.

Шундай қилиб I груҳнинг олд кўшимчалари тугалланган ҳаракатларини кўрсатиш учун грамматик усул ҳисобланган. Аммо қадимги инглиз тилида аниқ аспект системаси ҳам йўқ эди. Грамматик шаклларнинг ишлатилиши мантиқсиз яъни аниқ эмас эди, баъзи пайтларда олд кўшимчали феъллар тугалланмаган ҳаракатни ҳам ифодалар эди.

Bryttas sume time gestelgon fram at gefeohte ond hie sylfe þrseston on ingefeohtum

Бир неча вақт бритлар ташқари урушлардан дам олган эди ва ўзларини ички урушлар натижасида қирилиб кетишган эди.

Қадимги даврдаёқ инглиз тилининг феъл-замон шаклларида аналитик шакллар вужудга кела бошлаган эди. Sculan, willan, bēon, wesan, habban феълларининг лексик маъноларини кучсизланиши натижасида аналитик шакллар вужудга кела бошлади ва бу шакллар бирор бир замон шаклининг грамматик шакли сифатида қўлланила бошлади.

Is eom cumen- мен келдим

Мажхул феъли

Қадимги инглиз тилида мажхул феъли “wesān” bēōn ва weorþan ва сифатдошнинг ўтган замон орқаси ифода этилади.

þær uæs sē zūrfana zenumen

байроқ олинган эди.

“hē wearþ ofslæzen” (у ўлдирилган бўлди) у ўлдирилди (уни ўлдиришди).

Майл

Қадимги инглиз тилида бошқа тиллардаги каби учта майл бор эди: яъни аниқ , буйруқ ва шарт майли. Аниқлик майли объектив фактларни ифода этади.

Буйрук ва шарт майллари эса субъектив бўлган.

Масалан: far tō þære heorde and bring mē twō þā betstan tyssena. Падора бор ва менга иккита энг яхши қўзилардан олиб кел.

wes þu ūs lārena 3ōd. Бизларга маслаҳат бер.

Шарт майли қадимги инглиз тилида кенг тарқалган эди.

Бош гапда шарт майли шартлиликни билдириши учун ишлатилади.

sē þe mē þenize, fylize hē mē

“ким менга хизмат қилишни истаса, мени оркамдан борсин”, ёки реал бўлмаган шартни ифодалайди.

zif þu uære hēr , nære nūn brōþor dēād. Агар сен бу ерда бўлганингда, менинг акам ўлмас эди.

Эргаш гапларда эса шарт майли бош гапларга қараганда янада кўпроқ тарқалган эди.

Шарт майли кўчирма гап, шарт гапларда кўчирма саволларда, тўсиқ гапларда ишлатиларди.

Масалан: him uæs lēōfre, ðæt hine man ofslōze þonne hine man zebende – уни боғлагандан кўра ўлдиришгани маъқулроқ

he meahte is æt hilde mid Hē sǣde ðæt Norðmanna land wære swyþe lanȝ and swyþe smæl
-Унинг айтишича скандинавлар мамлакати тор аммо узун.

ǣhsige eft hū lanȝe sio siff ȝestōde -тинчлик қанча вақтга чўзилганлигини сўрачи.

Синтаксис

Қадимги давр инглиз тилида сўз тартиби аниқ тартибга эга бўлмаган.

Hete wæs onhrēred, hod weard onc nīow mannes georde- адоват ўйғонди, хазина қўриқчиси ўша кишининг нутқини эшитди.

Nū ic suna minum syllan wolde ȝūfȝewædu – энди ўғлимга қурол-аслаҳа берсам бўлади.

Мавзуга оид саволлар:

1. Қадимги давр инглиз тилида қанақанги грамматик категориялар бор бўлган?
2. Қадимги давр инглиз тилида феъл қанақанги гуруҳларга бўлинган?
3. Қанақанги феъллар суплетив феъллар деб аталган?
4. Қадимги инглиз тили грамматикасида нечта феъл замон шакллари бўлган?

Маъруза7

Ўрта давр.

Режа:

1. Скандинавлар истилоси. Нормандлар истилоси. Лондон шевасининг ҳосил бўлиши.
2. Ўрта давр инглиз тили шевалари, ёзма ёдгорликлари.
3. Ўрта инглиз тили даврининг фонетик тузилиши.

Таянч иборалар.

Орфография, ёпиқ бугун, унлилар торайиши, ундошларнинг вокаллашуви, унлиларнинг вокаллашуви, унлилар редукцияси.

Ўрта инглиз даврининг тарихий очерки.

1. Скандинавларнинг ҳужуми.

Скандинавларнинг Британия оролларида қилган ҳужумлари камида 300 йил (VIII-асрнинг иккинчи ярмидан XI аср ўрталаригача) давом этди.

Скандинавлар деганда шимолда яшовчи норвег ва дания халқларини тушинамиз. Англияда эса ушбу икки халқни бир ном билан яъни данияликлар деб аташар эди. Кўп

скандинавлар шимоли- шарқий Англияга ўрнашиб олиб, бу ўлканинг тараққиётига катта таъсир этишди.

Қирол Альфред Буюк қироллик қилган давр (871-900) англо саксларнинг данияликларга қарши энг қаттиқ кураш олиб борган даврлардан бири бўлди. Альфреднинг дастлаб данияликлардан жанубга қараб қочишга мажбур бўлди. Аммо кейинчалик у мунтазам урушга ўтиб данияликларни Темза дарёсининг нарғи қирғоғига улоқтириб ташлашга муваффақ бўлди. Уэссекс қироли Альфред данияликларга қарши жуда кўп қалъалар қуриб, уларга кўрикчи отрядлар қўйди ва денгиз қирғоғи бўйларини данияликлар ҳужумидан кўриклаш учун денгиз флоти қурабошлади. Шу флот билан қирол Альфред катта ғалабалар қозонди ва 878 йилда данияликларни Уэдморд шартномасини тузишга мажбур қилди. Шу шартнома бўйича скандинавияликлар Темзадан жанубгача бўлган ерларни бўшатиб бердилар. Айни вақтда улар шимоли шарқий ва марказий Англияни ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Шу катта ҳудуд Данелаг яъни дания қонуни ҳудуди деб аталар эди.

X асрда инглиз қиролликлари ҳамда Данелаг қиролликлари бирлашдилар. Бу инглизларнинг ва скандинавияликларнинг ассимиляция қилиш натижасида келиб чиққан эди.

Скандинавияликларнинг ҳужумлари қирол Этельред замони яъни X аср охирида янада кучая бошлади. Бу ҳужумлар натижасида Уэссекс қироли ҳайдалган эди ва бутун Англияда данияликларнинг ҳокимияти ўрнатилди. Бу ҳокимият данияликларнинг сиёсий ҳокимияти англияда тугатилгандан кейин ҳам 1042 йилгача давом этди.

Англияда қолган скандинавияликлар хар хил жойларда жойлашдилар. Скандинавияликлар ва инглизлар 1042 йилгача деярли бир халққа айланиб кетган эдилар. Кўпгина англо сакслар ва данияликлар бир жойда яшаган эдилар. Бу ҳол географик номларнинг ва атоқли отларнинг сақланиши ҳаттоки данияликлар кўп яшаган вилоятларда ҳам аралашиб кетганлиги билан изоҳланади.

Скандинавияликларнинг ҳужуми инглиз тилига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Қадимги инглиз давридан кейин инглиз тилида кўп скандинав тилидан ўзлаштирилган сўзларни учратиш мумкин. Аммо кўпинча қайси сўз скандинав ёки қайси сўз инглиз тилидан ўзлаштирилганлигини айтиш қийин. Чунки бу иккита тилнинг фонетик состави бир бирига жуда яқин эди. Инглиз тилига скандинав сўзларининг ўтиши осон эди. Скандинав тилидан ўзлашган сўзларнинг сони жуда кўп бўлиб кўп ҳолатларда бу ўзлаштирилган сўзлар уй рўзғор, табиат, ҳайвонлар, денгизчилик, кемасозлик терминларини акс эттирар эди.

Қадимги инглиз

Скандинав

3ōd

gōðr

ic

ek

æ:3

egg

sunu

sunr

trēo

trē

Шунингдек скандинав тилидан олмошлар ҳам ўзлаштирилган бўлиб, бу ҳолат ушбу тилларнинг бир бирига яқин бўлганлигини ифодалайди. Масалан; They, Their, Them.

Лекин қадимги инглиз текстларида скандинав тилидан ўзлаштирилган сўзлар унча кўп учрамайди, чунки кўп текстлар жанубда яратилган эди. Жанубда скандинавларнинг таъсири унчалик кучли эмас эди. Бундан ташқари кейинги Уэссекс адабий тили янги сўзларнинг ўтишига қарши курашган эди.

Қадимги инглиз адабий тили ёддан чиққандан кейин, скандинав тилидан ўзлашган сўзлар сони ўрта инглиз давридаги манбаларда анча кўпайган эди. Масалан; “take”(олмоқ) қадимги инглиз тилидаги “taka” қадимги инглиз тилидаги “niman” ўрнига, “bloom” (гулламоқ) қадимги инглиз тилида “blōm” қўланилган.

Норманлар истелоси

Ўрта асрлар Англияси тарихида энг катта воқеа Англиянинг Нормандия герцоги Вильгельм томонидан истело қилиниши бўлди.

Норманлар асли скандинав қабиаларидан келиб чиққан бўлиб, (Norman- norþman) “шимолий киши” маъносини англатган.

IX- асрда Скандинавлар Франциянинг шимолига ҳужум қилабошладилар, ҳамда Сена дарёсининг қуйилишидаги иккала ҳудудни босиб олди. Француз қироли ушбу ерларни скандинавларга топширди. Шу ерлар скандинавия деб атала бошланди, ҳамда халқини эса норманлар деб аташа бошлашди. Норманлар француз халқи билан аралашиб кетди ва француз тилини қабул қилди.

Норман герцоги Вильгельм 1066 йилда инглиз қироли Эдуард исповеднинг ўлими билан сентябрь кунларининг бирида Ла Манашдан ўтиб ўн беш минг кишига яқин рицарларидан иборат қўшин билан Англиянинг ҳудудига бостириб кирди. Унинг қўшида нормандлардан ташқари, Франциянинг бошқа вилоятларидан бўлган ер ва бойлик орттириш пайидаги рицарлар ҳам бор эди. Вильгельмга қарши шайланиб чиққан Англия қироли Гарольд норманларнинг ҳужумини тўхтата олмади. Англо сакс қўшинлари Гастингс шаҳри ёнидаги жангда бутунлай мағлубиятга учради ва Гарольд ўлдирилди.

Вилгельм истилочилари Лондонга кирди ва уни Англия қироли деб эълон қилишди. Англиянинг шимолидаги норманлар ҳукумронлигига қарши кўтарилган иккита кўзғолон бостирилгандан кейингина Вильгельм ҳокимияти узил кесил мустақамланди. Англо сакс феодалларинигина эмас балки ажнабийлар ҳукумронлигини истамаган деҳқонлар жазоланди.

Мамлакатнинг истило қилиниши ва кўзғалонларнинг бостирилиши натижасида эски англо сакс ер эгаларининг кўпи ерларидан маҳрум бўлиб, уларнинг ўрнини янги, келгинди француз норманлари эгаллади. Англия черковининг епископлари ҳам батамом алмаштирилди. Илгарги англо сакс епископлари ўрнини француз епископлари эгаллади. Французлар кўплаб Англияга кела бошладилар. Уларнинг ичида савдогарлар, солдатлар, епископлар, феодаллар бор эди. Умуман Вильгельм даврида Англияга икки юз минг француз кўчиб келган эди.

Бир неча асрлар давомида Англияда француз тили асосий бўлиб қолди. Француз тили саройда, черковда кенг тарқатилган эди. Инглиз тили эса пастки ижтимоий табақалар орасида ишлатилар эди. Француз тили инглиз тилига қараганда юқорида турар эди. Аммо инглиз халқи ўз она тилини маҳкам сақлаб қолди. Фақат инглиз феодалларинининг кам қисмигина француз тилини ўзлаштиришган эди. Чунки ўша даврда француз тилисиз юқори табақалар орасида алоқа қилиш мумкин эмас эди.

Инглиз ва француз тиллари орасидаги кураш.

Норманлар Англияга ҳужум қилган пайтда бу иккала халқ аралашиб кетмаган эди. Кўп шаҳарларда, масалан Нориджда ва Ноттингемда француз ноҳиялари билан бир қаторда инглиз ноҳиялари ҳам бўлган. Кейинчалик паски табақалар ўртасида шунақа қўшилиш аста секин бошланди. Кўплаб француз ва инглизлар ўртасида турмуш қуруш ҳам ривожлана борди. Пастки табақалар учун инглиз тилини билиш шарт эди, чунки улар ҳар хил ишларни олиб борар эдилар. Бундан ташқари монахлар ва кичик руҳонийлар ўз ишларини олиб бориш учун инглиз тилини билишга мажбур эдилар.

Юқори табақаларда эса бутунлай бошқача бўлиб, француз тили сарой ва ҳукумат тили бўлганлиги учун улар инглиз тилини билиши мажбур эмас эди. Ҳар бир юқори табақали инглиз эса француз тилини билиши мажбур эди.

XIII- аср охирида Роберт Глостерский ўзининг хроникасида шундай ёзган эди.

Vor bote a man conne frenss me telp of him late. Ac lowe men holdip to engliss and to hor owe speche zute.

Агарда бирор киши француз тилини билмас экан, одамлар унга нисбатан паст назарда бўлар эдилар, бироқ паст деб аталган кишилар инглиз тилига, ўз нутқиға ёпишиб олган эдилар.

Француз тилининг ҳукумронлиги XIV- асрнинг ярмига келиб тамом бўлди. Бу ходисанинг сабаби Франция ва Англия ўртасидиги юз йиллик уруш сабаб бўлди. Бу уруш Франция ҳудудида бўлганлиги сабабли инглизларнинг француз тилини билишлари ихтиёрий эди. Шунинг учун француз тилининг тарқалиши пасая бошлади. Бунинг далили қуйидаги исбот бўлиши мумкин. 1348 йилда мактаб ўқитувчиси Д. Корнуэлл грамматикани француз тилида эмас балки инглиз тилида ўқита бошлади ва шунинг ўзи катта ғалаба эди. Бунинг натижасида 1385 йилда бошланғич мактабларда француз тилини ўрнига инглиз тили киритилди. Ҳокимиятда ҳам шу вақтга келиб инглиз тили француз тилини сиқиб чиқара бошлади. 1358 йилда қирол Генрих Лондон аҳолисиға инглиз ва француз тилида ёзилган мурожатнома билан чиқди. 1362 йилда Эдуард III парламентга инглиз тилида мурожат қилди. Шундан сўнг Англияда подшоҳ нутқи инглиз тилида айтиладиган бўлди. Француз ва инглиз тиллари ўртасидаги кураш инглиз тили ғалабаси билан тугади. Француз тили эса англо норманн шевасиға айланди. XIV асрда бу шева тамоман француз тилидан фарқ қилар эди.

XV- асрда француз тили Англияда тамоман йўқотилди. Бу курашда ғалаба қозонган инглиз тили ўзининг асосий фонетикасини ва грамматикасини сақлаб қолди, шу билан биргаликда француз тили орқали бойиди. Инглиз тилиға француз тилидан жуда кўп сўзлар ўтди. Бунинг натижасида инглиз тилида жуда кўп синонимлар пайдо бўлди. Масалан; француз сўзлари ҳайвонларни гўштини номини англатса, инглиз сўзлари эса ҳайвонларни ўз номларини ифода этар эди;

Масалан; beef- мол гўшти, ox- хўкиз, cow- сигир, veal- бузоқ гўшти, а calf- бузоқ, mutton- қўй гўшти, а sheep- қўй, ва бошқалар.

Француз тилидан кириб келган аффикслар; “re” (reread), “en” (entrust), “ment” (development), “ess” (goddess), “ry” (fishery), “age” (shortage), “able” (eatable) ва бошқалар.

Лондон шевасининг ҳосил бўлиши ва тарқалиши.

Ўн иккинчи ва ўн учинчи асрларда Англияда вужудға келган сиёсий ва иқтисодий шарт шароитлар Лондоннинг катта иқтисодий ва маданий марказ бўлишиға сабаб бўлди. Лондон, Англиянинг шимолий ва марказий районларни боғловчи йўлда жойлашиши билан бирға хунармандчилик ва савдо маркази эди. Шунинг учун Лондон мамлакатнинг турли районлар аҳолисини ўзига жалб қила бошлади. Худудий жиҳатдан марказий, шарқий ва жанубий шевалар чегарасида жойлашган бўлиб Лондон ушбу шеваларни ва бошқа бир қанча шеваларни умумлаштирувчи марказға айланди. Демак, Лондон шевасининг вужудға келиши ўн иккинчи, ўн учинчи асрларға бориб тақалади.

XIV- асрнинг охирларига бориб Лондон шеваси Англиянинг бошқа районларига тарқала бошлади. Бунинг сабаби эса Лондоннинг мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ролининг ошиши эди. Лондонда шунингдек парламент ва ҳукумат жойлашган бўлиб, турли қонун, қарор, ва махсус ҳужжатлар лондон шевасида ёзилиб, бошқа ҳудудларға тарқатилар эди. XIV-асрда тил нормаларига жавоб бера оладиган кўпгина бадий асарлар лондон шевасида пайдо бўлди. Булар: «Эдуард II давридаги ахмақона вақтлар» поэмаси, инглиз реформатори Жон Уиклиф(1324-1384)нинг фаол иштироки натижасида Библиянинг инглиз тилиға таржима қилиниши ҳам Лондон шевасининг кенг тарқалишиға сабаб бўлди. Ушбу даврнинг энг йирик адабиёт намоёндаларидан бири Жеффри Чосер (1340-1400) бўлиб, у кўпгина асарлар яратган эди. Жумладан; «Герцогиния ҳақида китоб» (Book of the Duckess), «Шухрат уйи» (the House of Famous), «Кентерберия ҳикоялари» ва бошқалар эди.

Ўрта инглиз даврининг ёзма ёдгорликлари ва шевалари.

Ушбу тарихий даврда (XI- XV) инглиз тили шева ларида анча ўзгаришлар рўй берди.

Англиянинг шимолида Шотландияда нотумбр шеваси асосида шотланд шеваси XIV- XV асрларда шотланд тили сифатида пайдо бўлди. Кейинчалик эса Шотландия эркинлигини йўқотгандан сўнг XVII- асрда ҳокимият инглиз қироллари қўлига ўтгач шотланд тили шотланд шевасига айланди. Шотланд шевасининг жануби- шимол шевалари гуруҳи ташкил топди (шу нортумбр шеваси асосида).

Шотланд тилида ҳам кўпгина ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган. Жумладан; шотланд шоири Джону Барберу (1316-1395)нинг “Брюс” поэмаси. Ушбу поэма XIV- асрда шотландиянинг озодлиги учун курашган миллий қаҳрамон Роберт Брюсга бағишланган эди. Яна йирик асарлардан бири “Қирол китоби” (The Kings Quhair) поэмаси бўлиб, шотланд қироли Якоб I (1394-1457)га тегишли. Шунингдек, XV- аср охири XVI-аср бошларида ёзилган асарларга Уильям Данбернинг «Эдинбург савдогарларига», “Етти гуноҳкорнинг рақси” ва бошқа асарларни киритиш мумкин.

Англиянинг марказида Хамбер ва Темза дарёларининг ўртасида мерс шеваси асосида марказий шевалар пайдо бўлди. Бу шевалар шарқ-марказий (East- Midland) ва ғарб-марказий (West- Midland) шеваларига бўлинар эди.

Темзадан жанубга уэссекс ва кент шевалари асосида жанубий шевалар ташкил топди. Ўз навбатида жанубий шевалар Кент ва жанубий-ғарб шеваларига бўлинар эди. Шимолий ва марказий шеваларнинг чегараси Хамбер дарёси эди. Марказий ва жанубий шеваларни чегараси эса тахминан Темза дарёсидан ўтар эди. Ҳамма шевалар ўртасида Лондон шеваси муҳим ўрин эгаллар эди. Норманн истелосидан кейин Лондон Англиянинг пойтахти бўлиб қолди. Лондон Темзада жойлашган бўлиб марказий ва жанубий шевалар чегарасида жойлашган эди. XII- асрдаёқ Лондон тилида жанубий ва марказий шевалар элементларининг аралаша бошлаганини кўрамыз.

XIV-асрнинг охирига бориб Лондон шеваси бутун Англияда кенг тарқалган эди, Лондон мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий маркази бўлиб бу ерга Англиянинг барча жойларидан савдогарлар, умуман кўп одамлар келар эди ва шундай қилиб Лондон шевасига бошқа шеваларнинг элементлари кирган эди. Шундай қилиб Лондон шевасига асосан шарқ-марказий ва қисман жанубий- шарқий ва жануби-ғарбий элементлари кирган эди. Шундай қилиб Лондон шеваси инглиз миллий тилининг асоси бўлди.

Лондон шевасининг биринчи ёдгорлиги 18 октябр 1258 йилда ёзилган «Генрих III прокламация»си эди. Лондон шевасида машҳур инглиз шоири Чойсернинг асарлари ҳам ёзилган эди. XV асрда лондон шевасида ёзилган асарлар кўпайди.

Булар Лидгейтнинг Кэкстон ва бошқа асарлари ҳамда Адам Дау ва Гауэрнинг асарлари қиради.

Жанубий шевалар. Кент Dan Michel. Ayenbite of Innurd (Виждон қийноғи) (Укус совести)- диний трактати, William of Shoreham, шеърлари (XIV- аср боши) Poema Morale (XIII-аср боши).

Жанубий- ғарбий шева. Layaman Brut (Британиянинг Шер тарихи), Ancren Riwe (Устав инокинс), Robert of Glovices “Шерий хроника” (1300й.) The Owl and Nightingale (XIII- аср боши). 1387 йилда тугатилган Корнвуил жон де Тревизнинг “Полихроникон” (дунё тарихи тўғрисида етти китоб) таржимаси. Ва бошқалар.

Марказий шева ғарб қисми. Катерина, Маргарита ва Юлиан ҳақида афсоналар (XIII-аср). William of Palerne (Рицар романи) (XIV-аср ўртаси) Sir Gawayne and the Green Knight ва шу авторнинг бошқа поэмаларидир. (XIV-аср иккинчи ярми).

Шарқий шева King Horn (XIII-аср) Havelon the Dane (XIII-аср).

Шимолий шевада ёзилган ёзма ёдгорликларга қуйидаги асарларни киритиш мумкин;

1300- йиллар атрофида ёзилган “Cursor Mundi” поэмаси, Роберт Роллнинг “The Prick of Conscience” (виждон азоби) поэмаси, XIV-аср ва XV-аср бошларига тегишли мистерия(диний мавзудаги драма)лардан “Townley Plays”, “York Plays” асарларини киритиш мумкин.

Қадимги Мерсия шеваси асосида вужудга келган марказий шева Темза дарёсининг шимолида жойлашган бўлиб, ўз навбатида кичик шеваларга бўлинган. Улардан энг йириги марказий- шарқий шева бўлиб ҳисобланади. Ушбу марказий-шарқий шевада қуйидаги асарлар ёзилган. XIII-аср бошларида монах Ормам томонидан ёзилган «Ормулум» поэмаси. 1154 йилгача бўлган англосаксон хроникасининг давоми ҳисобланмиш “Peterborough Chronicle” (тарихий кундалик) солномаси, XV-аср иккинчи ярмига тегишли шахсий хатлар “Celly papers”, “Letters of Margaret Peston”ни киритиш мумкин.

Инглиз миллий тилининг тузилиши.

XIV- XV асрларда Англияда феодализмнинг инқирозга юз тутиш жараёни бошланган эди ва айни бир вақтда капитализм пайдо бўла бошлади. Касб, ҳунарлар тараққий қила бошлади, ҳамда шаҳарлар қад кўтара бошлади. Натижада аҳоли феодаллар ҳокимиятидан озод қилина бошлади, савдо тараққий эта бошлади.

XVI-асрда инглиз миллий бозори пайдо бўлди. Шу бозори пайдо бўлди. Шу бозор мамлакатнинг иқтисодий бирлигининг асоси бўлди. Иқтисодий бирлик эса миллатнинг ташкил топишига олиб келди. Миллатнинг пайдо бўлиши билан миллий тил ҳам пайдо бўлди.

Англияда миллий тилнинг асоси асосан Лондон шеваси бўлди. Бу тарихий ходисалар билан боғлиқ эди. XIV-асрдаёқ Лондон Англиянинг энг катта савдо марказига айланди. Лондоннинг сиёсий моҳияти тобора кучайиб борган эди. Санъатнинг ривожланиши ҳам Лондонда марказлашган эди. Аста-секин Лондон мамлакатнинг маданий маркази ҳам бўлиб қолди. Мана шу факторларнинг ҳаммаси Лондон шевасининг сосий миллий тил бўлишига сабаб бўлди ва инглиз миллий тили тараққий эта бошлади. Инглиз миллий тилининг ҳосил бўлиши уч аср давом этди.

Инглиз миллий тилининг ҳосил бўлишида Уильям Кэкстоннинг фаолияти катта аҳамиятга эга эди. У биринчи бўлиб Англияда китоб нашр этишга киришган эди. 1476 йилда Англияда у инглиз тилида китобларни босиб чиқарди. Китоблар ташкил топаётган тил нормаларининг ишланишига ва мустаҳкамланишига ва ўша вақтдаги Англиянинг энг узоқ бурчакларига тарқалишига ёрдам берди. Китобларнинг нашр этилиши инглиз орфографиясининг шаклланишига ҳам хизмат қилди. Умум миллат инглиз тилининг тарқалиши билан бир вақтда маҳаллий шевалар йўқола борди, шеваларнинг ягона миллий тилга марказлашиш жараёни рўй берди.

Чосернинг фаолияти.

Жеффри Чосер (1340- 1400) инглиз адабиётининг энг йирик намаёндаларидан биридир. Чосернинг ҳаёт йўли кўпгина ижтимоий табақалардан ўтган эди. У асли унчалик бой бўлмаган оиладан эди. Кейинчалик эса парламентга депутат бўлиб ҳам сайланган эди. У кўпгина асарлар яратган бўлиб жумладан; “Герцогиния ҳақида китоб” (“Book of the Duckess”)- Чосернинг энг йирик асарлари, “Шухрат уйи” “House of Famous” ва “Олижаноб аёллар ҳақида китоб” “Кентербериянинг ҳикоялари “ва кўпгина бошқалар эди. Чосер яшаган даврда француз тилининг таъсири катта эди ва бошқа кўпгина ёзувчилар француз тилида ёзишар эди, аммо Чосер фақатгина инглиз тилида ёзишни истар эди, чунки бу тил унинг ўз она тили эди. У асли Лондонлик бўлгани учун ўз асарларини Лондон шевасида ёзган эди. Бу билан Чосер инглиз

тилини яратди деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки у инглиз тилини тайёр ҳолда топган эди. Унинг хизмати шундаки, у бу тилни усталик билан қўллади. У халқ тилини шунақа лингвистик элементини топиб, шу элемент орқали адабий тилни яратиш учун энг қулай йўналиш яратди. Чосернинг асарлари Лондон шевасини инглиз адабиётини асоси қилиб қўйди.

Ўрта инглиз тили даври орфографияси

Ўрта инглиз тили даври орфографияси ўзининг турғун эмаслиги билан характерланади. Бу маҳаллий шеваларнинг турлилиги, ва уларда ёзилган асарларнинг маълум бир тил нормасига бўйсунмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамадан, бизгача етиб келган норман котиблари томонидан киритилган орфографик ёзувларнинг кўпчилиги бизгача етиб келган.

Чўзиқ унлиларнинг ёзилиш усули.

XIV-асрдан бошлаб чўзиқ очик [ē] ва чўзиқ ёпик [e:] е ҳарфининг жуфт ёзилиши билан ифодалана бошланди.

Feet [fe:t] been [be:n]

Yeer [jε:r] deed [dε:d]

Шу билан бирга чўзиқ ёпик [e:] француз тилидан ўзлашган ie диграфи билан ҳам берилган.

Chief [tʃe:f]

Очик [ε:] ва ёпик [e:] ёзувда фарқ қилмаган, аммо XV-асрдан бошлаб очик чўзиқ [ε:]товуши учун ea диграфи қабул қилинган.

Year, dead, read.

Чўзиқ очик [o:]ва чўзиқ ёпик [o:] товушлари учун ҳам oo диграфи қўлланила бошланган.

Foot [fo:t], boot[bo:t]

Шунингдек баъзи ўрта инглиз тили давр ёзма ёдгорликларида очик чўзиқ[o:] товуши oa диграфи билан ҳам ифодаланган. Noan, loand, boat, road.

XIII-асрдан бошлаб очик буғунлардаги қисқа[o] чўзиқ [o:]га ўтди, аммо o ҳарфи билан ифодаланишда давом этди.

Nose [o]>[o:] smoke [o]>[o:]

XIII-асрдан бошлаб чўзиқ [u:] французча ou ёки ow диграфлари билан ёзила бошлади.

Қадимги инглиз ўрта инглиз

Hūs hous [hu:s]

Mūs mous [mu:s]

Hū how [hu:]

Nū now [nu:]

Ўрта инглиз тили даврида чўзиқ [i:] у ҳарфи билан ёзила бошланган.

Қадимги инглиз ўрта инглиз

Wīf > wyf

Bī > by

Шунингдек у ҳарфи қисқа [i]ни ҳам ифодалашга қўлланила бошланган.

Қадимги инглиз mihti > ўрта инглиз mighty [mixti].

XIII-аср давомида [u] товушини ифодалаш учун қўлланилган u ҳарфи n,m,v ҳарфлари олдида о ҳарфи билан алмаштирилди.

Қадимги инг. ўрта инг. Янги инг.

Cuain [kuman]	comen [kumən]	come [kʌm]
Sum [sum]	some [sum]	some [sʌm]
Wundor [wundor]	wonder [wundor]	wonder [wʌndə]

Ўрта инглиз тили даврида [tʃ], [ʃ], [dʒ] фонемалари мавжуд эди, аммо уларнинг ёзувдаги белгиси йўқ эди. XII-аср ўрталарига келиб норманд котиблари таъсири натижасида [tʃ]ифодалаш учун ch диграфи, [ʃ]товушини ифодалаш sh учун диграфи қабул қилинди. [θ], [ð] фонемаларини ифодалаш учун XIV-асрда **th** ҳарф бирикмаси киритилди.

[x], [xʰ] фонемаларини ифодалаш учун gh қўлланила бошланди.

Қад.инг. brōhte > ўрт. Инг.broughte

Қадимги инглиз тилидаги **hw** [hw] ҳарф бирикмасини ифодалаш учун wh қўлланила бошланди, аммо талаффузи XV аср бошларигача ўзгармасдан қолди.

hwæt > what [hwat]

hwīle > while [hwile]

Қадимги давр инглиз тилида товушини ифодалаган **ƿ** (wyn) **w** ҳарфи илан алмаштирилди(яъни **uu double** u дан келиб чиққан). Қадимги давр инглиз тилидаги [k] товушини ифодалаш учун қўлланилган с ҳарфи XII-асрдан бошлаб фақат ундошлар ва орқа қатор унлилар олдидан [k] товушини ифодалашга қўлланила бошлади. Олд унлилар олдидан эса француз тилидагидек [s] товушини англатишга ишлатила бошланди.

certain > certain

Олд қатор унлилар олдидан келадиган [k] товушини ифодалаш учун к ҳарфи қўлланила бошланди.

Қадимги инг. Cēpan > ўрта инг. Keepen

[kw] товушини ифодаловчи **cw** ҳарф бирикмаси ўрнига **qu** ҳарф бирикмаси қабул қилинди.

Cweðan > quethen

cwicu > quike

Қадимги давр инглиз тилида [j] товушини ифодалаган **ȝ**ҳарфи у ҳарфи билан алмаштирилди.

ȝiefan > yeven-бермок

ȝēar > yeer-йил

[gg]>[dʒ] га ўтган товушни ифодаловчи **cȝ** ҳарф бирикмаси **g** ёки **dg** билан алмаштирилди.

brycȝ > bridge

Қадимги давр инглиз тилидаги жарангли [z]ни ифодалаган **s** ҳарфи сақланиб қолди, аммо Француз тилидан ўзлашган **z** ҳарфи билан ҳам баъзи сўзлар ифодаланар эди.

Frēosan [freo:zən] > frozen

Ўрта инглиз даврида унли товушлари.

Ўрта инглиз даврining унли товушлари системасида анча ўзгаришлар бўлиб ўтган эди. Шу ўзгаришлар унли ҳарфларга ҳам тарқалган эдилар. Маълумки ўрта инглиз даврида Англияда Француз тилининг таъсири жуда катта эди. Инглиз ёзуви ҳам француз котиблари қўлларида бўлган. Шу котиблар инглиз тилига француз ёзма

харфларининг шаклини киритган эдилар. Шундан баъзи бирлари тилда ҳозиргача сақланиб қолган.

Унли товушлар ёзилишида асосий ўзгаришлар қўйидагича ҳосил бўлган:

1. Қадимги инглиз текстларида [u:] товушини **ū** ҳарфи ифода этарди. Кейинчалик эса француз тилидан шу товуш учун **"ou"** киритилган эди. Аввало **"ou"** ҳарф бирикмаси француз тилидан киритилган сўзларда ишлатилар эди, кейинчалик инглиз сўзларида ҳам қўлланила бошланди.

Масалан, OE hūs ME hous[hu:s]. Сўз охирида, баъзи вақтларда сўз ўртасида ҳам **"ou"** ўрнига ow ёзишлар эди.

OE cū ME cow[kū:]

2. [u] товуш учун o ишлатила бошланди.

OE cuman > comen[kumən]

sunu>sone[ˈsunə]

3. [e:] товуш учун "ie" унлисини учратиш мумкин

chief[tle:f] relief[reˈle:f] ва шунга ўхшаш француз тилидан киритилган сўзларда қўлланилган бўлиб, кейинчалик эса инглиз тилидаги сўзларига ҳам кириб келган.

Масалан, OE feld > Mn field[fe:ld]

4. [u:] товуш учун "u" ҳарфи киритилган эди. Лекин фақат [u] шу диалектларда ушбу товуш сақланиб қолган бўлса,

Масалан, fur

Француз тили таъсири натижасида инглиз тили учун умумий бўлган орфография йўқ эди, ҳар бир маҳаллий диалект ўз хусусиятларига эга. Буни биз ёзма ёдгорликларда кўришимиз мумкин.

Норман истилосидан кейин ўрта инглиз тилида асосан қадимги инглиз бўлган диалектлар сақланиб қолган эди. Лекин шу диалектларга бошқача ном берилган эди.

Нортумбр диалекти — шимолий (Northern).

Мерс диалекти — Марказий (Midland)

Уэссекс ва Кент диалекти — Жанубий (Southern)

Марказий диалект ўз навбатида иккига бўлинади: Ғарбий Марказ (West Midland)

ва Шарқий Марказ (East Midland)

Айрим унли товушларнинг ўзгариши

Юқорида айтиб ўтилган эдики, ўрта инглиз даври фонетик системасида анча ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Шу ўзгаришлар асосан қўйидагича:

Қадимги инглиз "a" ўзгармаган эди. OE a ва o ҳар хил диалектлар ҳар хил ривожланган эди.

Ғарб-шарқий диалектда "o" қолган эди; mon, son. Қолган диалектларда эса /шимолий, жанубий ва шарқий марказий/ "a" қолган эди; man, can.

ā ҳарфи эса шимолий диалектда ўзгармаган эди, марказий ва жанубий диалектларга эса "ō" ўтган.

fā>fō, hām>hōm

OE æ асосан >a

glæd>glad, æppel>æppel

Фақат ғарбий-марказий ва кент диалектиларида;

æ>e wæs>wes, æppel>eppel

OE æ () >"e" очик

slæpan>slēpen

3 Mid "é" OE даврида æк ёпик ē ўтган эди.

slēpan, lēten

OE 0 () e ҳамма диалектларда .

dæl>deɪ, sæ>se денгиз

Кент диалектида эса æ, ёпик ē OE давридаёқ ўтган эди ва ME да шунақа сақланиб қолган . dēl, sē

OE у шимол ва шарқ >i

Кент диалектида >е ва бошқалар шунақа сақланиб қолган.
ferst, hell

OE да e, ē, i, ī, o ўзгармаган.

tellan>tellen, uflle>uflle

OE ō асосан ўзгармаган фақат шимолий диалектда[ō][ū] gud, fuh, fut, fōt, ū, u ўзгармаган hū>hou, sume>sōne.

Ўрта инглиз даврида унли товушларда бўлган асосий ўзгаришлар.

Ўрта инглиз даврида тилининг фонетик тузилишида анча ўзгаришлар бўлиб ўтган эди. Булардан баъзи бирлари умумий товушлар категориясига дахлдор эди, баъзи бирлари эса фақат айрим унли ва ундош товушларга тарқалган.

Ўрта инглиз даврининг асосий фонетик ўзгаришлари қўйидагилар:

1. Урғусиз бўғинларда редукция;
2. Унлиларнинг қисқариши ва чўзилиши;
3. Қадимги инглиз дифтонглариининг монофтонгларга айланиши;
4. Янги дифтонгларнинг пайдо бўлиши.

I Урғусиз бўғинларда унли товушлар редукцияси.

Ҳамма урғусиз унли товушлар "е" товушига ўтган [ə].

Масалан, инфинитив қўшимчаси an>en

spræcan>spræcen

sættan>setten

Кўплик сон бош келишик қўшимчаси as>es

stānes>stōnes ёки,

sunu>sune.

Чет эл авторлари Wyld ва Yespersen бу ҳодисани XIII асрга тегишли деб ҳисоблайди. XIII аср текстларида asbed>asbid формасини bunden>bundin формаларини учратиш мумкин. Балки, ёзилишидаги фарқлар маҳаллий диалектлардаги талаффузи хусусиятларига боғлиқдир, чунки, юқорида кўрсатилган фарқлар фақат шимолий диалектда учрайди.

Масалан, OE fȳst>fist

dūst>dust

læfan>laft.

Фақатгина ld, nd, mt ва айни вақт st олдида келган ҳарф бирикмалари чўзиқлигича қолди. Масалан, bīndan.

ēastan>ēsten "шарқда"

Айрим уч бўғинли сўзларда ундош олдида турган чўзиқ унли ҳам қисқаради.

Масалан,

OE		ME
hālidæs	>	hāliday
lāferce	>	lārck.

Унли товушларнинг чўзилиши

a, o, e қисқа унли товушлари очик бўғинларда чўзилган эди.
Масалан, talu>tāle
care>cāre
stelan>stēlan.

i ва u қисқа тор унли товушлар чўзиқ кенг товушларга айланди: i>ē, u>ō
wikes>wēkes
dures>dōres.

Ўрта инглиз даврида янги принцип вужудга келган эди. Унли товушнинг чўзиқ ва қисқа бўлиши фонетик муҳитга боғлиқ эди. Бруннер, Ильиш ва Смирницкий унли товушларнинг қисқариши XI ва чўзилиши XIII асрда бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Аракин эса шу иккита ҳодиса параллел бўлиб ўтган деб ҳисоблайди.

Шу жараён умуман тилнинг ритмик-фонетик структурасини ўзгартирган эди ва унли товушлар системасининг кейинги ривожланиши учун имконият туғдириб берди. Бу эса янги инглиз унли товушлар системасининг яратилишига олиб келди.

Унлиларнинг торайиши

XII- аср давомида чўзиқ [a:] ва [æ:] унлиларининг торайиши содир бўлди. Бунинг натижасида қадимги инглиз тили [a:]>[o:] га ўтди ва **o** ёки **oo** билан, кейинчалик эса **oa** билан ифодалана бошлади.

Bān > bon, boan суяк

zān > goon юрмоқ

hlāf > lof, loaf нон

агар [a:] товушидан олдин ундош+[w] турган бўлса, унинг таъсирида [o:] ифодалана бошлади.

twā > two [two:]

[æ:]>[ɛ:] га ўтди ва ёзувда **e** ёки **ee**, **ea** графикасида қўлланила бошлади.

sæ > se, sea денгиз

lætan > leten, leeten рухсат бермоқ

XIII-асрга келиб қадимги инглиз [æ] товуши қисқа [a]га ўтди.

Þæt > that [θat]

3. Қадимги инглиз дифтонглариининг монофтонгларга айланиши

Ҳамма қадимги инглиз дифтонглари XI асрда монофтонгларга айландилар, фақат Кентда бу ҳодиса XIV асргача учраб турар эди.

Бу жараён натижасида:

ea > æ > a ОЕ да wearm>wærm>warm

Лекин, бу ерда диалектларга кўра анча фарқларни кўришимиз мумкин.

Жанубий диалектда:

ea > eā > ē, eare > ēare > ēre

Мараказий диалектда "ea"га синиш ҳодисасиз "a" ҳарфи ld олдидан "a" чўзилган ва ō(очик чўзиқ) ўтган.

ea > ā > ō ceald > cāld> cōld

Шимолий диалектда ҳам синиш бўлмаган эди. Лекин, "a", "ld" олдидан чўзилиб ўз сифатини сақлаб қолди(ҳеч қанақа бошқа товушга ўтиб кетмаган.)

ald>āld.

Қадимги инглиз Уэссекс адабий тил учун характерли бўлган синиш формалар тилнинг кейинчалик тараққиётида асосий бўлган Лондон диалектида ўз ифодасини топмайди. Лондон диалектининг формалари қадимги инглиз Мерс диалектидан бошланиб келмоқда. Мерс шеvasида биз билганимиздек синиш оз тарқалган эди.

Уэссекс eald формасига мерс ald формаси мос келарди. Тилнинг кейинги тараққиёти учун эса ald формаси аҳамиятга эга эди, чунки ҳозирги замон инглиз тилини old сўзи "ald" формасидан келиб чиққан.

Қадимги инглиз чўзиқ ea > ē очик чўзиқ товушига ўтган эди .

қ , ингл hēār > hēr

Кентда эса ēā > ye , уа га ўтган
dēād > dyed , dyad

Қадимги инглиз “eo” аввало [ō] товушига ўтган эди. Шу товуш ғарб-шарқий ва жанубий-ғарб диалектларида XIV асргача учратиш мумкин эди. Қолган бошқа диалектларда эса ö XII асрда ”e” ўтган

Масалан : қ.ингл seolf , sölf , self

Қадимги инглиз чўзиқ ēo > ē

Ёзилишида кўпинча double ee

ƿeof > ƿeef

Cēōsan > chēsen

Қадимги инглиз “io” “i” дан умлаут таъсирида келиб чиққан , қадимги инглиз давридаёқ “eo” га ўтиб кейинчалик эса ē га ўтган.

siolfor > seolfor > selver

Қадимги инглиз ie , i , у палатал ундошдан кейин жанубий-ғарбий шевада i , ü:
ȝietan > yitan , yūten, бошқа диалектларда эса қ.ингл е дифтонги сақланиб қолади: ȝeten,
ȝelden

Жанубий диалектда:

ea > eā > ē eare > ēare > ēre

Марказий диалектда “ea”га синиш ҳодисасига ўхшаш “a” ҳарфи мос келарди. Кейин эса ld олдидан “a” чўзилган ва ô (очиқ,чўзиқ) ўтган ea>ā>ô

ceald > cāld > cōld

Шимолий диалектда ҳам прелмления бўлмаган эди. Лекин “a” “ld” олдидан чўзилиб, ўз сифатини сақлаб қолди (ҳеч қанақа бошқа товушга ўтиб кетмаган).

ald>āld

Қадимги инглиз уэсеекс адабий тил учун характерли бўлган синиш ҳодисаси, тилнинг кейинги таррақиётида асос бўлган Лондон шевасида ўз ифодасини топмайди. Лондон шевасининг шакллари қадимги инглиз мерс шевасидан бошланиб келмоқда. Бизга маълумки Мерс шевасида синиш оз тарқалган эди.

Уэсеекс eald формасига мерс ald формаси мос келарди. Тилнинг кейинги таррақиёти учун эса ald формаси аҳамиятга эга эди, чунки ҳозирги замон инглиз тилини old сўзи “old” формасидан келиб чиққан .

Янги дифтонгларнинг пайдо бўлиши

Ўрта инглиз тилида янги тилдаги дифтонглар пайдо бўлади. Бу дифтонглар қадимги инглиз монофтонглашиб кетган дифтонглар тамоман фарқ қилар эди. Янги дифтонглар унли ва ўрта ёки орқа сирғалувчи ундош товушлар бирикмаси натижасида вужудга келган.

Тил ўрта сирғалувчи ундош ȝ [ɟ] ва тил орқа сирғалувчи ȝ[j] унлисига айланади ва олдинги келаётган унли билан бирга янги тилдаги дифтонгларни вужудга келтиради.

Ўрта сирғалувчи натижасида пайдо бўлган дифтонгларнинг иккинчи элементи “i” товуши бўлади .

Орқа сирғалувчи вужудга келтирган дифтонгларда эса иккинчи элемент “w” кейинчалик “u”.

I Унли + тил ўрта сирғалувчи j æȝ > ai , ау масалан : dæȝ > dai , day

mæȝ > mai , may

āȝ > ai , ау ȝr ж ȝ > ȝral , ȝray

eȝ > ei , ey weȝ > wei , wey

ēȝ > ei, ey hēȝ > hei, hey.

2. Унли+ орқа сирғалувчи ȝ

az>aw>au

laʒu>lawe

āʒ>ōw āʒen>ōwen

au дифтонги бир қатор француз тилидан ўзлашган сўзларда учрайди.

Cause, faute

Бундан ташқари ушбу дифтонг жуда кўп норманд шевасида бурун товушилари олдида учрайди.

ancient>auncient

chambre>chaumber

Дифтонглар унли+ h дан пайдо бўлган бўлиши мумкин, лекин бу товушлар сақланиб қолмаган. a+h>auh,augh,naht>haught

Шу ўзгаришлар натижасида , ўрта инглиз тилида янги дифтонглар пайдо бўлган. Улар қадимги инглиз дифтонгларида фарқ қилар эдилар, чунки уларнинг иккинчи элементи тор эди, қадимги инглиз дифтонгларида эса иккинчи элемент очик эди.

Шундай қилиб ўрта инглиз тилининг фонетик системаси қадимги инглиз дифтонгларида фарқ қилар эди. Асосий ўзгаришлар фақат товушларнинг ўзларигина ўзгариб қолмасдан балким айрим фонетик принциплар ҳам ўзгарган. Унли товушнинг сифати ва сони, фонетик ва орфографик ўзгаришга боғлиқ эди. Дифтонгларнинг хусусияти ҳам ўзгарган эди.

aaXI аср аср	XIV	XI аср	XIV аср	Зам. Инг.	Ўзб. Тарж.
æ >	a	þæt >	that	that	У, ўша
a: >	o:	hwā >	who [hwo:]	who	ким
æ: >	ε:	sæ: >	sea [sε:]	sea	денгиз
Очик буғундаги унлиларнинг ўзгариши					
a >	a:	nama >	name [na:mə]	name	исм
e >	ε:	mete >	mete [mε:tə]	meet	учратмоқ
o >	o:	nosu >	nose [no:zə]	nose	бурун
Ёпиқ буғундаги унлиларнинг ўзгариши					
e: >	e	cēpte >	kepte [keptə]	keep	сақламоқ
i: >	i	līf >	lif	live	яшамоқ
u: >	u	dūn >	dun	down	пастга (предлог)
o: >	o	dōn >	don (do)	do	қилмоқ
Дифтонгларнинг ҳосил бўлиши					
æ+j >	ai	dæʒ >	dai (day)	day	кун
e+j >	ei	weʒ >	wei (wey)	way	йўл
e:+j >	ei	sēʒl >	seil	sail	сузмоқ
a+γ >	au	draʒan >	drawen	draw	тортмоқ
a:+γ >	ou	āʒan >	owen	owe	хусусий
o+γ >	ou	boʒa >	bowe	bow	эгмоқ
o:+h >	ou	bōhte >	boughte [bouxtə]	bought	сотиб олмоқ(ўт.3)
eo:w >	eu	cnēow >	knew	knew	билмоқ (ўт.3)
ea:w >	eu	dēaw >	dew	dew	шудринг
Баъзи қисқа унлиларнинг чўзиқ унлиларга ўтиши					

i > ē (e:)	wikes > wēkes	week	хафта
u > ō (o:)	dures > dōres	door	эшик
[a:] > [o:] ga ўтди ва o, oo, oa орфографик белгилари билан ёзила бошланди			
a: > o:	bān > bon, boan [bo:n] zān > goon [go:n] hlāf > lof [lo:f]	bone go loaf	суяк бормоқ буханка
Баъзи чўзиқ дифтонгларнинг чўзиқ монофтонгга айланиши			
ea: > e: eo: > e:	hēalp > hēlp [he:lp], cēosan > chēsen [tʃe:zən]	help choose	ёрдам танламоқ

Ўрта инглиз даврининг консонантизми.

Ўрта-инглиз даврида қадимги инглиз даврида бошланган процесслар тугади. Ўрта инглиз даврида деярли кўп ўзгаришлар бўлмаган.

1. Сўзнинг бошида hl, hn, hr ҳарф бирикмаларида турган “h” талаффузда тушиб қолган эди.

масалан: hlāford > lōrd

hnutu > nute, hrinz > ring

2. Ўтган замон формаларида [k] товуши тушиб қолган.

Mākede > mākde > māde

Māked > mākde > mād

Ушбу унли товушларнинг системаси янги инглиз даври фонетик система ривожланиш асоси эди.

Мавзуга оид саволлар.

1. Норман истилоси даврида инглиз тилининг мавқеи қандай эди?
2. Скандинавлар истилоси инглиз тилига қандай таъсир этди?
3. Инглиз тилининг француз тили устидан қилган ғалабасининг сабаблари нимада эди?
4. Шотланд тили қайси шева асосида ҳосил бўлган эди?
5. Лондон шевасининг мамлакат бўйлаб тарқалишига нималар сабаб бўлган?
6. Ўрта даврга келиб, орфографиядаги ўзгаришларнинг асосий сабаби нимада эди?
7. Ўрта инглиз тили даврида қанақанги янги дифтонглар ҳосил бўлди?

Маъруза 8

Ўрта инглиз тили даври грамматик тузилишидаги асосий ўзгаришлар

Режа:

1. Ўрта инглиз тили даврида от категорияси.

а) Ўзак-негизли турланишдаги ўзгаришлар

б) Род категориясининг йўқолиши

2. Ўрта инглиз тили даврида олмош категорияси

3. Ўрта инглиз тили даврида феъл категорияси

а) Феъл тусланишидаги асосий ўзгаришлар

б) Янги замон шакллариининг пайдо бўлиши.

Таянч иборалар:

Отларнинг ўзак-негизли турланиши, грамматик род, артикль, шахс-сон қўшимчаларининг редукцияси, урғусиз бугун, давомли шакл, перфект шакл.

Қадимги инглиз тили даврида вужудга келган оммоним келишик қўшимчаларининг тушишига олиб келди. Ушбу ходиса, урғусиз буғундаги унлининг редуцияга учраб нейтрал товуш ифодалай бошлаши таъсирида юзага келди.

XII-асрга келиб, қадимги инглиз тилида мавжуд бўлган –as қўшимчасининг –es га ўтиши ва мужской, средней роддаги барча негизли (-ō-, -i-, -u-) отлар –a- негизли отларнинг бош келишик бирлик ва кўплик қўшимчаларини ола бошлади.

Женский роддаги (-ō-, -i-, -u-) негизли отларнинг бош келишик кўплиги –en негизли қўшимча билан ифодалана бошлади ва XIII-XIV-асрларда –es кўплик қўшимчаси билан қўлланилишга ўтди. –es- кўплик қўшимчаси француз тили таъсирида вужудга келган деган олимлар фикри илмий адабиётларда кўпирақ учрайди.

-a- негизли муж. роддаги отлар

	Бирлик	кўплик	
	Қадимги инглиз	Ўрта инглиз	
		XII-аср	XIV-аср
	hrin3	ring	ringes
	hrine3s	ringes	ringes
	hrine3	ringe	ringes
	hrin3	ring	ringes

Ўрта инглиз даврида негизларга ажратиш процесси тугаган эди. Аммо Грам род сақланиб қолган эди. XII асрда II турланиш қолган эди Турланишларга бўлиш асосида род ётган эди.

Муж.род

	Бирлик	Кўплик
Бош	stōn	stōnes
Қар	stōnes	stōne
Жўн	stōn(e)	stōnes
Тушум	stōn	stōnes

Энди муж.родга “a” негизли сўзлари, “a” “u” негизли ср.род сўзлари кирар эди.

Жен.родга эса “u” “o” негизли сўзлар ва қисман “u” негизи ср.род сўзлари кирар эди.

Жен.род

	Бирлик	Кўплик
Бош	cāre	cāreu
Қар	cāre	cāren(e)
Жўн	cāre	cāren
Тушум	cāre	cārēn

Ср.род

	Бирлик	Кўплик
Бош	ship	shipe
Қар	shipe	shipe
Жўн	ship	shipen
Тушум	ship	shipe

XIV асрда сўзнинг охиридаги “u” қўшимчаси тушиб қолади. Шунинг натижасида род ва келишиклар бир хилда бўлиб чиқади.

XV асрда эса “e” ҳам тушиб қолади. Бу эса жен ва ср.род бир хил бўлиб қолишига олиб келади. Фақатгина иккита келишик сақланиб қолади. possessive ва objective cases. Қўшимчаларнинг йўқолгани билан бирга, грамматик маънолар ҳам йўқолди деб ўйлаш нотўғри. Флексив формалар ўрнига аналитик формалар вужудга келади, яъни келишиклар олдинги кўмакчи орқали ифода этила бошлади.

Предлоглар қадимги инглиз тилида ҳам мавжуд эди. Улар айрим лексик маъноларга эга эди. Масалан: Two gentlemen of Kerona.

“of” кўмакчининг аниқ маъноси бор. Кейинчалик эса кўмакчилар сўз маъносини йўқотган эдилар .

XIV асрда “of” кўмакчиси қаратқич келишигини ифода эта бошлади. the groghte of Marche мартовский засуха ,март қурғоқчилиги .

“Wip” кўмакчиси маъноси қадимги инглиз тилида қариш бўйлаб эди.

zefeah wip þone` here бу ерда қариш кейинчалик эса биргалик кел.ўрнида ишлатила бошланди.

“To” эса жўналиш келишиги.

eocle to his hūse ўз уйига кетди.

XIV -XV асрда эски флектив системаси ўрида келган эди.

“S” суффикси билан эгалик формасининг тарихи

Юқорида айтилгандай қадимги инглиз тили турланиш системаси йўқола борди учради ва инглиз отлари фақатгина иккита келишикка эга бўлиб қолди, яъни бош ва қаратқич келишиги “es” кўшимчасига эга эди ва кўплик соннинг кўшимчаси ҳам “es” эди.

Қаратқич келишик суффикси “es” эди, у кўпинча муж ва ср.род отларига кўшилар эди. Бурунги “r” негизли отларга қаратқич келишигида “es” кўшимчаси кўшилмас эди. Масалан his sister sone (онасининг ўғли).

Ёки жен.родда the Scottis Quene ctyue-Шотланд кироличасининг жинояти.

“es” суффикси урғусиз пайтда [Iz] таллафуз этиларди.

XIII-XV асрлада “is” “us” орфографик белгисига ҳам эга эди. XIII асрда тегишликни ифодалаш учун янги метод қўлланиладиган бўлди ва шу усул XV-XVI асрларда кенг тарқалган эди. Бу усулнинг моҳияти шунда эдики отдан кейин тегишлиликни ифодалаш учун эгалик олмош қўйилар эди , яъни his, her , their

Мас : XIV асрда The peinter ys nam -рассомнинг исми.

XV асрда No shoо аron no man ys fote ҳеч кимнинг оёғида ботинка йўқ. Ундан кейин эгалик олмоши [h] ни йўқотган эди ва his is (ys) оҳангига яқинлаб қолган эди.

Кейинчалик is (ys) фонетик бўйича [r] ва [s] га оддийлашган эди. Апостроф –s ёзилиши эса XVII асрда тарқала бошлаган эди. Шундай қилиб ҳозирги замон –”s” формаси қадимги инглиз “a” негизли муж ва ср.род отларининг қаратқич келишигидан келиб чиққан эди.

Кўплик соннинг ва эгалик формасининг кўшимчалари мос келган эди ва шунинг учун кўплик сон учун фақат “s” қўйилар эди . Лекин отлар кўплик сонда “es” кўшимчасига эга бўлмаса “-`s” қўшилар эди.

Ўзакли негизлар.

Қадимги инглиз даврида отларнинг катта бир груҳи бор эди. Бу груҳнинг отлари кўплик сонда негиз ясайдиган суффиксга эга эмас эди ва кўплик сон кўшимчаларини тўғри сўзнинг ўзагига қўшиш орқали ясалар эди. Турланишнинг бу типига уч род отлари ҳам кирар эдилар. Кўплик сон бош ва тушум келишикларида отлар “i” суффиксига эга эди . “i” суффикси эса тил олди перегласовкасига олиб келиб тушиб қоган эди. VII асрга келиб баъзи бир сўзлар кўплик соннинг бош ва тушум келишикларида ҳеч қанақа суффиксга эга бўлмаган, баълки ўзакдаги унлини ўзгартирган эди. Бу усул кенг тарқалмаган эди ва ўрта инглиз даврида тўхтаган эди .

Бу груҳнинг баъзи бир сўзлари. Масалан: bōc, scud кейинчалик шу груҳдан ажралиб “es” суффикси ёрдами билан кўплик сонни вужудга келтира бошлади. books

Илгари bōc-bec

Қолган бошқа сўзларда эса ўзакдаги унлини ўзгариши орқали кўплик ясалиши сақланиб қолган эди.

a foot-fut

a tooth- teeth ва бошқалар

Қадимги инглиз кўплик сонда ўзакини ўзгантирадиган (“goose” (ғоз) сўзидан) янги маънони яъни “машиначини утюги” англатадиган goose сўзи пайдо бўлган эди. Шу сўз

кўплик сонда ўзакдан негизни ўзгартирмасдан балким "es" суффикси ишлатилиши орқали ясалган: a goose – geese

Shepp, dur, surne сўзларининг кўплик сони.

"a" негизли қадимги инглиз scēār dēōr ва surne сўзлари кўплик сонда қўшимчаларга эга эмас эдилар чунки ўзакда чўзиқ унлига эга бўлган сўзлар "u" суффиксини йўқотган эди. Шунинг учун бу отларнинг кўплик ва бирлик сон формалари бир хил эди, яъни scēār, dēōr, surne.

Кўп вақт ўтгач бу группанинг кўп сўзлари, масалан þēār, þing кўплик сонда "es" суффикси қўшиладиган сўзларини груҳига ўтган эди. Эски шаклини эса юқорида айтилган фақат учта сўз сақлаб қолган эди.

Албатта бу ерда, нима учун бу сўзлар кўплик сонда "es" суффиксини қўшмайди деган савол пайдо бўлади. Қадимги инглиз "a" негизли fisc-fiscas формаларига эга бўлган fisc сўзи ҳам кейинчалик бу груҳга ўтиб кетган. Фақат fish сўзи эмас, балким trout, salmon, sterlet сўзалари ҳам ушбу гуруҳга ўтган.

Отларда грамматик роднинг йўқолиши.

Отларнинг негизли турланишидаги морфологик белгилар системасининг бузилиши фақатгина келишик категорияси эмас балки род категориясининг ҳам йўқолишига олиб келди.

От ва сифатлардаги келишик ва бир-бири билан мослашувчи қўшимчаларнинг йўқолиши ҳамда олмош, артикларнинг келишик қўшимчаларининг бузилиши натижасида род грамматик категориясини характерловчи белгилар йўқола борди.

2. XII-XIV- асрлар давомида кишилик олмошлари системасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Ўрта давр инглиз тилида кишилик олмошлари қуйидагича кўриниш олди.

	бирлик	кўплик
	Бош келишик	Бош келишик
I шахс	I, ich	wē
II шахс	thow	yē
III шахс	M.p hē Ж.p hē, shē C.p hit, it	hī, they

Ўша даврга келиб тушум келишиги олмошлари асосида объект келишиги олмошлари ҳам ҳосил бўлди.

	бирлик	кўплик
I шахс	mē	us
II шахс	thē	yow
III шахс	m.p him ж.p hir, htr c.p hit, it	them, hem

Эгалик олмошлари эса қуйидагича кўриниш олган эди.

	бирлик	кўплик
I шахс	mīn, mī	our
II шахс	thīn, thī	your
III шахс	m.p his ж.p hir, her c.p his	ther, hire

Кўрсатиш олмошлари

XII-XIV асрлар давомида кўрсатиш олмошлари бир қанча ўзгаришларга дуч келди. Натижада икки хил кўрсатиш олмошлари яъни яқин масофани кўрсатувчи кўрсатиш олмошлари ва узоқ масофани кўрсатувчи кўрсатиш олмошлари ҳосил бўлди.

Қадимги (м.р) þēs > thēs [θe:s]

(ж.р) þēos > thēs [θe:s]

(ср.р) þīs > this

þās >tho, thos [θɔ:s]

þā > tho, thos [θɔ:s]

þæt > that

Артиклнинг ҳосил бўлиши

Ўрта давр инглиз тилининг энг муҳим грамматик ҳодисаларидан бири бу аниқ ва ноаниқ артиклнинг вужудга келиши бўлди.

Қадимги давр инглиз тилида мавжуд бўлган **м.р sē, ж.р sēo, ва ср.р þæt** кўрсатиш олмошлари ёрдамчи сўз вазифасида қўлланилиб, от томонидан ифодаланган предметнинг айрим хусуиятини кўрсатишга хизмат қилган. Вақт ўтиши билан ушбу кўрсатиш олмошларининг функциялари бошқа кўрсатиш олмошларига ўтиб, бу олмошлар аниқ артиклга айланади.

Аниқ артиклнинг ривожланиши ноаниқ артиклнинг ҳосил бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Ноаниқ артиклнинг ҳосил бўлишига қадимги давр инглиз тилидаги **ān**-бир сони хизмат қилган. Қадимги инглиз тили даврида ушбу сон фақатгина санок сон вазифасинигина эмас, балким отнинг умумий характери кўрсатувчи сўз сифатида ҳам қўлланила бошлаган эди. XII-асрга келиб **ān** иккига бўлинди, яъни **oon** [ɔ:n] кейинчалик **one** [w^ʌn]га айланди ва ноаниқ артикл **ān** ўрта инглиз тили даврида сақланиб қолди. XIII-XIV- асрларда **n**-нинг урғусиз буғунларда тушиши натижасида **a** ноаниқ артикли ҳосил бўлди. Аммо **an** унли товушлар олдидан қўлланилиши сақланиб қолди.

3. Қадимги давр инглиз тилида мавжуд бўлган барча(кучли,кучсиз, претерито-презент, суплетив) феъллар ўрта давр инглиз тилида ҳам сақланиб қолди. Аммо ўрта давр инглиз тилидаги фонетик ўзгаришлар таъсири натижасида баъзи ўзгаришлар содир бўлди.

Кучли феъллар системасида асосий ўзгаришлар.

1.Қадимги инглиз [ā] > ўрта инглиз [ô] ўтиш I синф иккинчи негизида [ā]>[ô] ўтишда сабабчи эди. Шунинг натижасида унлиларнинг алмашинувини қуйидагича кўрсатиш мумкин: ī – ō – i – i. Бундан ташқари урғусини қўшимчаларнинг унлилари [ə] редукциялланган эди.

drīven - drōv – driven – driven

shīnen - shōn – shinen – shinen

2.Дифтонгларнинг стяженияси II ва III синфларда баъзи бир ўзгаришларга олиб келди. II синфда учинчи негиз (яъни ўтган замон кўплик сони) [u] ни [o] га алмашди. XIII асрда учинчи ва тўртинчи негизлардаги унлилар чўзилган эди.

II синф феълларининг унлилар алмашинувини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

I ēo>ê	II ēā>ê	u>ō>ô	ō>ô
chêsen	chêś	chôsen	chôsen
frêsen	frêś	frôsen	frôsen

3)Учинчи синф феъллари қадимги инглиз даврида учта синфларга бўлинар эди.

Ўрта инглиз даврида эса учинчи ва синфнинг 2 ва 3 синфларнинг унлилари стяжение натижасида бир хил бўлиб қолди .

II синфга	ě	ěǎ>ǎ	u	o
	melten	malt	multen	molten
	helpen	halp	hulpen	holpen
III синфга	ëö>ë	ěǎ>ǎ	u	o
	kerven	carv	curven	corven
	sterven	starw	sturven	storven

III синф I синфчанинг феъллари бўлиниб кетган эдилар. Улардаги феълларнинг “i” ва “u” унлилари “ld” “nd” ва “mb” олдида чўзилган эди.

III синф I синфга

(чўзилган)

i>ī	ǎ>ô	u>ū	u>ū
bīnden	bōnd	bounden	bounden
fīnden	fōnd	founden	founden

(чўзилмаган)

i	ǎ>ǎ	u	u
drinken	drank	dunken	drunken
winnen	wan	wunnen	wunnen

Қиска [ó] кўпинча [ǎ] га ўтган эди .

4)Қадимги инглиз [e] нинг ўрта инглиз чўзиқ очик [ê] торайиши ва [a]>[ū] ўтиши IV ва V синф феълларининг унлиларнинг ўзгаришига олиб келди .

IV синф феъллари

Қ.инг ë>ўрта инг ê	Қ.инг a>ўрта инг ǎ	e>ê	ö>ô
bêren	bar	bêren	bôren
têren	tar	têren	tôren

V синфнинг баъзи бир феъллари тўртинчи негизнинг [ê] ни [ô] га алмаштирган эди.

ë>ê	ǣ>ǎ	ē>ê	ë>ê
sp(r) êken	sp(r) ak	sp(r) êken	sp(r)êken spoken
êten	at	êten	êten

Ўрта инглиз даврининг ўртасида очик урғули бўғинларда қичқа унлилар чўзилган эди. Шунинг натижасида IV, V, VI синф биринчи негизида , II, IV, V синф учинчи негизида ва II , IV – VI синф тўртинчи негизида ўзгарган эди. Мисолларни юқорида кўришимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган ўзгаришлар негизларнинг мослашинувига олиб келган эди

Кучли феълларнинг ўрта давр инглиз тилидаги шакллари қуйидагича кўриниш олди.

инфинитив	Ўтган.зам.бирлик	Ўтк.зам.кўплик	Сифатдош II	
I синф wrīten	wrōt	writen	writen	to write

rīden	rōd	riden	riden	to ride
II синф chēsen	chēs	chōsen	chōsen	to chose
III синф drinken winnen helpen kerven	drank wan halp carf	drōnken wōnnen holpen corven	drōnken wōnnen holpen corven	to drink to win to help to cut
IV синф bēran stēlan	bar stal	bēren, bar stēlen, stal	bōren stōlen	to bare to steal
V синф gēten	gat	gēten, gat	gēten	to get
VI синф shāken drāken	shōk drough, drew	shōken drōwen, drewen	shāken drāwen	to shake to draw
VII синф fallen hōlden wēpen	fell hēld wēp	fellēn hēlden wēpen	fallen hōlden wēpen	to fall to hold to weap

Кучсиз феъллар

Ўрта инглиз тили даврида кучсиз феълларда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Урғусиз буғунлардаги унлиларнинг кучсизланиши натижасида бир синфдан иккинчисини фарк қилувчи белгилар йўқолди ва феълларнинг битта шаклга бирлашишига олиб келди.

	Қадимги инглиз	тили даври	Ўрта	инглиз	тили	даври
синф	инфинитив	Ўтк.зам.кўплик	инфинитив	Ўтк.зам.кўплик	инфинитив	Ўтк.зам.кўплик
I	belāefan	belādon	beleven	belevden	beleeve	beleevede
II	locīan	locodon	loken	lokedēn	looke	lookede
III	libban	lifdan	liven	livden	live	livede

Қуйидаги таблицада ушбу кучсиз феълларнинг ўзгариши мисолларда келтирилган.

Ушбу кучсиз феълларнинг бир гуруҳига суффиксация бўлиши натижасида кучли феълларга қараганда кўпчиликини ташкил эта бошлади. Ўша даврда тилга кирган янги феъллар ҳам ушбу гуруҳга қўшилишди.

Шу билан бирга ушбу гуруҳ феълларининг баъзиларида янгича ўзгаришлар ҳам содир бўлди. Масалан ўзаги –l, -n, -ld, -nd, -rd билан тугайдиган феъллардаги –de суффикси – te га айланди.

Қадимги инглиз тили даври			Ўрта инглиз тили даври		
инфинитив	Ўтк.замон.	Сифатдош II	инфинитив	Ўтк.замон	сифатдош II
fēlan	fēlde	fēl(e)d	felen	felte	felt
lānan	lānde	lān(e)d	lenen	lente	lent
sendan	sende	sended	senden	sente	sent

Претерито-презент феъллар системасидаги ўзгаришлар.

Ўрта инглиз тили даврига келиб претерито-презент феълларининг товуш тузилиши тилдаги умумий фонетик ўзгаришларга биноан ўзгарди.

Масалан: wāt > wot

āz > owe

sceal > shal

Феъллардаги шахс-сон қўшимчаларининг редукцияси.

Ўрта инглиз тили даврида феълнинг шахс-сон қўшимчалари қуйидаги ўзгаришларга юз тутди.

1. Урғусиз буғундаги унлининг га кучсизланиши феълдаги шахс-сон қўшимчалардаги фаркнинг йўқолишига олиб келди.
2. Шахс-сон қўшимчаларининг йўқолиши натижасида товуш алмашинувига кировчи феъллар системаси суффиксли феъллар гуруҳига ўтди.

сон	шахс	Қадимги инглиз тили даври	Ўрта инглиз тили	даври
Бирлик	I	telle	telle	telle
	II	tellest	tellest	tellest
	III	telleþ	telleth	telles
кўплик		telleþ	tellen	telle

Янги замон шакллариининг пайдо бўлиши.

Қадимги инглиз тили даврининг охирларига келиб перфект, келаси замон ва мажхул нисбат шакллариининг аналитик формалари пайдо бўла бошлади. Аммо ушбу даврда бу шакллар грамматикалашув жараёнида бўлиб, эркин синтактик бирикма сифатида қаралар эди. Ўрта инглиз тили даврига келиб ушбу шакллар тўла грамматик шаклга эга бўлишди.

Биз ушбу жараённи қуйидагича изохлашимиз мумкин:

1. bēon, habban, sculan, willan феълларининг бошқа турли феъллар билан бирикиб қўлланилиши натижасида ушбу феъллар ўзларининг лексик маъноларини йўқота борди ва ушбу жараён XIII–XIV асрларга келиб ўз ниҳоясига етди. Мисол учун “that hem hath holpen...” «уларга ёрдам берган» гапида hath феъли ўзининг «бор бўлмоқ» лексик маъносини тўлалигича йўқотган.
2. bēon, habban феъллари билан бирикиб келадиган сифатдош конструкцияси, қўшимчалардаги умумий редукция таъсири натижасида род, шах-сон, келишик шакллариини йўқотди ва мураккаб феъл шакллари таркибига киради. Ушбу жараёнлар натижасида юқорида келтирилган конструкциялар феълнинг замон грамматик шаклига айланди.

Пассив шакллари ҳам ўрта инглиз тили даврига келиб ҳосил бўлди. Маълумки пассив шакллари фаҳатгина ўтимли феъллар билан ясалиши мумкин. Шундай қилиб пассив шакли ўрта инглиз тили даврига келиб to be+ сифатдош II шакллари орқали ясала бошлади. Ўрта даврда перфект маънони ифодалаган пассив шаклдаги баъзи ҳолатлар ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. Масалан: He is gone- у кетди.

Shall, will феъллари инфинитив билан бирикиб келган ҳолатда ўзларининг модал маъносини йўқотиб, грамматикалашув жараёни натижасида келаси замонни кўрсатувчи шаклга айланди.

Ўрта инглиз тили даврида шунингдек continuous шакли ҳам пайдо бўлди. Яъни ушбу шакл нутқ моменти пайтида давом этаётган иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланила бошлади ва to be + сифатдош I шакли орқали ясалар эди. Ушбу bēon + сифатдош I қадимги инглиз тили даврида ҳам давомийлик ҳолатини ифодалаб келган.

(O.E) ealle þā woruld on hiora āzen Ʒewill onwendende wāron nēah C wintra (they all were (destroyers) destroying the world).

(M.E) Syngynge he was or floytynge al the day. (He was singing or playing the flute all day long)

Perfekt Continuous шакли ўрта инглиз тили даврида жуда кам учрайди.

We han ben waytinge al this fourteninght. (We have been waiting for fourtnight (two weeks)).

Мавзуга оид саволлар.

1. Ўрта инглиз тили даврига келиб от категориясида қанақанги муҳум ўзгаришлар рўй берди?
2. Род категориясининг йўқолишига асосий сабаблар нимада эди?
3. Ўрта инглиз тили даврига келиб олмош категориясида қанақанги ўзгаришлар содир бўлди?
4. Ўрта инглиз тили даврида кўрсатиш олмошлари қандай кўриниш олди?
5. Ўрта инглиз тили даврида феълдаги шахс-сон қўшимчаларининг йўқолишини қандай изоҳлаш мумкин?
6. Ўрта инглиз тили даврида феъл тусланиши қандай ўзгаришларга учради?

Маъруза IX

Янги инглиз тили даври.

Инглиз миллий тилининг ҳосил бўлиши ва ривожланиши.

Янги инглиз тилининг фонетик системаси.

Режа.

1. Янги инглиз даврининг тарихий очерки.
2. Инглиз адабий тилининг ривожланиши.
3. Янги инглиз тили даврининг орфографик тузилиши.

4. Унлилар системасидаги ўзгаришлар (унлиларнинг буюк силжиши.”The Great Vowel Shift”)

Таянч иборалар.

Тил нормаси, унлиларнинг буюк силжиши, сирғалувчи ундош товушлар, ундошлар тушиши, ассимиляция.

1. Инглиз миллий тилининг XVI-ва XVII-асрларнинг бошидаги тараққиёти.

XVI- аср Англияда капитализм Айни бир вақтда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, саноат ва қишлоқ хўжалигида, савдо ва денгиз кemasозлигида ҳам катта муваффақиятларга эришилмоқда эди. XVI- аср Англия учун капиталистик манфактуранинг гуллаб яшнаган , аграр ўзгаришлар бошланган, инглиз савдогарларининг океанларни кеза бошлаган, дастлабки инглиз мустамлакаларига асос солина бошланган давр эди.

Англия халқ хўжалигининг юксалишига ва унинг капиталистик асосидаги қайта қурилишга иккита тарихий фактор ёрдам берган эди; 1) буюк жуғрофий кашфиётлар; бу кашфиётлар натижасида Англия эски Дуне билан янги дунё ўртасидаги янги жаҳон йўлларининг маркази бўлиб қолган эди, ва 2) Англияда феодализмнинг жуда бузилиб кетганлиги, крепостной ҳуқуқнинг илк йўқотилганлиги мовут саноатининг ривожлана бошлаганлиги, мамлакатнинг жуда тез марказлашиши ва қуйи феодал табақалари ташкил топаётган буржуазия билан яқинлаша бошлаганлигидир.

Мовут саноати XVI асрга келиб, Англиянинг “миллий саноатига” айланди. Аҳолининг ярмидан кўпроғи шу саноат билан банд эди. Мовут тўқиш билан шаҳарлардагина эмас, балки қишлоқларда ҳам кўп шуғилланар эди. Мовут саноатининг кўпроқ тарқалган шакли мануфактура эди.

XVI- асрда Англияда “тарқоқ” мануфактураларининг сони яна ҳам кўпроқ эди, чунки бунинг натижасида бутун- бутун қишлоқлар йўқ бўлиб кетаётган эди. Кўплаб одамлар шаҳарларга иш ахтариб кетишга мажбур эдилар. Яна ўша XVI-аср охиридаги манбанинг бирида шундай дейилади; “Мовутчилар минглаб одамларга иш берар ва бу билан ўзлари жуда бойиб кетар эдилар” дейилади.

XVI асрда Англияда саноатнинг бошқа тармоқларидан кончилик темир, кўрғошин, мис қазиб чиқариш анча ривожланган эди. Ниҳоят XVI асрда Англияда ишлаб чиқаришнинг ўрта асрларда бўлмаган янги турлари; шиша саноати, совун ишлаб чиқариш, порох ясаш, ёзув қоғози ишлаб чиқариш ва бошқалар тез ривожланиб бормоқда эди. Ишлаб чиқаришнинг бу турлари ҳам мануфактура шаклида эди.

Шу воқеалар ҳаммаси Англия маданиятининг ва инглиз тилининг тарақиётида муҳим рол ўйнади.

Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан инглиз тилида янги сўзлар пайдо бўла бошлади. Инглиз тили янада бойиб борди. Ҳамма асарларда Лондон шеваси ишлатила бошланди. Қолган шеваларда эса оғзаки шаклда сақланиб қолди.

Ўн олтинчи аср Англия тарихида капитализмнинг ўйғониш асри бўлиш билан бирга, инглиз маданиятининг ғоят гуллаган даври ҳам эди.

XVI асрда айниқса инглиз адабиёти билан театри гуллаб яшнади.

Фрэнсис Бэкон (1561-1626) фалсафанинг янги йўналишини элмиризмнинг асосчиси бўлди. Шунини айтиб ўтиш керакки XVI аср нафақат Англияда балки Европанинг бошқа мамлакатлари адабиёти, санъатининг ривожланиш даври ҳисобланади. Ана ўша даврда инглиз адабиёти янги ва янги асарлар билан бойиган эди. Шулар ичида бутун жаҳонга машҳур буюк драматург Вильям Шекспир (1564-1616) эди. Шекспирнинг замондошлари Кристофер Марло, Бен Джонсон, Джон Флетчер, Спенсер ва бошқалар инглиз тилининг тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Шу тил эгаларининг ҳаммаси учун тушунарли бўлган бир хил талаффуз ва Орфография соҳасидаги хилма хиллик ҳам XVI асрдаёқ инглиз тили талаффузи ва орфография масалаларига ҳамда грамматик хусусиятларига бағишланган ишларнинг майдонга келишига сабаб бўлди.

Шунақа асарлардан энг биринчиси Солсбери томонидан 1547 йилда ёзилган трактати эди.

Ўша даврда ёзилган кўпгина лингвистик асарларда кўпгина хатолар ва қарама қаршиликлар бор эди. Аммо шунга қарамасдан ўша даврда инглиз тилини нормалаштириш бошланган эди.

XVI асрдан бошлаб инглиз миллий тилининг бошқа мамлакатлирга ҳам тарқала бошлади. Масалан 1584 йилда протестантларнинг катта гуруҳи Амеркага жўнаган эди. Улар Атлантик океанини кесиб Янги Англия ҳудидига тушган эди. Бу экспедиция муваффақиятсиз бўлди, чунки протестантлар бир бири билан уришиб қолишлар, касалликлар, очликка дуч келишди.

Кўп вақт ўтмасдан 1620 йили “Mayflower” кемасида Амеркага бир гуруҳ эмигрантлар етиб келишди ва улар шу ерда қолиб кетишди.

Кейинчалик Ирландияда революция бостирилгандан сўнг инглиз тили Ирландияга ҳам тарқалди.

Инглиз миллий тилининг XVII ва XVIII асрнинг биринчи ярмидаги тараққиёти.

Ўн еттинчи асрнинг биринчи ярмида капиталистик ишлаб чиқаришнинг шакллари етилган эди. Саноат ишлаб чиқаришининг янги ва янги тармоқлари: қоғоз

ишлаб чиқариш, темир эритиш, кўмир қазиб олиш ва бошқа саноат турлари тез ривожлана борди.

Ташқи савдонинг ривожланиши ва мустамлака мамлакатларнинг кўпайиши натижасида кемасозлик ҳам ривожланди. Қишлоқ хўжалигида ҳам янги ҳодисалар кўрина бошлади.

1642-1648 йилларда Англияда фуқоролар уруши бўлиб ўтди. Бу уруш қирол армияси ҳамда парламент армияси ўртасида бўлиб ўтди. Ушбу урушда парламент армияси ғалаба қозонди ва 1649 йили Қирол I ўлдирилди ҳамда республика тузилди. Республика бошида генерал Кромвель турди. Республиканинг ғалабаси натижасида феодал муносабатлар йўқотилди ва буржуазия таркиби ташкил топди. Кромвель қирол билан уруш олиб борган айна бир вақтда Ирландияда 1641 кўзғолон бўлиб ўтган, ва кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди.

Республиканинг ғалабаси санат, адабиётга ҳам ўз тасирини ўтказди. Буржуазия ҳокимиятни ўз қўлига олгандан сўнг, адабиёт нормаларининг шаклланишига ҳам тасир эта бошлади, (яни қандай ёзиш, қандай гапириш).

1611 йилда қиролнинг буйруғи билан Библия инглиз тилига таржима қилинди. Бу иш прутан олимлари томонидан бажарилган бўлиб, Библия таржимаси оддий ва тушунарли эди.

Умуман шу даврнинг ёзувчилари, шоирлари содда ва аниқ тилда ёзишар эдилар.

Индивидуал шоирона стилни ўша даврда яшаган машҳур ёзувчи Мильтон яратган бўлиб, унинг асарларида грек ва библиянинг тасири кўринар эди.

Шу даврнинг иккинчи атоқли ёзувчиси Джон Бенъян эса ўз асарларида халқнинг оддий тилида ижод қилар эди.

Демак республика даврининг умумий хусусияти шунда эдики, яъни тил, адабиёт умуман санъат оддий халқ учун тушунарли эди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмади. 1660йилда Стюартлар қироллик династияси қайта тиклангач. Карл I ўғли Карл II Франциядан қайтиб келиб ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мамлакатда яна француз тили ва француз маданияти ҳукумронлик қила бошлади, чунки Карл II ҳокимиятни французлар ёрдамида қайтариб олган эди.

Лекин ўша вақтдаёқ пуританизмнинг янги тўлкини яна бир маротаба кўтарилди. 1667 йилда Томас Спрэт томонидан ёзилган “History of the Royal Society” деган асарида француз тилидан инглиз тилига француз сўзларининг киришига қарши чиқган эди. Спрэт ўз асарида оддий, аниқ тилга қайтишни талаб қилган эди.

1668 йилда “Шонли революция” бўлиб ўтган эди ва бунинг натижасида капиталистлар ва савдогарлар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. XVII асрнинг буржуа революцияси инглиз абсолютизмни йўқ қилди.

XVII асрнинг иккинчи ярмидан тилни ва тил қоидалари соф холича, бузилмасдан сақлашга жуда катта риоя қилиш оқими ғалаба қозонди.

Шу оқимнинг энг биринчи намоёндалари Жон Ивлин, Жон Драйден ва Ричард Стиль “The Spectator” (Томашабин) журналини нашр этишди. Шу журналда инглиз тилига бағишланган кўп мақола ва очерклар чиқар эди.

1725 йилда Шекспирнинг асарлар тўпламини нашр этилиши қарор қабул қилинган эди. Бу иш Александр Поунга топширилган эди. Поун эса Шекспир асарларини бузишга ҳаракат қилган эди.

XVIII- асрнинг бошларида ҳокимият бошқаришининг янги типи, инглиз парламент системаси пайдо бўлди. Бунинг хусусиятларидан бири министирликнинг парламент олдида жавобгарлигини ва министрларининг палатадаги сиёсий ҳоким партиядан тайинланиши эди.

XVIII-асрнинг бошида иккита сиёсий партия бор эди: виглар партияси ва тори партияси эди.

Виглар партияси йирик савдо ва банк аристократларининг манфаатдори эди. Тори партияси эса дворянлар ва инглиз руҳонийларининг манфаатдори эди.

Ушбу вақтларда инглиз миллий тилининг ташкил топиши ниҳоясига етган эди. Инглиз тил нормалари грамматикага оид асарларда мустаҳкамланган эди.

Шунингдек, инглиз тилининг миллий тил бўлиб шаклланишига Уильям Кэкстон (1422-1491)нинг англияга китоб босмахонасини киритиши бўлди.

1643 йилда Чарльз Батлернинг “Инглиз грамматикаси” (English grammar) асари нашр этилди. 1653 йилда Жон Уоллис “Grammatica Linguae Anglicanae” номли асарини ёзди.

1724 йилда Вильям Тэкрнинг “Rules for True Spelling and Writing” номли асари нашрдан чиқди. Ушбу асарида автор инглиз сўзларининг талаффузи ва ёзилишидаги фарқларни кўрсатган эди.

Бундан ташқари шу вақтда кўп луғатлар чиқган эди, масалан Самуэль Жонсоннинг машҳур луғати.

XVIII асрда ташқи савдо натижасида инглиз буржуазияси янги ва янги мустамлакаларга эга бўлган эди. Шу асрдан бошлаб инглиз тили бутун дунёга тарқала бошлади. Аввало Корнуэлда, Уэлсда, кейинчалик Ҳиндистонда, Австралияда, Африкада ва етти йиллик уруш натижасида Канадани қўлга киритди ва инглиз тили ушбу мамлакатларга тарқалди.

2. Инглиз миллий тилининг ҳосил бўлишида, адабий тил шакллари нормалаштириш, китоб босмахонасининг киритилиши мустаҳкам орфографик нормаларни талаб қилар эди. Китоб нашр этишнинг бошланиши инглиз тили орфографияси жараёнининг бошланишига сабаб бўлди. Биринчи босмаларда Кэкстон томонидан киритилган товушларда ноаниқлик мавжуд эди. Масалан: чўзиқ [o:]дан келиб чиққан [u:] Кэкстон баъзан **oo** билан ифодаласа баъзан **o** билан ёзган. **booke, boke**

Шунингдек аффиксларнинг ҳам турлича ёзилишини кузатишимиз мумкин. Масалан Ўткан замон шакли қўшимчаси **—ed, -id, -yd** каби орфографик белгилар билан берилган. **usid, concluded**

Отларнинг кўплигини ясовчи аффиксларда ҳам, турлилик мавжуд бўлган. Масалан: **-es, -ys. eggies, eggys**

XVI-XVII асрларга келиб инглиз тили орфографиясига қисман ўзгаришлар киритилди. Масалан баъзи сўзларда е ҳарфининг тушурилиб ёзилиши бўлди.

To goe-to go, to lacke- to lack, to sleepe- to sleep ва бошқалар.

XVI-асрда сўз ўртасида қўлланиладиган у ҳарфи i ҳарфига ўзгартирилди.

ryche- rich, descrybe-describe, lyvyng-living

Шу билан бирга **—yng** қўшимчаси-ing қўшимчаси билан қўлланила бошланди.

Шунингдек XVI –асрда француз тилидан кирган сўзларда **aun** бўлган бўлса **u** тушурилиб ёзила бошланди.

To chaunge- to change, pleasaunt- pleasant ва бошқалар.

XV-XVI асрларда инглиз тили ҳаётида ўзига хос ҳодиса рўй берди, яъни кўпгина сўзларга лотин орфографияси киритилди. Бунинг сабаби француз тилидан ўзлашган сўзлар ва инглиз тилининг ассимиляциясидаги фарқлар бўлиши мумкин. Ўша даврда англияда лотин тилини билган шахслар кўп эди. Лотинлаштириш асосан, лотин сўзларидагидек сўзда йўқ бўлган ундош ҳарфларни қўшиш ёки унли ҳарфларни ўзгартириш орқали амалга оширган. Ушбу жараён асосан **b, l, p, s** ундош ҳарфлари киритилган, **b**-ҳарфи қуйидаги сўзларга киритилган; dette-debt, doute-doubt, suget-subject, sotil-subtle, **-c**- ҳарфи қуйидаги сўзларга киритилган; endite-indict, parfit-perfect, suget-subject, verdit-verdict. Ушбу сўзлар лотинча indictare, debitum, subjectus, subtilis, perfectus, verdictum ва бошқа сўзлар асосида ёзила бошланган. **l, p, s** ҳарфлари ҳам лотин сўзлари бўлмиш absaltus, falco, fallita, solidum, insula асосида қуйидаги сўзларга киритилган; assaut-assault, faucon-faulcon, faut- fault, soudior-souldier, deceit-deceit, receit-reciept, conceit-concept, iland-island ва бошқалар.

Шунингдек француз тилидан ўзлашган баъзи сўзларга лотинча **ad-** префикс қўшилиб ёзилиши қабул қилинган; aventure-adventure, avys-advice, avance-advance, avauntage-advantage.

ens- ва **es-** префикслари лотинча ex- префикси билан ўзгартирилган; ensample-example, eschange-exchange.

en- прфикси in- префиксига ўзгартирилган; enform-inform, encrease-increase.

Француз тилидан ўзлашган сўзларда кенг тарқалган -cioun,-суон суффикслари лотинча -tion (tionem) суффикси билан алмаштирилган.

Шундай қилиб XV-XVI асрларда инглиз тили орфографиясида анча ўзгаришлар содир бўлди, ва натижада орфография системаси товушлар системасидан анча йироқлашди.

Унли товушларнинг буюк силжиши (ўзгариши) (The Great Vowel Shift)


Инглиз тили унлилар системасидаги ўзгариш тилшунослик адабиётларида The Great Vowel Shift номини олган. Ушбу унли товушлар системасидаги ўзгаришлар жараёни, Суит ва Есперсон фикрича XVI- асрда бошланиб XVIII-асрда ниҳоясига етган. Ушбу ҳодисанинг моҳиятини, барча чўзиқ унлилар торайган, қисқа унлилар дифтонглашганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Унли товушларнинг буюк силжиши ўрта инглиз ва янги инглиз даврларнинг чегарасида бўлиб ўтиб, инглиз тили тарихида жуда катта аҳамиятга эга.

Бу ҳодиса натижасида ўрта инглиз тили унли товушлари тамоман ўзгарган эди, чўзиқ унлилар-торайган, тор унлилари [i:] ва [u:] эса дифтонглашган эдилар.

[i:>aI] [u:>au]

Унли товушларнинг буюк силжишини қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин.



Бу таблицадан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидагича кўриниш олган:

1.Ўрта-инглиз чўзиқ очик e (қадимий инглиз æ ва ea) ёпиқ e ўтган эди. Шу унли учун XVI асрда ea ёзилиши киритилган эди. "ea" бу унлини бошқа бир ўрта-инглиз e унлисидан ажратиш керак эди. Иккинчи e силжишга асосан I ўтган эди ва ёзилишида "ee" берилар эди.

Лекин XVII асрда биринчи е ҳам [i:] деб таллафуз этилар эди . Шундан буён ”ea” “ee” ёзила бошлади. Ёзиладиган фарқлар фонетик маъносини юқотган эди, ва талаффузи фарқ қилмайдиган отларни ажратилиши учун ea, ee усули билан қўлланила бошлади. Масалан: “meat” гўшт “meet” учрашмоқ .

Se [sɛ:] > sea [sɛ:] > sea [si:]

Ete [ɛ:tə] > eat [ɛ:t] > eat [i:t]

Баъзи бир сўзларда ўрта инглиз ё силжиши ҳодисасига кўра [i:] ўтган, ёзилишида ”u” орқали берилган эди: field , chief ёки “ei” , seize , receive.

2. Ўрта инглиз тили даврига ўтишнинг бошларида, яъни XV–асрнинг бошларида лондон шевасида [o:]>[u:]>[e:]>[i:]га ўтган.

Roof [ro:f] > [ru:f]

Cool [ko:l] > [ku:l]

We [we:] > [wi:]

Feele [fe:l] > [fi:l]

Қадимги [a]дан ҳосил бўлган [a:] тил олди [æ:]га кейинчалик [e:]га ва XVIII–асрга келиб [ei] дифтонгига айланган.

Take [ta:k] > [tæ:k] > [te:k] > [teik]

Shake [ʃa:k] > [ʃæ:k] > [ʃe:k] > [ʃeik]

3. Ўрта инглиз тили давридаги [i:] XV–асрда [ei]дифтонгига айланди. Ушбу жараён кенгайиб [æi]га ўтди ва XVII–аср бошларида [ai]дифтонгига ўтди.

Five [fi:v] > [feiv] > [faiv]

Like [li:k] > [leik] > [laik]

My [mi:] > [mei] > [mai]

Write [wri:tə] > [wreit] > [rait]

3. Ўрта инглиз тили давридаги [u:] XV-асрда [ou] кейинчалик [au] дифтонгига ўтди.

Town [tu:n] > [toun] > [taun]

Out [u:t] > [out] > [aut]

Ушбу ҳодиса [p]ва[m] лаб ундош товушлари олдида дифтонглашмаган.

Қ.инг. drūpa > ўрт. Инг droupen > янги.инг. droop

Қ. Инг. rūm > ўрт.инг. roum > янги.инг. room

4. Ўрта инглиз тили давридаги[o:] XVIII –асрга келиб [ou] дифтонгига ўтган.

rood[ro:d] > road[roud]

ston[sto:n] > stone [stoun]

Юқорида айтилганларга хулоса таъризида The Great Vowel Shift ҳодисасининг схемасини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

i: ----- ai o: -----u:

e:----- i: ɔ:-----ou

ɛ: -----i:

u: -----au a:-----ei

Янги инглиз тили даврининг бошларида қисқа унлиларда қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди.

[e] > [a] werre> war [war]

sterre > star [star]

[a] > [æ] cat [kat]> [kæt]

land [land] >[lænd]

[a] > [ɔ] was [was] > [wɔz]

want [want] > [wɔnt]
 run [run] > [rʌŋ]
 [u]>[ʌ]

Шунингдек янги инглиз тили даври боларида баъзи [ɪ] ва [ε:] чўзиқ унлиларниг қисқариши ҳам содир бўлди. Чўзиқ [u:] товуши [v], [d], [ð] товушлари олдида қисқа [ʌ] га айланди.

Blood [blo:d] > [blu:d] > [blʌd]

Mother [mo:ðer] > [mu:ð] > [mʌðə]

Glove [glo:v] > [glu:v] > [glʌv]

Ўрта инглиз тили давридаги [ε:] товуши [e:] га ва кейинчалик қисқа [e] ҳамда баъзи ҳолатларда [d], [θ], [t] товушлари олдида [i:] га ўтди.

deed [de:d] > dead [ded]

breed [bre:d] > bread [bred]

heed [he:d] > head [hed]

reden [re:den] > read [re:d] > [ri:d]

beten [be:ten] > beat [be:t] > [bi:t]

XVII-XVIII асрларга келиб чўзиқ [u:] товушини [k], [t], [d] товушлари олдида қисқа [u] га ўтди.

book [bo:k] > [bu:k] > [buk]

foot [fo:t] > [fu:t] > [fut]

stood [sto:d] > [stu:d] > [stud]

Аммо food [fu:d], mood [mu:d] каби баъзи сўзларда чўзиқ [u:] сақланиб қолган.

Янги инглиз тили даври давомида янги [a:], [ɔ:], [ə:] каби чўзиқ фонемалар пайдо бўлди. Чўзиқ [a:] ўрта инглиз тили давридаги [a] дан келиб чиққан бўлиб турлича ривожланди ва XVIII-асрга келиб [a:] фонемасига айланди. Ушбу ҳодиса асосан [f], [s], [θ], [r] товушлари сўз охирида келганда, ўша ундош товуш олдидаги [a] ўзгарди.
 pas [pas] > [pæ:s] > [pa:s]

after [after] > [æ:fter] > [a:tə]

Аммо АКШда шунга ўхшаш ҳолатларда [æ:] сақланиб қолган, pass [pæ:s], after [æ:fter].

Ўрта ингиз тили давридаги [a] лаб [l], [m] ёки [f] ундош товуш бирикмалари олдида келганда, аввалам бор [au] дифтонгига ўтган ва [l], [u] товушларининг тушиши натижасида [a:] чўзилган.

calm [kaulm] > [kaum] > [ka:m]

caulf [kaulf] > [kauf] > [ka:f]

Янги инглиз тили давридаги чўзиқ [ɔ:] бир неча унлиларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган.

cauze [kauzə] > [kauz] > [kɔ:z]

draw [drau] > [drau] > [drɔ:]

talke [talkə] > [taulk] > [tɔ:k]

thoughte [θouxtə] > thought [θaut] > [θɔ:t]

broughte [brouxtə] > [braut] > [brɔ:t]

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўрта инглиз тили даврида [ai], [ei], [au], [ou], [eu] дифтонглари вужудга келган эди. Янги инглиз тили даврига келиб ушбу дифтонглар қуйидагича ривожланди.

[ai] ва [ei] дифтонгларининг ривожланиши.

XIII-аср XIV-аср XV-аср XVII-аср

dai [dai] > day [dæi] > [dæ:] > [dai]

wey [wei] > way [wæi] > [wæ:] > [wei]

[au] дифтонги юқорида таъкидланганидек монофтонгга айланди.

[ou] Дифтонги эса куйидагича ривожланди.

XIV-аср XV-XVI-асрлар XVIII-аср

snow[snou] > [snɔ:] > [snou]

know[knou] > [knɔ:] > [nou]

Ўрта инглиз тили даври [eu]дифтонги, ўрта инглиз тили даврининг охирларида [iu]га ва XV-асрда эса [ju:]дифтонгига ўтди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки ўрта инглиз тили давридаги [y:](француз тилидан кирган) товуши ҳам [ju:]га ўтди.

XIV- аср XV-аср XVI-аср

knew[knui] > [knju:] > [nju:]

new[niu] > [nju:] > [nju:]

duke[dy:kə] > [dju:k] > [dju:k]

use[y:zə] > [ju:z] > [ju:z]

Янги инглиз тили даврига келиб (урғусиз) сўз охиридаги урғусиз буғунда турган унли[a:] дан [i]га ўтди. Ушбу ходисани -age[idʒ], -ate[it]суффиксларида кузатишимиз мумкин.

XIV-аср XV-аср XVI-аср

village[vila:ʒ] > [vilæ:dʒ] > [vilidʒ]

private[priva:t] > [privæ:t] > [praivit]

Сўз охирида келган our[u:r]товуши нейтрал [ə]га ўтди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, юқоирда келтирилган The Great Vowel Shift ходисасидаги ўзгаришларда барча олимларнинг қарашлари бир хил эмас.

4. Янги инглиз тили даври давомида ундошлар системасида ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди.

1) Урғусиз буғунлардаги [f], [s], [θ]жарангсиз ундош товушлари жаранглашди.

2) [r] Ундош товуши вокаллашди.

3) Ундошларнинг тушиши.

4) Янги сирғалувчи ундош товушларнинг ҳосил бўлиши

XVII-асрга келиб сирғалувчи жарангсиз [f]ундоши [v]га, [s]ундоши жарангли [z]га, [θ]ундоши жарангли [ð]га ўтди.

Captif > captive[kæptiv]

motif > motive[moutiv]

was[was] > [waz] > [wɔz]

foxes[foksis] > [foksiz]

the[θe] > [ðə]

with[wiθ] > [wið]

Аммо [θ] сифат, феъл, от, сонларда сақланиб қолди.

thick[θ], thank[θæŋk], thought[θo:t], three[θri:].

[r] ундошининг вокаллашуви деганда [r] ўз олдидан келган унли билан бирикиб, ўша унли таъсирида чўзиқ унли товуш ҳосил қилишини тушинамиз. Демак [r]нинг вокаллашуви XVII-XVIII-асрларда содир бўлган.

XVI- аср XVII-XVIII-асрлар

bark[bark] > [ba:k]

harm[harm] > [ha:m]

turn[turn] > [tə:n]

term[term] > [tə:m]

here[hi:r] > [hiə]

Ундошларнинг тушиши ходисаси асосан XVI-XVII-асрларда бўлиб ўтди. Ушбу ҳодиса куйидагича кўриниш олган.

[mb], [mn] бирикмаларида [b] ва [n] тушган.

Ўрта инглиз тили даври Янги инглиз тили даври

climben[kli:mbən] > climb[kləim]

lamb[lamb] > lamb[læm]

[stl] бирикмасида [t] тушган.

Ўрт.инг.даври Янги инг.даври

whistlen[hwistlən] > whistle[wisl]

[stn] бирикмасида ҳам [t] тушган.

listnen[listnən] > listen [lisn]

fastnen[fastnən] > fasten [fa:sn]

[skl] бирикмасида [sl]га қисқарган.

muscle[muskl] > muscle[mʌsl]

XVI-XVII-асрлар давомида [kn], [gn], [wr] бирикмаларидаги [k], [g], [w] ассимиляцияга учраган.

Ўрт.инг.даври Янги.инг.даври

knyf[kni:f] > knife [naif]

gnat[gnat] > gnat[næt]

writen[wri:tən] > write [rait]

XV-асрда бошланган янги сирғалувчиларнинг ҳосил бўлиши XVII-асрга келиб тугади. Ушбу жараёнда [t], [d], [s], [z] товушлари янги сирғалувчи товушларни ҳосил қилди.

Ўрт.инг.даври Янги.инг.даври

translacyoun[transla'sjou:n] > translation[transleiʃn]

sure[sju:r] > sure[ʃuə]

pleasure[ple'zju:r] > pleasure [pleʒə]

divisioun[divizjun] > division[diviʒn]

nature [na'tju:r] > nature[neitʃə]

souldiour[soul'dju:r] > soldier['souldʒə]

Ҳозирги даврда ҳам сўзлашув нуткида ассимиляцияни кузатишимиз мумкин.

Масалан: would you...[wudʒu]

ā>ei га ўтиш силжиш эмас. Лекин бу ҳодиса силжиш билан жуда боғлиқ эди. Шу ҳодисани тўғри ва аниқ тушуниш учун бир нарсани назарда тутиш керак. Унли ā тил олди, ўрта ва тил орқа бўлиши мумкин.

Ўрта инглиз ā тил олди унли эди, Шунинг учун ҳам ā>aI га ўтиб кетган, чунки тор унлилар дифтонланган эди.

Аввало чет эл авторлари Суит ва Эсперсен ҳамда кейинчалик бизникилар силжишни XVIII асрда тамом бўлган деб ҳисоблашади.

Лекин Уайлд эса бу ҳодисанинг XVIII асрда эмас, балким XVI асрга келиб тузганлигини исботлаб берди.

Wild шу ҳодисани текширишида фақат тарихий ёзув ёдгорликларини эмас, балким тахминий хатларни, ҳар хил ҳужжатларни ва васиятномаларни кўриб чиққан эди. Бу эса катта далил эди.

Буюк силжишнинг сабаблари .

Силжишнинг сабаблари ҳозиргача ҳам маълум эмас. Шу процесс ҳақида кўпкина тортишувлар давом этаёпти.

Лунк фикрича, тораётган [e:] ва [o:] товушлари энг тор чўзиқ [i:] ва [u:] товушларни сиқиб чиққанлиги натижасида бошқа унлилар ҳам торайган. Эсперсеннинг фикрлари эса қарама – қарши. Эсперсен шундай деган эди, тор товушлар йўқ бўлгандан кейин, уларнинг ўринларин бошқа товушлар эгаллаган.

Ҳозирги фонологик терминлар билан айтганимизда Лунк ўзгаришларга (push-chain) яни сиқувни кўрган эди, Есперсен эса (drag chain) жозибани кўрган эди.

Лекин бу иккита изоҳлашлар буюк силжишнинг сабабларини очиб беролмайди. Бу сабабларни очиш учун Хорн, Мартинэ, чет олими Трика ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Лекин улар ҳаи охиргача бу процессни тушунтириб беролмадилар .

Шу процесс сабабларини очиш учун тарихий фонология фани позициясидан қараш керак, яъни фақат бу процесс **ўзгинасини қарамасдан** балким унгача бўлган ва ўзидан кейин тилнинг фонетик системасини ҳам кўриш керак .

Мавзуга оид саволлар:

1. Инглиз адабий тилининг ривожланиши асосан нима билан боғлиқ?
2. Янги инглиз тили даврига келиб инглиз тили орфографиясига ўзгартириш киритилишига нима сабаб бўлди?
3. Янги инглиз тили даврида инглиз адабий тилининг ривожланишига ҳисса қўшган шахслар кимлар?
4. Янги инглиз тили даврига келиб қанақанги янги монофтонглар ҳосил бўлди?
5. Янги инглиз тили даврига келиб қанақанги янги дифтонглар ҳосил бўлди?
6. Янги инглиз тили даврида ундошлар системасида қанақанги ўзгаришлар содир бўлди?

Маъруза X

Тарихий синтаксис

Режа

1. Қадимги инглиз тили даврида сўз тартиби.
2. Ўрта инглиз тили даврида сўз тартиби ва унинг ривожланиши
3. Янги инглиз тили даврида сўз тартиби.

Таянч иборалар.

Синтетик тил, аналитик тил, морфологик белги, синтактик функция, предикатив конструкция, предикатив конструкция, коррелятив бирикма.

Қадимги инглиз тили синтетик тиллар гуруҳига кирган бўлиб, морфологик белгилар кенг миқёсда қўлланилиб, бирор сўзнинг гапдаги бошқа сўзларга бўлган муносабати ўша сўз шакли орқали бериш мумкин бўлган. Шунинг учун ўша даврда сўз тартиби асосийўрин тутмаган. Бу дегани, гапдаги сўз тартиби эркин бўлган. Мисол учун эга гап бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам турган, аммо синтактик функцияга таъсир этмаган. Лекин шундай бўлсада, гапдаги сўз тартибини икки ҳолатини, яъни эга ва кесимнинг жойлашиш тартибини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- 1) Агарда гап бошида гапнинг иккинчи даражали бўлаклари турмаса одатда эга кесимдан олдин келган.

Ælfred cyniŋ hāteþ ʒrētan Waerferþ biscep. (King Alfred odered to greet the bishop Werferth).

Ушбу мисолда cyniŋ аниқловчиси билан келган Ælfred гапнинг эгаси hāteþ кесимидан олдин келган.

- 2) Агарда гап бошида гапнинг иккинчи даражали бўлаклари турган бўлса, у ҳолда эга кесимдан сўнг қўлланилган.

Ƣa siʒlde hē Ƣonan sūðrihte be lande (then he sailed from the place to the Southern lands)

Бу мисолда hē гап эгаси siʒlde кесимидан кейин келган.

Баъзи ҳолатларда ҳол вазифасида келган сўзлар эга ва кесим ўртасида ҳам қўлланилиб сўз тартибини бузган. Бундай ҳолатни синтетик сўз тартиби деб аташади.

Beornas gearwe on stefn stizon. (Warriors on armours went on the nose of the ship.)

Бу мисолда Beornas (жангчилар) гапнинг эгаси ва stizon (чикмоқ) кесими ўртасида on stefn (кема тумшуғи) ўрин холи турибди.

Гапнинг сўроқ ва инкор шакллари.

Қадимги инглиз тили даврида сўроқ шакл кесимнинг эгадан олдинга ўтиши орқали ясалган.

Hwæt sceal ic sinzan? (What shall I sing?)- Нимани куйлашим керак?

Hwanon ferizeað 3ē fætte scyldas? Сиз бу мустаҳкам қалқонларни қаердан олиб келаяпсиз?

Ушбу мисолларда sceal-керак ва ferizeað- олиб келмоқ, феъл кесим ic-мен ва зē-сиз эгаларидан олдинга сўроқ шаклини яшаш учун қўйилган.

Инкор шаклини яшаш учун **ne** инкорни ифодаловчи юкламасини феълдан олдинга қўйиш орқали, ёки инкорни ифодаловчи олмошлар орқали ясалган.

nān-ҳеч ким nāht- ҳеч нарса

Инкор шаклларнинг замонавий инглиз тилидан яна бир фарқи, қадимги инглиз тили даврида бир гапда иккита инкор ишлатилган.

Ne con ic nāht sinan- мен ҳеч нарса куйлай олмайман.

Ушбу мисолда **ne** ва **nāht** иккита инкор битта гапда қўлланилган.

Қадимги инглиз тили даври инкор шаклининг яна муҳим томонларидан бири **ne** юкламаси ўзидан кейинги феъл билан қўшилиб кетган.

Ne habban- nabban ne hæfde-næfde ne wæs-næs

Қўшма гапларнинг тузилиши

Қадимги инглиз тили даврида содда гаплар билан бир қаторда қўшма гап ва эргашган қўшма гаплар ҳам қўлланилган. Қўшма гапларни боғлаш учун **u(and)** боғловчиси қўлланилган. Эргашган қўшма гаплар эса боғловчили ва боғловчисиз бир-бири билан боғланган. Боғловчили эргаш гаплар бош гап билан коррелятив усулда бошгап билан боғланган. Коррелятив усул асосан ҳол эргаш гапларни тобе қилишда қўлланилган. Коррелятив бирикмалар **þa....þa** қачонки.....да (когда....тогда), **sifþan** ...дан бери (с тех пор) пайт эргаш гапларни тобе қилишга қўлланилган.

Ас þa þæt wæter wæs ā hebbed ... þa ējdan þa Deniscan... Сув қайтиши билан данияликлар йўлга чиқишди.

Коррелятив **swā...swā** ...- учун (так...как) бирикмаси даража эргаш гапни тобе қилишга қўлланилган.

Þā wæs hē swā feor norþ, swā þa hwælhuntan firrest faraþ- тогда он находился так далеко на севере, как китоловы самое дальнее заехали.

Кўчирма ўзлаштирма гаплар

Қадимги инглиз тили даврида ўзлаштирма гаплар асосан **þæt** боғловчиси ёки боғловчисиз ҳосил бўлган.

Hē cwæþ þæt hē būde norþweardum- он сказал, что он живёт на севере.

Ic wēne wit sind ofers wīrde- я думаю, (что) мы побеждены.

Кўчирма гапдаги сўроқ гап ўзлаштирма гапга сўроқ сўзлари ёки **3if, hwæþer** боғловчилари ёрдамида ўгирилган.

Fræ3n, 3if him wære niht 3etæse-тун тинч ўтдими деб сўради.

Буйруқ гапоар ўзлаштирма гапга асосан **sculant** инфинитив бирикмаси ёрдамида ўгирилган.

Bēad þæt ælc man swā dōn sceolde-буни ҳамма бажариши буюрилди.

Ўрта инглиз даврида гап структурасида янги тенденциялар ривожлана бошлади, яъни қадимги инглиз тили даврига қараганда гап структурасидаги тартиб анча мустаҳкамланди. Бу тенденция келишиклардаги аффиксларнинг оммонимлашуви натижаси эди. Ўрта инглиз тили даврига келиб гап структурасида тартиб вужудга кела бошлади, яъни эга- кесим- воситасиз тўлдирувчи. Аммо ушбу тартиб ўрта инглиз тили даврида тўлалигича ўз ўрнини эгалламаган эди.

Ɓe kyng listned Ɓe swae- Қирол ҳикояни тинглади.

So hadde I spoken with hem everycohn- уларни ҳар бири билан гаплашиб чиқдим.

	Гармматик категориялар			
	майл	замон	нисбат	Аспект
	Қ.И. Ўр.и	Қ.и. ўр.инг	Қ. И. ўрт.инг	Қ.и. ўрт.инг
Феълнинг шахсли шакллари.	3 3	2 3	- 2	- 2
Феълнинг шахссиз шакллари	-	- -	- 2	- 2
Инфинитив	-	-	- 2	- -
-ing шакллари	-			

Қадимги инглиз тили даврида мавжуд бўлагн -in3, -un3 кўшимчалари орқали ҳосил бўладиган феълдан ясалган оддан ўрта инглиз тили даврига келиб герундий ажралиб чиқди. Маълумки герундий феъл системасига киради, аммо шу билан бирга отлик хусусиятларини ҳам сақлаб қолган.

For with her stroglynge wel and mightily the thief fel over board- у жон жаҳти билан яхши ташланганлиги учунми, ўғри бортдан йиқилди.

Ўрта инглиз тили даврига келиб янги синтактик мунособатлар вужудга кела бошлади.

Яъни қадимги инглиз тилидаги тушум, жўналиш келишик шакллари ўрнига бош келишикда предлогли бирикмалар қўлланила бошланди..

The moste parti of the people- халқнинг кўпчилиги.

Men moote yeve silver to the poure freres- камбағал монахларга кумуш бериш керак

Бундан ташқари **with, by** предлоглари ҳам бош келишик отлари билан қўлланилиши кенг тарқалди. Шунингдек гаплар ўртасидаги боғловчиларда ҳам бир қатор ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. Яъни биринчи навбатда қадимги инглиз тили давридаги баъзи коррелятив боғловчилари йўқолди. Масалан: қадимги ингиз тилидаги **þær...þær** ўрнига **wher[hwer]** боғловчиси, **þā...þā** ўрнига **whan[hwan]** кенг қўлланиладиган бўлди. (аммо ҳалигача баъзи коррелятив қурулмалар so...that, such...that сақланиб қолган.)

Янги инглиз тили даврига келиб синтактик қурулмаларда кўзга кўринарли ўзгаришлар юз берди. Ушбу ўзгаришларнинг бир қисми морфологик қурулмаларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Яъни бу феъл туркумидаги шахс-сон кўшимчаларининг йўқолиши, феъл, от, сифат сўз туркумларининг аниқ бир системага келиши(кучли, кучсиз шаклларнинг йўқолиши) билан боғлиқ эди.

Янги англиз тили даври бошларидаги яна бир муҳим ривожланишлардан бири бу предикатив конструкцияларнинг ҳосил бўлиши эди. Булар объектив предикатив конструкцияси (Objective Predicative Construction).

I would desire you to draw your knife and grave your name.

Субъектив предикатив конструкцияси (Subjective Predicative Construction)

He was reported to be a very uncontended person.

Сифатдошли абсолют конструкцияси (Absolute Participle construction) My flesh being troubled, my heart doth hear the spear.

Герундийли конструкция

...the very next day after his coming home departed out of this world to receive his reward in the Spiritual court of Heaven.

For-to инфинитивли конструкцияси (for-to with the Infinitive construction)

The descriptions whereof were too long for me to write, and you to read.

Ушбу предикатив конструкциялар турли манбалардан, яъни феълдан кейин воситасиз ёки предлогли тўлдирувчилардан кейин инфинитив ёки сифатдош келганда, отдан кейинги сифатдош аниқловчи вазифасида келганда, вербал от (verbal noun) эгалик олмоши ёки от билан бирикиб келганда, инфинитивли эллиптик гаплардан ҳосил бўлган. Лекин баъзи олимлар ушбу предикатив конструкцияларни лотин тили таъсирида ёки лотин тилидан ўзлашган деган фикрларни ҳам билдиришади ёки ҳисоблашади

XVI-XVII асрларга келиб адабиёт ва тилдаги ўсиш натижасида гап структураси анча мукаммаллашди. Шулардан бири, қўшма гаплардаги **and** тенг боғловчиси кўпроқ қўлланила бошлади, бошқа боғловчиларнинг маъноси кенгайди.

Мавзуга оид саволлар.

1. Қадимги англиз тили даврида сўз тартибининг эркин бўлишининг асосий сабаблари нимада эди?
2. Нима учун қадимги давр англиз тили синтетик тиллар гуруҳига кирган?
3. Қадимги англиз тили даврида сўроқ ва инкор шакллар қандай ясалган?
4. Ўрта англиз тили даврида сўз тартиби қай аҳволда эди?
5. Ўрта ва янги англиз тили даврларида англиз тилининг синтетик муносабатидан аналитик муносабатга ўтишининг сабаблари нимада эди?
6. Янги англиз тили даврида қанақанги предикатив конструкциялар пайдо бўлди?

Фонетик системасида бўлган асосий ўзгаришлар.

Чўзиқ унлиларнинг қисқариши

Ўрта-инглиз ё ҳамма пайтларда торайган эмас эди. Бир нечта сўзлар ё>е буюк силжишдан олдин қисқарган эди. Бу қисқариш кўпинча d, v ва th ҳарфлари олтидан учрайди.

Масалан :

Қ инглиз brēad> ўрта.инглиз brēd> янги инглиз bread

Қ инглиз brēath>ўрта.инглиз brēth> янги инглиз breath

f ҳарфи олдида е>е га қисқарган .

Ўрта инглиз ū (чўзик) d,th,t ва бошқа ҳарфлар олдида ū га қисқарган эди .

blood [b1u:d]>blood [u]

glove [glu:v]> glive [u]

XVII асрда ū (қиска) лабланишини йўқотиб [ʌ] га ўтди . Шундай қилиб қадимий инглиз blōd, glōf сўзлари Янги инглизда blood [b1ʌd] glove [glʌv] сўзларига ўтди .

XVIII асрда эса чўзик ū,қиска ū га [k] ва баъзи сўзларда тиш ундош товушлари олдида ўтган эди .

bōk> book [bu:k] > book [buk]

fōt> foot [fu:t] > foot [fut]

Чўзик ō > ou га th,ss,st олдида ўтмаган эди . cloth,cost,boss .

Бу қисқаришлар ёки силжишидан олдин ёки силжиш билан айна бир вақтда бўлган эдилар .

Кейинги г таъсири

Агар чўзик унлидан кейин г ундош товуши турган бўлса , шу пайтда силжишининг натижаси бошқачароқ бўлган эди . R нинг артикуляцияси олдиндан келаётган унли товушнинг очикроқ таллафузини олиб келади ва силжишнинг тенденцияси бўлган унли товушнинг торайишига тўсқинлик қилади .

Юқорида айтилганнинг далили бўлиб қуйидаги таблица бўлиши мумкин .

	орфогра	Ўр.инг	Янг.инг	орфогра	Ўрт.инг	Янг.инг
1	Date	dæ:t	deit	dare	d:rə	dær
2	Meat	mɛ:t	mi:t	tear tear	tɛ:r tær	tɪər tær
3	Meet ёпиқ	me:t	mi:t	beer	be:r	bɪər
4	Time	ti:mə	taim	tire	ti:rə	taɪər
5	Road	ro:d	roud	roar	ro:r	rouə
6	Pool	po:l	pu:l	poor	pu:rə	pu:ə
7	Mouse	mu:s	maus	pure	pur	pju:ə

Шу таблицадан келиб чиқадики, кейинги г унли товушнинг торайишига тўсқинлик туғдиради.

5.Мисолдан кўришимиз мумкинки дифтонлар, монофтонларга ҳам айланиши мумкин

.

Трифтонлар эса 4 ва 7 мисолда дифтонлар ва монофтонларга айланиши мумкин .

[taɪ[ə>taə>ta:.,paʊə>paə>pa:.]

Шу процеслар натижасида янги фонемалар[ɪə],[ə] ва [uə] вужудга келдилар

Урғусиз ”е” нинг тушиб қолиши

Янги инглиз даврининг бошида ”сўзнинг охиридаги е ” урғусиз пайтда тушиб қолар эди .

Бу ҳодиса, яъни “е” урғуси сўз охирида тушиб қолиши XIV асрда бошланиб XV тамом бўлган эди . “е” сўзнинг ёзилишида сақланади, аммо ўқилмайди .

hūs> house

Likes , tables

bān>bōne

wrāt> wrāte

s,sh,d,t кейин урғуси е сақланиб қолар эди .

houses, washes, asses

Баъзи сифатларда ҳам ”е” сақланиб қолган эди .

Ragged, dogged

Янги чўзик фонемаларнинг пайдо бўлиши .

Ўрат-инглиз даврида чўзик фонемаларнинг сони камайди, шунинг учун чўзик фонемаларининг тўлдириши зарурати пайдо бўлади . XVI-XVII асрларда янги чўзик фонемалар вужудга келади . [ɑ:], [ɔ:] ва [ə:]

1.Хозирги [ɑ:] фонемасининг пайдо бўлиши .

Янги инглиз [ɑ:] XVII асрнинг охирида вужудга келган эди . Бу товуш ўрта инглиз қисқа [ǣ:] дан келиб чиққан . XV асрда [ǣ:]> [æ:] . Жарангсиз сирғалувчи ва г олдидан æ>ɑ ўтган ва XVII аср охирида орқа товуш бўлиб қолиб [ɑ:] ўтган .

а) [ɑ:]<ǣ+r/

қ.инг earm > ўрта.инг arm> arm

қ.инг dēorc>ўрта.инг duk>dark

ит. all arme> фр.alarme >alarm

б) ǣ+жарангли сирғалувчи >[ɑ:]

қ.инг æflier > ўрта.инг after>after

қ.инг æscian>ўрта.инг asken>ask

қ.инг bæþ > ўрта.инг bath> bath .

қ.инг græs> ўрта.инг grass> grass

в) ǣ+l+лабланган ундош олдидан >[ɑ:]

XV асрда “а” ва “l” ҳарфдари ўртасида “u” пайдо бўлар эди , яъни “е” олдидан а>au га ўтган эди . Лабланган унли ва лабланган ундош мавжудлиги натижасида l товуши тушиб қолар эди . XVI асрда эса [u] товуши тушиб қолар эди ва ǣ>[ɑ:] ўтган эди .

қ.инг sealf>ўрта.инг calf>calf

қ.инг healf >ўрта.инг half>half

2) [ə:] пайдо бўлиши .

[ə:] фонемаси XVI-XVII асрларда пайдо бўлди ва унинг келиб чиқиши ҳар хил бўлган эди .

а) ǫ+r>[ə:]

қ.инг sceort > ўрта.инг short > short

қ.инг cōrn >ўрта.инг cōrn> янги.инг corn

б) au+l>[ə:]

Преломление натижасида вужудга келган қадимий инглиз [ǣа:] дифтонги ўрта инглиз даврида ǣ га ўтган . XV асрда ǣ >au ўтган . Бу ўтиш орфографияда ҳам акс эттирилди , чунки fall феом XV асрда ҳам fall (e) ҳам faull(e) ёзилар эди . Аммо оддий ёзилиши яъни fall(e) ғалаба қозонди . XVI аср иккинчи ярмида au>[ə:]

Қ.инг [ǣа:] ўрта.инг ǣ XV аср au хозирги

eal > all> all aul > all

ceallian > callen > calle,caulle, call .

[ə:] дан кейинги l ундоши тилорқа пртловчи [k] дан тушиб қолар эди .

қ.инг wealcan > walken >walk > walk .

в) au+x>[ɔ:]

Ўрта инглиз даврида ā била x ўртасида “u” бўлар эди , x тушиб қолиб “au” дифтонги пайдо бўлди . Кейинчалик au>[ɔ:]

қ.инг tāhte>ўрта.инг taughte [tauxte] > taught [tɔ:t]

г) au < ay

қ.инг drazan >drawan , draw

laZu > lawe > law

д) bu+[x] > [ɔ:] [x] тушиб қолиши натижасида

XIII аср

қ.инг böhte > boughte > bought

feaht > faughte > fought

е) ū+r>[ɔ:] Бу ҳодиса кўпинча ўзлаштирилган сўзларда учраб эди .

қ.инг ēower > ўрта.инг. your > your

фр. cours > ўртф.инг. cours > course

ж) w+ā+r >[ɔ:]

war, warm, warm.

XVII асрда [wa] [wɔ] га ўтган. Бу ҳодисани тушуниш жуда осон. Ундош товушнинг лабланган артикуляцияси таъсирида “а” ҳам лабланган товушга ўтиб кетади.

Аммо “а” дан кейин [k,g,N] товушлар турганида [wa] > [w] ўтмайди.

Масалан way [wæy] [wæk] wak ва бошқалар.

3) [ə:] унли товушининг пайдо бўлиши.

XVI асрда инглиз тилида янги унли товуш пайдо бўлади. [ə:] товушнинг пайдо бўлиши баъзи унли товушларнинг г олдидан ривожланиши билан боғлиқ эди . [ə:] унли товуши қуйидаги пайтларда вужудга келар эди .

1) î+r масалан fir [fə:], sir, firth

2) ě+r , her service , turtle (тошбақа)

3) ū+r , nurse , purpose (цель)

4) ð+r w дан кейин work , world.

5) ē+r, to earn , earnest

[er]>[ar] га ўтиш .

Бу процесс XIV асрда бошланиб XV асрда тугади . Бу ўтиш орфографияда акс эттирилмаган эди.

ar, ear, er

Лекин баъзи бир сўзларда бу ўтиш орфогарафияда ҳам акс эттирилади

Sterre > star

Heorte > heart

Ferm > farm

Қуйидаги сўзларда бу ҳодиса орфографияда (ёзилишда) акс эттирилмади .

clerk [ˈkɪlɑ:k] sergeant [ˈsɑ:]

Derby [ˈdɑ:bɪ]

Баъзи бир сўзларда [er] > [ar] га ўтмаган .

Certain, earnest, servan, universal, university.

Шу сўзлардан айримлари студентлик жаргонда қуйидагидек таллафуз этилади.

certain [sˈɑ:tn] perfectly [pɑ:fəkt]

Янги қисқа фонемаларининг пайдо бўлиши

Янги инглиз даврида янги қисқа фонемалари [æ] [ʌ] ва [ɔ] вужудга келган эди .

1. [a] > [æ] га ўтиш .

қадимги инглиз[æ] XII асрда [a] га ўтган эди. XVI асрда [a] қайтадан [æ] га ўтган эди .

Масалан: mæp, fat, matter .

Бу ўтиш фақат шунақа пайтларда бўлмаган эдики , қачонки [a] товуши олдидан “w” турган бўлса . Масалан “water”

2. [ū] > [ʌ] ўтиш

XVII асрда ū > [ʌ] ўтган

but, cut, hunt ёки come, love, son .

Бу товуш ўрта-инглиз даврида ɔ га эга бўлган сўзларда ҳам учрайди . Шу сўзлар қуйидагича ўзгаришлар бўлиб ўтган эди :

[o:>u:>u>ʌ]

Масалан ўрта-инглиз moneth [mo:nð>mu:nð>munð>mʌð]

blood [blo:d > blu:d > blud > blʌd]

[p,b,f] дан кейин [ʊ]>[ʌ] га ўтмаган

Масалан push , full, put, butcher .

3. [a] > [ə] га w дан кейин ўтиш

Бу ҳодисани юқодида кўриб ўтган эдик

was, water

Қадимги инглиз, ўрта инглиз ва янги инглиз даврларининг унли товушлар системасини кўриб чиққанимизда биз анча фарқларни кўришимиз мумкин.

1.Қадимги инглиз тилининг фонологик системаси чўзиқ ва қисқа товушларнинг бир бирига аниқ таққосланишига боғлиқ эди. Ҳамма қадимги инглиз унлилари, ҳам монофтонлар , ҳам дифтонглар бир бирининг миқдорига жуда боғлиқ эди.

Қадимги инглиз даврида ўнли товушларнинг миқдори на фонетик муҳитга, на бўғиннинг структурасига боғлиқ эмас эди.

Кейинчалик эса, янги ўрта инглиз ва янги инглиз даврида янги фонетик принциплар вужудга келади:

Фонеманинг миқдори ва сифати фонетик муҳитга боғлиқ эди. Шу принцип билан айна бир вақтда яна бир принцип вужудга келади, яъни унли товушнинг миқдори ва сифати бўғиннинг очик ва ёпиқлигига боғлиқ эди.

Ўрта инглиз ва янги инглиз даврларининг чегарасида бўлиб ўтган муҳим процесс, яъни унли товуш, биров силжиши, унли товуш системасида катта ўзгаришларга олиб келди, яъни унли товушларнинг миқдорига бўлган корреляция (бир бирига боғлиқлик) принциплари унли товуш сифатига бўлган корреляцияга олиб келди.

Янги инглиз даврининг консонантлари .

Консонантизмдаги асосий ўзгаришлар янги инглиз даврида бўлган эдилар, ва улар қуйидагича:

1.[x] товушнинг ривожланиши.

а) “t” олдидаги [x] тушиб қолар эди ва [x] дан олдинги унли чўзиларди .

Масалан : fight [fixt] > [fi:t]

[fait]

fought [foux] > [fo:t]

caught [kau] > [ko:t]

Орфографияда бу ҳодиса акс эттирилмаган эди .

б) Сўзнинг охирида [x]>[f] товушга айланар эди .

rough, enough, cough.

Бу ўтиш ҳам орфографияда икки сўздан ташқари кўрсатилмаган эди.

Масалан : tough, laugh

Лекин: draughts>draft

dwergh>dwarf

Баъзи пайтларда сўзнинг охирида [x] тушиб қолар эди .

Though, though, through.

Урғусиз бўғинларда сирғалувчи жарангсиз товушларнинг жаранглиларга айланиши

Бу ҳодиса XVI асрда бўлиб ўтган эди ва унинг натижасида

[f] [s] [θ] товушлари ва [tʃ] товушлари [v] [r] [ð] ва [ʃ] га айланган эдилар

Масалан [f]>[v]

Ўрта инг of>янги инг [əv]

Ўрта инг motif>янги инг motive орфографияда ҳам кўрсатилган

[s] >[z]

ўрта инг is>[ɪz]

was>[wəz]

as>[əz]

Бу кўмакчи сўзлар кўпинча урғусиз эди ёки 3 шахс бирлик, кўплик сон .

Ўрта инг landes > [lændz]

lyves> [1ɪvz]

Бу ўтиш кўмакчи сўзларда , яъни артикл, боғловчиларда ва олмошларда бўлиб ўтди.

Ўрт. инг the [θə]>the [ðə,ði]

That [pət]>[ðæt]

Thos [pôʊs]>those [ðouz]

Tham [pən]>then [ðen]

Лекин бу ўзгариш мустақил маънога эга бўлган сўзларда учрамайди, лекин бу сўзлар доим урғули.

Масалан : theatre, thirty, thin, thust .

[θ]>[ð]

ўрта инг knowleche > knowledge

Greenwich>Greenwich [ˈgrɪnɪtʃ]

Баъзи сўзларда [ks]>[ʃt] га урғусиз пайтда ўтган эди .

Anxiety [ænˈzaiəty] , example [ɪgˈzɑːmpl]

Кўплик сон формаларининг таррақиёти .

Қадимги инглиз тилининг кўплик соннинг формалари бир биридан анча фарқ қилар эди. Муж.род “а” – негизли отлар бош ва тушум келишикларида “as” кўшимчасига эга эди . Бу суффикс бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзларга кўшила бошлади . Масалан : лат. Vallum> wesllas.

Сред.род “а” – негизли сўздар кўплик сон бош ва тушум келишикларда “u” кўшимчасини қўшар эди. Аммо VIII асрдаёқ кўп бўғинли отлар ”u” кўшимчасини йўқотган эди ва кўплик туш ва бош келишиклари бирлик сон бош ва тушум келишиклари билан мос келган эди, яъни улар иккаласи ҳам бир ўзакка айланган эди, чунки суффикслари ва келишик кўшимчалари редукцияланган эди.

Қисқа бўғинли яъни ўзакида қисқа унлидан кейин битта ундошга эга бўлган отлар эса , кўплик сонда “u” кўшимчасини сақлаб қолган эди .

Жен.род “о” негизли ва “u” негизли уч род отлари кўплик сон бош ва тушум келишикларда ”а” кўшимчасига эга эди. “n” негизли уч род отлари ҳам кўплик сон бош ва тушум келишикларда ”an” кўшимчасига эга эдилар.

“as” кўшимчаси энг мустаҳкам ва энг аниқ эди. Қадимги инглиз тили даврида бошланган ҳар ҳил негизли турланиш системаси XII асрга келиб тугаган эди. Энди отлар родга кўра бўлинар эди. Шунинг натижасида as>es га а>en га ; а>es .

XIII асрда “es” суффиксини ишлатилиши кенг тарқалган эди. XV асрда “n” кўшимчаси тушиб қолиши билан “es” ривожланиб кўплик соннинг якка суффикси бўлиб қолади.

“(e)-s” суффиксининг таррақиёти .

Ўрта инглиз даврида негизлар системасининг тушкунлиги натижасида , “as” га редукция натижасида ўтган “as” суффикси , олдин бошқа негизли группаларга ткигили бўлган отларга ҳам тарқала бошлади .

Айниқса “es” суффикси марказий диалектларда тез тарқалган эди . Марказий диалектдан Лондон диалектига ўтган эди . Кейинчалик эса марказий диалектлардан тузилган инглиз миллий тилида ”es” суффикси кўплик сонни умумий суффикси бўлиб қолди.

XV асрда фақат озгина сўзлар кўплик сонда "en" суффиксини кўшар эди
Масалан: children , oxen , eyen , horsen .

XV асрда "es" кўшимчаси [əs] ёки [Is] деб таллафуз қилинар эди. Текстларда шунақа ёзилишларни учратиш мумкин : eggys ва eggес lordis ва lordes

XVI асрда "es" суффикси horse , eye , house каби отларга ҳам тарқалган эди, яъни eyes, horses , houses.

Шу асрда урғусиз пайтларда es [IZ] деб таллафуз этила бошлади.

XVI асрда урғусиз [ə] ва [I] тушиб қолган эди ва [r] эса ассимиляция натижасида [s], [z] ва [IZ] деб таллафуз этила бошланди. [k] нат [y ва r] нат

1)books 2) countries , wives

3 "en" суффиксини тарихи

Қадимги англиз кўплик сон "an" суффикси ўрта англиз даврида "en" га ўзгарган эди. Бу суффикс жанубий диалектларда кенг тарқалган эди.

Бу суффикс илгари бошқа негизли тегишли бўлган суффиксларга ҳам кўшилар эди .

Марказий диалектларда йўқорида кўрсатилгандай бу суффикс баъзи бир сўзларга кўшилар эди .

Ҳозирги замон англиз тилида эга бу суффикс фақат oxen сўзида қолган .

Ўзакли негизлартўрланишли отлар тараққиёти.

Қадимги англиз даврида отларнинг катта бир группаси бор эди . Бу группанинг отлари кўплик сонда негиз ясайдиган суффиксга эга эмас эди ва кўплик сон кўшимчаларини тўғри сўзнинг ўзакига кўшар эди. Турданишнинг бу типига уч род отлари ҳам кирар эдилар . Кўплик сон бош ва тушум келишикларида отлар "i" суффиксига эга эди . "i" суффикси эса тил олди перегласовкасига олиб келиб тушиб қолган эди . VII асрга келиб баъзи бир сўзлар кўплик соннинг бошва тушум келишикларида ҳеч қанақа суффиксга эга бўлмади , баълки ўзакдаги унлини ўзгартирган эди . Бу усул кенг тарқалмаган эди ва ўрта англиз даврида тўхтаган эди .

Бу группанинг баъзи бир сўзлари. Масалан : bōc, scrud кейинчалик шу грухидан ажралиб "es" суффикси ёрдами билан кўплик сонни вужуда келтирган эди. books

Илгари эга bōc-bec

Қолган бошқа сузлари эга ўзакдан унлини ўзгартирар эди.

a foot-fut

a tooth- tecth ва бошқалар

Қадимги англиз кўплик сонда ўзакини ўзгантирадиган ("goose" (ғоз) сўзидан) янги маънони яъни "машиначини утюги" англатадиган goose сўзи пайдо бўлган эди. Шу сўз кўплик сонда ўзакдан негизни ўзгартирмасдан балким "es" суффикси ишлатилади. a goose – geoes

Shepp, dur, sune сўзларининг кўплик сони.

"a" негизли қадимги англиз scēār dēōr ва sune сўзлари кўплик сонда кўшимчаларга эга эмас эдилар чунки ўзакда чўзиқ унлига эга бўлган сўзлар "u" суффиксини йўқотган эди . Шунинг учун бу отларнинг кўплик ва бирлик сон формалари бир ҳил эди, яъни scēār, dēōr.

Кўп вақт ўтгач бу гуруҳнинг кўп сўзлари, масалан řing кўплик сонда "es" суффикси кўшиладиган сўзларини гуруҳига ўтган эдилар. Эски формасини эса йўқорида айтилган фақат учта сўз сақлаб қолган эди.

Албатта бу ерда шунақа савол пайдо бўлади, нима учун бу сўзлар кўплик сонда "es" суффиксини кўшмайдилар .

Қадимги англиз "a" негизли fisc-fiscas формаларига эга бўлган fisc сўзи ҳам кейинчалик бу группага ўтиб кетган . Фақат fish сўзи эмас, балким trout , salmon, sterlet .

Бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзларнинг кўплик сони .

Ҳозирги замон англиз тилида шунақа сўзлар борким, улар кўплик сонни йўқорида айтиб ўтилган усулдан ҳеч биридан фойдаланмайдилар. Бу сўзлар латин, грек ва ёки англиз тилига янги даврда кирган сўзлардир. Бу сўзлар тўлиқ ассимиляция этилмаган, чунки улар жуда оз ишлатилган ва тилда кенг тарқалмаган. Шундай сўзларга bacterin, formula, genius, crises, phenomenon ва бошқалар кирадилар.

Formula XVII асрда лотин тилидан ўзлаштирилган. XX асрда formulas форма пайдо бўлади. Энди англиз тилида сўз учун иккита кўплик сон форма-лари бор formulas ва [fɔ:mjuli:] деб талаффуз этиладиган formulas сўзи.

“Genius” сўзи эса XVI асрда латин тилидан ўзлаштирилган эди. Бу сўз лотин тилида кўплик сон бош келишигида сўз лотин тилида кўплик сон бош келишигида genii формасига эга эди. Кейинчалик бу сўздан “гений” маъноли genius сўзи пайдо бўлди. Бу эга кўплик сонда geniuses формасига эга эди ва англиз тилида genius-genii сўзига қараганда кенг тарқалган.

“Phenomenon”- ҳодиса, XVII-XVIII асрларда грек тилидан ўзлаштирилган эди. Грек тилида кўплик сон бош келишигида “a” суффиксига эга эди.

Шунинг учун англиз тилида ҳам шу иккита форма ассимиляция қилинишидан сақланиб қолган.

Phenomenon-phenomena

“Datum” ва “stratum” сўзлари лотин тилидан ўзлаштирилган бўлиб ўз формаларини ўзгартирган.

Datum – data даные

Stratum- strata слой

Ўрта англиз даврида иккита муҳим процеслар бўлиб ўтган эди.

Фонетик процес – Сўзнинг охирида “u” ва “e” қўшимсалари тушиб қолар эди, яъни келишик қўшимчалар тушиб қолар эди.

Морфологик процес – Турланиш сақланиб қолар эди.

Морфологик структураси осонлаштириш тенденцияси XII асрда Шимолий Англияда вужудга келган эди.

Келишиклардан энг мустаҳкам “s” эди. XIII-XIV асрларда “s” қўшилмаси қолган қўшилмаларни сиқиб чиқарган эди.

Олмошлар таракқиёти.

Ўрта-инглиз даврида бир шахс кишилик ва объект келишиги олмошлари қуйидагича эди:

	Бир	Кўплик
Бош	ich	wē
Объект	mē	ūs

Бирлик сон бош келишик “ic” формаси [Itʃ] ich шаклига эга эди, чунки [k]>[tʃ]

Ich шакли билан бир қаторда XII асрда урғусиз “i” шакли кенг тарқала бошлаган эди.

XV асрда “ich” шаклини “I” шакли сиқиб чиқарган эди. Энди “i” ҳам урғусиз, ҳам урғули позицияларда ишлатиладиган бўлди. “i” [i:] га ўтган эди.

Объект келишик mē эса, буюк силжиш бўйича торайиб mi [mi:] га ўтган эди ва орфографияда ‘me’ ёзила бошланди. Кўплик сон бош келишик эса XVI бошлаб we [wi:] деб талаффуз этила бошлади.

“us” олмошининг ўрта англиз объект формаси эса ūs деб ёзилар эди. Янги англиз даврида [ū] қисқа [u] га ўтган эди ва кейинчалик XVII асрда [u]>[ʌ] га ўтгандан кейин “us” [ʌs] деб талаффуз этила бошлади.

Ҳозирги замон англиз тилида бош келишикнинг ўрнига объект келишик ишлатилиш учрайди. Масалан: It’s me

Ўрта – англиз даврида иккилама сон шакли ишлатилмагандан кейин, тушум келишик шакллари жўналиш келишик шакллари томонидан сиқиб чиқарилган эди. Қаратқич келишик шакллари эса эгалик олмошларга айланган эдилар, шундай қилиб 2-шахс олмошнинг парадигмаси қуйидагича эди.

	Бирлик	Кўплик
Бош	thou,thow [Θū]	yē
Объект	thee	yw,yow,you

Янги инглиз даврида [ðū] > [ə] га ўтган эди. ū эса [au] га ва thou [Θū]>[ðau], деб талаффуз этила бошлаган эди. Ҳозир ҳам шундаки XVI асрдан бошлаб thou шакли, яъни 2 – шахс бирлик шакли ишлатилишидан чиқа бошлаган эди. Шекспир бу олмош бир бирига яқин бўлмаган одамларининг суҳбатида ёки катталар кичикларга мурожат қилганда ишлатган. Бунини олмошни Шекспир пьесаларида учратишимиз мумкин.

XVIII асрга келиб эса thou , thee ва thy, thine шакллари умуман муносабатдан чиқди, ва фақат поэзияда сақланиб қолган эдилар. Бош келишик yē формаси ўрта инглиз даврида ҳам бор эди [ē]>[i:] га ўтиб уе эса [yi:] деб талаффуз этилар эди. Объект келишик ēow шакли эса XIII-XIV асрларда ouow га ўтган эди .

